

Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У.

БОШҚА ТАРМОҚЛАРДА АУДИТНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ КАФЕДРАСИ

Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У.

**БОШҚА ТАРМОҚЛАРДА АУДИТНИНГ
ХУСУСИЯТЛАРИ»**

Ўқув қўлланма

САМАРҚАНД – 2018

Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У. Бошқа тармоқларда аудитнинг хусусиятлари. Ўқув қўлланма. -Самарқанд, СамИСИ, 2018 – 132б.

Такризчилар:

Абдуллаев Р.А	СамИСИ, «бухгалтерия хисоби ва аудит» кафедраси профессори, и.ф.н.
Аликулов А.П	СамКХИ, «бухгалтерия хисоби ва аудит» кафедраси mudiri, и.ф.д.

Маъмур ўқув қўлланма «Бошқа тармоқларда аудитнинг хусусиятлари» фанининг ўқув дастури асосида тайёрланган. Унда қурулиш ташкилотлари, кўпшўроқ хўжалик корхоналари, савдо корхоналари ва транспорт ташкилотларида аудитни ташкил этиш хусусиятлари ушбу хўжалик юритувчи субъектлар даромадлари, харажатлари ҳамда бюджет ва бютжетдан ташқари тўловлар аудитини ўтказиш тартиблари меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда очиб берилган.

Ушбу ўқув қўлланма олий таълимнинг – 5А230902 «Аудит» магистратура мутахассислиги учун мўлжалланган. Шунингдек, ундан барча қизиқувчилар, жумладан, бухгалтерлар, аудиторлар ва солиқ идоралари ходимлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Институт Илмий кенгашининг 2018 йил 30 мартдаги йиғилиши қарори билан чоп этишга тавсия этилган (8 -сон баён)

© СамИСИ, К.Б.Уразов, Н.У.Худайбердиев, 2018.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
I Бўлим. ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА АУДИТ ХУСУСИЯТЛАРИ	
I БОБ. Қурилиш ташкилотларида аудитни ташкилий ва ахборот таъминоти хусусиятлари	
1.1.Қурилиш ташкилотларида аудитнинг мақсади, вазифалари, меъёрий-ҳукукий ва ахборот таъминоти.....	7
1.2.Қурилиш ташкилотларида аудиторлик текширувини ташкил этиш..	11
1.3.Аудиторлик текширувини ўтказишда қўлланиладиган усуллар....	13
II Боб. Қурилиш ташкилотларида харажат ва даромадлар аудити	
2.1.Қурилиш ташкилотларида асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг аудити.....	15
2.2. Қурилиш ташкилотларида ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатларининг аудити	26
2.3.Қурилиш ташкилотларида бажарилган қурилиш ишларидан олинган даромадлар аудити.....	31
2.4.Қурилиш ташкилотларида асосий бўлмаган фаолиятидан олинган даромадлар аудити.....	35
III Боб. Қурилиш ташкилотларида солиқ ва тўловлар аудити	
3.1.Қурилиш ташкилотларини солиққа тортишнинг хусусиятлари.....	37
3.2.Қурилиш ташкилотларида қўшилган қиймат солиғи аудити.....	37
3.3. Қурилиш ташкилотларини даромад (фойда) солиғи аудити.....	41
3.4.Қурилиш ташкилотларида ягона солиқ тўловининг аудити.....	44
3.5.Қурилиш ташкилотларида мажбурий ажратмалар, йнгимлар ва ушланмаларнинг аудити.....	46
II Бўлим. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА АУДИТНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	
IV БОБ. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида аудитнинг меъёрий- ҳукукий асослари, ахборот таъминоти, мақсади ва вазифалари	
4.1.Қишлоқ хўжалиги корхоналарида аудитнинг меъёрий-ҳукукий асослари ва ахборот таъминоти	49
4.2.Қишлоқ хўжалик корхоналарида аудитнинг мақсади ва вазифалари.....	53
V БОБ. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва даромадлар аудити	
5.1. Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш харажатларининг аудит объекти сифатида ўзига хос хусусиятлари ва аудитининг мақсади ҳамда вазифалари.....	55
5.3. Дехқончилик ишлаб чиқариш харажатлари ва дехқончилик маҳсулотлари таннарининг аудити.....	57
5.4.Чорвачилик ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархининг аудити.....	66

КИРИШ

Иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳалари бир-биридан фарқли жиҳатларга эга. Ушбу фарқли жиҳатлар уларни бошқариш учун керакли бўлган ахборотларни йиғиш, кайд этиш, гуруҳлаш, жамлаш ва узатиш воситаси бўлган бухгалтерия ҳисобига ҳам ўз таъсирини ўтказиши табиий ҳол. Бу ўз навбатида ушбу хўжалик юритувчи субъектларда аудитни ташкил этиш ва ўтказиш хусусиятларини белгилайди. Айнан шулар бошқа тамокларда аудитнинг хусусиятларини махсус фан сифатида ўрганилиши ва ўқитилишини тақозо этади.

«Бошқа тармоқларда аудитнинг хусусиятлари» фанининг асосий мақсади иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида аудитни ташкил этиш ва уни ўтказиш хусусиятларини очиқ бериш, талабаларда турли тармоқ ва соҳаларга тегишли хўжалик юритувчи субъектларда аудитни амалга ошириш бўйича амалий кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Ушбу ўқув қўлланма «Бошқа тармоқларда аудитнинг хусусиятлари» фанининг намунавий дастурига мувофиқ тайёрланган. У «Аудит» мутахассислиги йўналишидаги магистрларга мўлжалланган.

Ўқув қўлланма ўз ичига тўртта бўлимни олган, бу бўлимларда иқтисодиётнинг алоҳида тармоқ ва соҳаларига, жумладан қурилиш, кишлоқ хўжалиги, савдо ва транспорт тармоқларига тегишли турли хўжалик юритувчи субъектларда аудитни ташкил этиш ва ўтказиш хусусиятлари ёритилган.

Ўқув қўлланманинг «Қурилиш ташкилотларида аудитнинг хусусиятлари» номли биринчи бўлимида қурилиш ташкилотларида аудитнинг мақсади, вазифалари, меъёрий-ҳукукий ва ахборот таъминоти, аудитни ташкил этиш ва аудит ўтказишда қўлланиладиган усулларга ҳамда қурилиш ташкилотларида харажатлар, даромадлар, солиқлар ва бошқа тўловлар аудитини ташкил этиш ҳамда ўтказиш хусусиятларига қаратилган.

Ўқув қўлланманинг «Кишлоқ хўжалиги корхоналарида аудитнинг хусусиятлари» номли иккинчи бўлимида кишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларининг аудит объекти сифатида ўзига хос хусусиятлари ва аудитининг мақсади ҳамда вазифалари, деҳқончилик ва чорвачилик ишлаб чиқариш харажатлари ва деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари таннарининг аудити, кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қабул қилиш, саралаш, сотишга тайёрлаш ва сотиш жараёнлари

аудитининг хусусиятлар ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарида солиқ ва тўловлар аудитининг хусусиятлар очиб берилган.

Ўқув қўлланманинг «Савдо корхоналарида аудитнинг хусусиятлари» номли учинчи бўлими Савдо корхоналарида аудитни ташкил этиш асослари унинг мақсади, вазифалари, меъёрий-ҳуқуқий ва ахборот таъминоти, савдо корхоналарида товарлар ҳаракатининг аудити, савдо корхоналарида товарларнинг сотилиши ва бошқа чиқимларининг аудити, савдо корхоналарида товар-моддий бойликлар инвентаризацияси ва уни натижаларининг расмийлаштириш хусусиятларига бағишланган.

Ўқув қўлланманинг «Транспорт ташкилотларида аудитнинг хусусиятлари» номли тўртинчи бўлимида транспорт соҳага кирувчи хўжалик юритувчи субъектларида аудитни ташкил қилиш хусусиятларига бағишланган. Унда, жумладан, транспорт воситаларининг ҳолати ва ҳаракатининг аудити, транспорт воситалари иш фаолияти кўрсаткичларининг аудити уларнинг иш фаолиятининг аудити очиб берилган.

I Бўлим. ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА АУДИТ ХУСУСИЯТЛАРИ

I Боб. Қурилиш ташкилотларида аудитни ташкилий ва ахборот таъминоти хусусиятлари

1.1. Қурилиш ташкилотларида аудитнинг мақсади, вазифалари, меъёрий-ҳуқуқий ва ахборот таъминоти

Қурилиш ташкилотлари ўз фаолиятини хўжалик ҳисоб-китоби асосида юритувчи, яъни ўзини-ўзи маблағ билан таъминловчи, олган даромадлари эвазига барча харажатларини қопловчи ва пировард натижада фойда олувчи корхоналар сифатида аудитнинг муҳим субъектлари бўлиб ҳисобланади. Қурилиш ташкилотлари хўжалик фаолиятининг турлари, уларни ташкил қилувчи жараён ва муомалалар, эришилган молиявий натижалар, шунингдек хўжалик фаолиятини олиб борилишини таъминловчи активлар, бу активларни ташкил топиш манбалари аудитнинг объектларини ташкил этади.

Қурилиш ташкилотлари хўжалик фаолиятини ташкил қилувчи жараён ва муомалаларнинг Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонун ва қонун ости ҳужжатларга мослиги, эришилган молиявий натижаларнинг меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги шунингдек хўжалик фаолиятини олиб борилишини таъминловчи активлар, бу активларни ташкил топиш манбалари тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини аниқлаш ва мижозга етказиш аудитнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

Қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган ишларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ олиб борилганлиги ва бунда белгиланган меъёр ва тартибларга амал қилинганлигини текшириш, қурилиш ишларига кетган сарф-харажатларни тўғри ва ўз вақтида ҳужжатлаштирилганлиги, улар асосида қурилиш жараёнлари синтетик ва аналитик ҳисобининг тўғри юритилганлиги, тугалланмаган қурилиш ишлари қийматини тўғри аниқланганлиги, тугалланган ишлар қийматини аниқ баҳоланганлиги ва калькуляция қилинганлиги, уларни ҳисобот даври даромадларига ҳисоблаш тамойилига асосан киритилганлиги, ўзаро ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилганлигини ўрганиш ва улар тўғрисида ҳолисона баҳо бериш аудитнинг олдида турган энг муҳим вазифалардир.

Курилиш ташкилотларида аудитнинг асосий вазифалардан бири аудитор ва курилиш ташкилотлари ўртасида тузилган шартномада белгиланадиган аниқ масалани бевосита республикамизда амалда бўлган қонун ва қонун ости ҳужжатлари талаблари асосида ечишдан иборат. Аудитор ушбу вазифани бажаришда бевосита курилиш ташкилотлари томонидан бажариладиган курилиш, курилиш-монтаж, жиҳозларни ўрнатиш, кенгайтириш, реконструкция қилиш, ободонлаштириш, капитал ва жорий таъмирлаш ишларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади.

Курилиш ишларининг хусусиятлари курилиш ташкилотларида аудит ўтказишнинг хусусиятларини белгилайди.

Биринчидан, аудитга бир вақтнинг ўзида бир қанча объектлар курилишида иштирок этаган турли кўринишдаги асосий воситалар жумладан махсус техника ва механик ҳамда электр жиҳозлар, юк ташиш машиналари ва шу кабиларнинг иш фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни объектлар ўртасида ҳисоб сиёсатида белгиланган усулларда тўғри тақсимланганлиги тўғрисида батафсил ва ҳаққоний маълумотларни бериш каби вазифани белгилайди.

Иккинчидан, курилиш ишларининг белгиланган муддатларда бажарилиши тегишли курилиш материалларининг курилиш майдончаларига ўз вақтида келиб тушишига, улар бўйича тасдиқланган лимитнинг мавжудлиги, бутлиги ва сифатига бевосита боғлиқдир. Бундан ташқари келиб тушаётган материаллар қийматини (таннархини) тўғри баҳолаш, улар ҳисобини баҳолашнинг у ёки бу усулда юритилиши курилиш ишларининг таннархига, уларни бажаришдан олинадиган даромадлар ва тўланадиган солиқларга, курилиш ташкилотининг соф фойдасига бевосита таъсир кўрсатади. Буларнинг барчаси курилиш ташкилотларида материаллар аудити олдига улар қийматини тўғри баҳоланганлигини ўрганиш, материаллар ҳолати ва ҳаракатига доир ҳужжатларнинг тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилганлигини, ушбу бойликлар омбор ва бухгалтерия ҳисоби регистрларини белгиланган тартибда юритилганлигини текширишдек муҳим вазифани қўяди.

Учинчидан, курилиш ишлари ҳажми ва қийматига кўра катта миқдорда маблағ талаб қиладиган фаолият ҳисобланади. Шу билан ҳам курилиш ишларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши уларни молиялаштирилиш манбаларининг мавжудлигига бевосита боғлиқдир. Курилиш ишлари, одатда,

буюртмачидан олинган олдиндан тўлов ва кейинги тўловлар, шунингдек пудратчи ташкилотнинг ўз маблаглари ёки улар томонидан олинган банк кредитлари эвазига амалга оширилади. Қурилиш ишларини молиялаштирилишининг ушбу хусусиятлари пудратчи ташкилотларда пул маблагларини махсус счётларда аккумуляция қилишни (тўплашни), улардан оқилона фойдаланишни, олдиндан тўлов ва кейинги тўлов суммаларини буюртмачилардан ўз вақтида келиб тушишини, банк кредитлари ва бошқа қарз маблагларни олиш ва қайтариш муомалаларини усликсиз назорат қилишни, уларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштиришни, пул маблаглари, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳисобини белгиланган тартибларга риоя қилган ҳолда олиб боришни тақозо қилади. Бу жараёнлар ҳам қурилиш ташкилотларида пул маблагларининг ҳисоби ва ўзаро ҳисоблашишлар амалда бўлган қонунчиликда белгиланган тартибда юритилганлигини ўрганиш вазифасини қўяди.

Тўртинчидан, қурилиш ишлари бошқа ишлардан фарqli ўларок коллектив меҳнатга таянади, яъни уларни олиб боришда меҳнатни ташкил қилишнинг бригада шакли кенг қўлланилади. Мос равишда бажарилган иш ва хизматларга ҳақ тўлашда ҳам меҳнатнинг бригада шакли асос қилиб олинади. Қурилиш ишларининг яхлит бригада аъзолари томонидан бажарилиши жами ҳисобланган иш ҳақини, унга қўшимчаларни бригада аъзолари ўртасида уларнинг меҳнатдаги ҳақиқий иштирокига мос тарзда тўғри тақсимланганлигини ва ҳисобининг тўғри юритилганлигини текшириш вазифасини қўяди.

Қурилиш ташкилотларида аудит ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги Қонуни” ва аудиторлик фаолиятининг халқаро ва миллий стандартларига асосан қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга таянилган ҳолда ўтказилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2004.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” қонуни;

3. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаштириш тўғрисида», 2000 йил 25 май (кейинги ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

4. «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқиш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида

Низом». ЎзР ВМнинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган.

5.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори «Капитал қурилишда ҳўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2003 йил 12 сентябр, 395-сон.

6.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори «Қурилиш соҳасида ҳисоботни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2003 йил 24 сентябр, 4095-сон.

7.Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос. Ўз.Р. АВ томонидан 1998 йил 14 августда рўйхатга олинган, № 475.

8.«Чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш муддатлари тўғрисида низом». Ўз.Р. АВ томонидан 2000 йил 3 июлда рўйхатга олинган, № 942 (кейинги ўзгартиришлар билан).

9. «Молиявий ҳисобот шаклларини тўлғазиш бўйича тартиб». Ўз.Р. АВ томонидан 2003 йил 24 январда рўйхатга олинган, № 1209 (кейинги ўзгартиришлар билан);

10.БҲМСлар;

11.АФМС.

Қурилиш ташкилотлари даромадларини аудит қилишда юқорида санаб ўтилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга таянган ҳолда қуйидаги бирламчи ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари ва молиявий ҳисобот шакллари текширилади:

1.Корхона устави;

2.Ҳисоб сиёсати;

3.Ишчи счётлар режаси;

3.Молиявий ҳисобот шакллари;

4.Бош китоб;

5.Аналетик ва синтетик ҳисоб регистрлари;

6.Ҳўжалик жараёнларини ҳужжатлаштиришга доир дастлабки ҳужжатлар;

7.Буюртмачилар билан тузилган пудрат шартномалари;

8.Олдинги текширув материаллари.

1.2. Қурилиш ташкилотларида аудиторлик текширувини ташкил этиш

Қурилиш ташкилотларида аудитни ташкил этиш ва ўтказиш тўртта босқичда амалга оширилди: (1) аудит ўтказишнинг тайёргарлик босқичи; (2) аудитни ўтказиш босқичи; (3) аудит натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш босқичи, (4) аудит натижаларини тадбик этиш босқичи.

Аудитни ўтказишга тайёргарлик босқичида аудиторлик ташкилоти (бажарувчи) ва қурилиш ташкилоти (буюртмачи) ўртасида аудиторлик хизматларини кўрсатиш бўйича шартномани тузишга қадар бўлган барча турдаги ишларни оширилади. Ушбу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- аудиторлик ташкилоти томонидан қурилиш ташкилотидан аудит ўтказиш тўғрисидаги ёзма буюртмасини қабул қилиш;
- аудиторлик ташкилоти томонидан қурилиш ташкилотининг ҳисоб ва ҳисоботи, ички назорат тизими ҳолатини ўрганиш;
- аудитнинг иш ҳажми, аудиторлик хатарининг даражасини белгилаш;
- аудит ўтказиш мажбуриятини олиш тўғрисида розилик хатини тайёрлаш, ушбу хатда аудит ўтказиш бўйича шартларни кўрсатиш;
- аудит ўтказиш қиймати, режаси, дастури ва бошқа шартларини ўзида мужассам этувчи шартномани тузиш;
- аудиторлар ва улар ёрдам-чиларини аудитга юбориш тўғрисида буйруқ чиқариш, улар ўртасида функционал мажбуриятларни ўзаро тақсимлаш.

Қурилиш ташкилотларида аудитни ташкил этиш ва ўтказишнинг **иккинчи босқичи**, уни ўтказиш босқичи ҳисобланади. Ушбу босқичда аудиторлик ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ миқдор билан тузилган шартномада белгиланган аудит объект(лар)ини текширишдан ўтказилади.

Аудитни ташкил этиш ва ўтказишнинг **учинчи босқичи**да аудитор(лар) томонидан аудиторлик исботу-далилларини ўзида мужассамлаштирувчи ишчи ҳужжатлардаги (бошланғич ҳужжатлар, ҳисоб-китоблар, ҳисоб регистрлари, ҳисоботлар, таҳлилий жадваллар ва бошқалар) маълумотлар ҳар бир аудит объекти бўйича жадвал кўринишида жамланади ва ушбу маълумотлар асосида ўтказилган аудит натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботини тайёрлаш каби ишлар амалга оширилади. Қурилиш ташкилотларининг молиявий

хисоботларини текшириш бўйича ўтказилган аудиторлик текширувлари натижалари тўғрисида аудитор ҳисоботи 70-сон АФМС «Аудитор ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик ҳулосаси» га мувофиқ тузилади.¹

Ушбу босқичда тузиладиган аудиторлик ҳисоботида аниқланган хато ва камчиликларни тасдиқловчи барча аудиторлик ҳисоботлари илова қилиниши лозим. Шунингдек аудиторлик ҳисоботида аниқланган хатоликлар ва камчиликларни тузатишга доир таклиф ва тавсиялар ўз аксини топиши керак.

Қурилиш ташкилотларида аудитни ташкил этиш ва ўтказишнинг якуний, яъни тўртинчи босқичида бажариладиган асосий ишлар бўлиб, ўтказилган аудитда аниқланган хатоликлар ва камчиликларни муҳокама қилиш ва муҳимлигига баҳо бериш, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари амалга ошириш, аудиторлик ҳулосасини бериш, бажарилган ишларни қабул-қилиш-топириш далолатномаси билан расмийлаштириш, ўзаро якуний молиявий ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳисобланади. Аудиторлик текшируви натижалари бўйича томонлар ўртасида тузатилиши лозим деб қилишилган хатоликлар ва камчиликларни тўлиқ бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаларининг аудиторлик ташкилотига тақдим этилиши буюртмачига ижобий аудиторлик ҳулосасини беришга имкон беради. Бу ишларнинг буюртмачи томонидан амалга оширилмаслиги аудиторлик ташкилоти томонидан изохлар келтирилган аудиторлик ҳулосасини, салбий аудиторлик ҳулосасини, ёки ҳулоса беришдан бош тортиш тўғрисида ёзма мурожаатнома-хат беришга асос бўлади.


Аудитнинг аудитни ўтказиш босқичида бажариладиган ишлар учун масъул шахслар бўлиб бажарувчи томонидан аудиторлик ташкилотининг раҳбари, буйруқ бўйича аудит ўтказишга юборилган аудиторлар ва уларнинг ёрдамчилари, аудиторлик ташкилоти раҳбарининг қўшимча буйруғи билан у ёки бу объектни текширишга ва ҳолис баҳо беришга жалб этилган экспертлар ҳисобланади. Буюртмачи ташкилотдан аудитнинг аудитни ўтказиш босқичида бажариладиган ишлар бўйича масъул шахслар бўлиб унинг раҳбари, бош ҳисобчиси, бўлим бошлиқлари ва ходимлари, моддий-жавобгар шахслар ва бошқа ходимлар ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2016 йил 1 декабрда 2844-сон билан рўйхатга олинган

1.3.Аудиторлик текширувини ўтказишда қўлланиладиган усуллар.

Аудит текшириш объектларини макон ва замонда мавжудлигига, уларни доимий ривожланиш диалектикасига асосланади. Айнан шундай ёндашиш аудитнинг фаолият ва фан сифатидаги методини ташкил этади.

Аудит методининг моҳияти унинг объектларини ақс эттириш ва ўрганишда қўлланиладиган усулларнинг мазмунида ўзининг ёрқин ақсини толади. Бундай усуллар бўлиб, жумладан, қуйидагилар ҳисобланади (1.1-расм).



1.1-расм. Аудитда қўлланиладиган усуллар.

1.1-расмдан кўриниб турибдики, аудиторлар аудиторлик текширувини ўтказишда бухгалтерия ҳисобида кенг қўлланиладиган усуллардан тўлиғича

фойдаланадилар. Аудит ўтказишда бухгалтерия ҳисоби хужжатларининг ва улардаги ёзувларнинг ҳаққонийлигини (мисол учун, имзоларнинг ҳаққонийлиги, хужжатларни кимнинг хуснихати билан тўлдирилганлиги ва шу кабиларни) аниқлаш заруриятлари туғилиши мумкин. Бундай ҳолларда хужжатлар суд-бухгалтерия экспертизаси орқали текширтирилади.

Аудиторлар текшириш давомида тегишли исботларни йиғиш ва жамлаш учун танлаб текшириш, тест, хронометраж, жадваллар тузиш ва шу каби бошқа таҳлил ва математик-статистика усулларида кенг фойдаланадилар.

II Боб. ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА ХАРАЖАТ ВА ДАРОМАДЛАР АУДИТИ

2.1. Қурилиш ташкилотларида асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг аудити.

Қурилиш ташкилотларида асосий ишлаб чиқаришни миқдорлар билан тузилган шартномаларга асосан бажарилган ёки бажарилаётган қурилиш ишлари ташкил қилади. Миқдорлар билан тузилган шартномаларга асосан шартномада белгиланган қурилиш ишларини бажариш мақсадида амалга оширилган харажатлар асосий ишлаб чиқариш харажатлари деб аталади ва у ўз навбатида бажарилган қурилиш ишларининг таннархини ташкил этади. Шу сабаб, асосий ишлаб харажатлари аудитнинг муҳим объекти ҳисобланади.

Қурилиш ташкилотларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини тартибга солувчи асосий ҳужжат бўлиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқиш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартибн тўғрисида Низом» бўлиб ҳисобланади. Қурилиш ташкилотларида амалга оширилган харажатларнинг гуруҳлари ва аниқ моддаларининг таркиби ушбу низомга мувофиқ бўлиши лозим.

Ушбу Низомга кўра қурилиш ишлари таннархига кирадиган асосий ишлаб чиқариш харажатлари бевосита ва билвосита (устама) харажатларга бўлинади. Ушбу турдаги харажатлар иқтисодий моҳиятига кўра бешта гуруҳга ажратилади ва уларнинг таркибига қуйидаги харажат моддалари киритилади (2.1-жадвал).

Аудитор, қурилиш ташкилотларида қурилиш ишларини бажариш учун амалга оширилган бевосита материал харажатларни аудиторлик текширувидан ўтказишда қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

Биринчидан, қурилиш ташкилотларига кирим қилинган материалларнинг ўз вақтида расмийлаштирилганлигига ва уларнинг бошланғич қийматининг тўғри аниқланганлигига;

Иккинчидан, сарфланган материал харажатларнинг ўз вақтида расмийлаштирилганлигига ва уларнинг чиким қийматининг тўғри аниқланганлигига;

**Курилиш ишлари таннархига кирувчи асосий ишлаб чиқариш
харажатлари**

Харажат гурухи	Харажат моддалари	Бошланғич хужжатлар ва ҳисоб регистрлари
Бевосита материал харажатлари	Курилиш ишларига бевосита сарфланган қурилиш материаллари, ярим фабрикатлар ва буюмлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари, хўжалик инвентарлари ва бошқа материаллар	• Материал ҳисоботи (М-19) • Материал сарфи ҳисоботи (М-29) • 10-с журнал-ордер
Бевосита меҳнат ҳақи харажатлари	Курилиш ишларини бевосита олиб борган қурилиш бригадалари аъзоларига ҳисобланган асосий иш ҳақи ва мукофатлар	• Нарядлар • Табеллар • Тўлов қайдномалари • 10-с журнал-ордер
Бевосита меҳнат ҳақи фондидан ижтимоий сугуртага ажратмалар	Курилиш ишларини бевосита олиб борган қурилиш бригада аъзолари иш ҳақи фондидан ижтимоий сугуртага ажратмалар	• Ижтимоий сугуртага ажратма ҳисоб-китоби 10-с журнал-ордер
Амортизация ажратмалари	Курилиш ишларини олиб боришда бевосита иштирок этган асосий воситалар, номоддий активлар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси	• Амортизация ҳисоб-китоби • 10-журнал-ордер
Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари (бевосита устама харажатлар)	1. Асосий ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган материаллар кийматидаги фарқлар 2. Асосий ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган турли хизматлар (лойиҳалаштириш, сертификатлаш ва транспорт хизматлари, газ, сув ва электр қуввати билан таъминлаш, таъмирлаш ва бошқа хизматлар) 3. Асосий ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган меъёردаги йўқотишлар 4. Асосий ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган ёрдамчи ишлаб чиқариш ва умумишлаб чиқариш харажатлари 5. Асосий ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқарилган келгуси давр харажатлари 6. Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	• Счёт-фактуралар • Далолатномалар • Бухгалтерия ҳисоб-китоблари • 10-с журнал-ордер • Бошқа хужжатлар ва регистрлар

Курилиш ташкилотларига кирим қилинган материалларнинг расмийлаштирилиши ва бошланғич қийматининг тўғри баҳоланиши бевосита уларнинг кирим манбанга боғлиқ. Курилиш ташкилотларига материаллар асосан таъминотчилардан, бош пудратчи ва субпудратчилардан, буюртмачилардан, таъминот-савдо корхоналаридан келиб тушади. Материаллар таъсисчилардан уларнинг устав капиталидаги улуши сифатида, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслардан бегараз молиявий ёрдам сифатида олиниши ҳамда инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча материаллар кирим қилиниши мумкин.

Буюртмачилардан, бош пудратчи ва субпудратчи ташкилотлардан ҳамда таъминотчилардан (курилиш материаллари комбинатлари, заводлар, таъминот-савдо корхоналари ва бошқалардан) курилиш материаллари кирим қилинганда аудитор томонидан улар билан тузилган шартномалар, ўзининг ишончли вакили (экспедитор) номига берилган ишончномалар, таъминотчи корхона томонидан юклаб жўнатилган материаллар бўйича тузилган счёт-фактуралар ва унга илова қилинадиган юк-транспорт ҳужжатларини (ТТН, темир йўл накладнойи, вагон спецификацияси, сифат сертификати ва бошқаларни) тўлиқ аудиторлик текширувидан ўтказди.

Аудитор, кирим қилинган материаллар бошланғич қийматининг тўғри аниқланганлигини текшириш мақсадида материалларни сотиб олиш ва уларни манзилига етказиш ва тегишли ҳолатга келтириш бўйича амалга оширилган турли ҳилдаги қўшимча харажатларни уларни тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар асосида ўрганади ва курилиш ташкилоти бухгалтерияси томонидан тузилган кирим қилинган материалларни сотиб олиш қиймати (таннархи) бўйича ҳисобга олиш учун асос бўладиган махсус «Қирим далолатномаси» билан таккослайди. Чунки, №4 «Товар-моддий захиралар» номли БҲМСга асосан материалларнинг бошланғич қийматини материалларни сотиб олиш ва уларни манзилига етказиш ва тегишли ҳолатга келтириш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар ташкил этади.

Чет эл валютасида сотиб олинган материалларнинг бошланғич қийматини аниқлашда аудитор юк божхона декларацияси тўлдирилган санага эътибор қаратиши керак. Чунки чет эл валютасида сотиб олинган материалларнинг бошланғич қиймати юк божхона декларацияси тўлдирилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тамонидан эълон қилинган курс

бўйича чет эл валютасидаги суммани сўмга қайта ҳисоблаш йўли орқали аниқланади.

Таъсисчиларнинг таъсис бадалли сифатида устав капиталига киритилган материалларнинг бошланғич қиймати бўлиб корхона таъсисчилари ўртасида келишилган қиймат ҳисобланади. Бундай ҳолда аудитор тузилган шартноманинг мавжудлиги, баҳолар келишуви баённомаси ва ушбу баённомага асосан тузилган счё-т-фактуралар ва уларга илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ аудиторлик текширувидан ўтказилади.

Бошқа юридик ва жисмоний шахслардан бегараз молиявий ёрдам сифатида материаллар қирим қилинганда, бегараз молиявий ёрдам сифатида материаллар тақдим этган юридик ва жисмоний шахслар томонидан тузилган счё-т-фактуралар, ёки шу каби материалларни ишлаб чиқарувчи корхоналардан олинган маълумотномалар, ёки эксперт хизмати далолатномаси тўлиқ аудиторлик текширувидан ўтказилади.

Аудитор, қурилиш ташкилотларида қурилиш ишларини амалга оширишда иштирок этган ишчи-ҳодимларга ҳисобланган бевосита меҳнат ҳақи харажатларни аудиторлик текширувидан ўтказишда қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

Биринчидан, қурилиш ишларини амалга оширишда иштирок этган ишчи-ҳодимларга иш ҳақининг тўғри ҳисобланганлигига;

Иккинчидан, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларининг қурилиш ишлари ўртасида тўғри тақсимланганлигига;

Учинчидан, қурилиш ишларини амалга оширишда иштирок этган ишчи-ҳодимларга ҳисобланган иш ҳақидан ижтимоий суғуртага ажратмаларнинг тўғри амалга оширилганлигига;

Тўртинчидан, қурилиш ишларини амалга оширишда иштирок этган ишчи-ҳодимларга ҳисобланган иш ҳақининг ва иш ҳақидан ижтимоий суғуртага ажратмаларнинг бухгалтерия ҳисоби счё-тларда тўғри акс эттирилганлигига.

Аудитор, қурилиш ишларини амалга оширишда иштирок этган ишчи-ҳодимларга иш ҳақининг тўғри ҳисобланганлигини текширишда дастлаб қурилиш ташкилоти томонидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакли аниқланади.

Қурилиш ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш вақтбай ва ишбай шаклларда амалга оширилади.

Иш ҳақи ҳисоблашнинг вақтбай шакли асосан маъмурий-бошқарув ҳамда инженер-техник ходимлар учун қўлланилади. Ушбу шаклда меҳнатга ҳақ тўлаш учун асос бўлиб қурилиш ташкилоты раҳбари томонидан тасдиқланган штат жадвали, ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган вақтини белгиловчи табель ҳисобланади.

Иш ҳақи ҳисоблашнинг ишбай шакли бевосита қурилиш ишларини олиб боровчи ходимлар учун қўлланилади. Қурилиш ишлари, одатда, жамоа, яъни бригада томонидан бажарилади. Бажарилган ишлар яхлит жамоанинг (бригаданинг) меҳнати сифатида тавсифланади. Мас равишда ҳисобланган иш ҳақи ҳам жами жамоа (бригада) учун ҳисобланган иш ҳақи ҳисобланади. Иш ҳақини ҳисоблашнинг бундай тизими адабиётларда «аккорд», «аккорд-наряд» тизими, деб ҳам эътироф этилади.

Аккорд тизимда ҳисобланган асосий иш ҳақи, мукофатлар ва бошқа қўшимчалар дастлаб жами бригада учун яхлит тарзда белгиланади. Иш ҳақининг жами миқдори бригада томонидан ҳақиқатда бажарилган ишнинг ҳажмини, бир бирлик иш учун белгиланган меҳнат ҳақи меъёрига (расценкага) кўпайтириш йўли билан аниқланади. Корхона раҳбари буйруғи билан белгиланган мукофат ва бошқа қўшимча тўловлар ҳам яхлит бригадага тегишли ҳисобланади.

Аудитор қурилиш ишларини амалга оширишда иштирок этган ишчи-ходимларга иш ҳақи ҳисоблашнинг аккорд шакли қўлланилганда иш ҳақининг тўғри ҳисобланганлигини бригада аъзоларининг ҳақиқатда ишлаган вақтини белгиловчи табелни ҳамда бригада аъзоларининг умумий бажарилган ишдаги хиссаси, яъни меҳнатда иштирок коэффициенти (МИК) бригада кенгаши мажлиси қарори билан белгиланлигини ва махсус баённоманинг мавжудлигини ўрганишдан бошлаш лозим.

Чунки, асосий ва қўшимча иш ҳақлари бригада аъзоларининг ўртасида уларнинг умумий бажарилган ишдаги хиссасига, яъни меҳнатда иштирок коэффициенти (МИК)га қараб тақсимланади.

Мисол. Бригада аъзоларига декабрь ойида «А» объектда бажарган ишлари учун наряд асосида 500000 сўм иш ҳақи ҳисобланган, шунингдек 300000 сўм мукофат белгиланган. Бригада аъзоларининг таркиби, эгаллаган лавозимлари, разрядлари, табел бўйича ишлаган вақти, бригада кенгаши йиғилишининг қарори бўйича белгиланган меҳнатда иштирок этганлик коэффициентлари ва ҳисобланган иш ҳақи 2.2-жадвалда келтирилган.

Бригада аъзоларга ҳисобланган иш ҳақи ҳисоб-китоби

№	Фамилия, исми шарифи	Лаво- зими	Ишла- ган вакти, соат	Меҳнатда иштирок коэфф.и.	Ҳисобланган		Жами ҳисоб- ланди
					иш ҳақи	муко- фат	
1	Давиров Д	Бригадир	175	1,3	136784	82071	218855
2	Халиков А.	Ишчи	175	1	105219	63131	168350
3	Мардиев Б	Ишчи	175	1,1	115741	69444	185185
4	Исаев С	Ишчи	140	0,7	58923	35354	94277
5	Олимов А	Ишчи	154	0,9	83333	50000	133333
	Жами		819		500000	300000	800000

Юқоридаги мисолга асосан иш ҳақи ҳисоблашнинг аккорд шаклида қурилиш ташкилоти бухгалтерияси томонидан бригада аъзоларига иш ҳақининг тўғри ҳисобланганлигини текширишда аудитор қуйидаги ҳисоб китобларни амалга оширади.

Биринчи ҳисоб-китоб - бригада аъзоларининг ҳақиқатда ишлаган вақти аниқланади. Бригада аъзоларининг ҳақиқатда ишлаган вақти бригадир томонидан тўлдирган табелга асосан аниқланади.

Иккинчи ҳисоб-китоб – ҳар бир бригада аъзосининг меҳнатда иштирок коэффиценти (МИК) ҳисобга олинган ҳолда ишлаган вақти аниқланади. Меҳнатда иштирок коэффиценти (МИК) билан ҳисобланган иш вақти ҳақиқатда ишлаган вақти (табель асосида) бригада кенгаши мажлиси қарори билан белгиланлиги ва махсус баённома кўринишида расмийлаштирилган бригада аъзоларининг меҳнатга иштирок коэффицентиға кўпайтириш орқали аниқланади.

Бизнинг мисолимизда,

№	Фамилия, исми шарифи	Лавозими	Ишлаган вакти, соат	Меҳнатда иштирок коэфф.и.	МИК билан ҳисобланган иш вақти
1	Давиров Д	Бригадир	175	1,3	227,5
2	Халиков А.	Ишчи	175	1	175
3	Мардиев Б	Ишчи	175	1,1	192,5
4	Исаев С	Ишчи	140	0,7	98
5	Олимов А	Ишчи	154	0,9	138,6
	Жами		819		831,6

Учинчи ҳисоб-китоб - дастлаб МИК билан ҳисобланган бир бирлик иш вақтига тўғри келадиган асосий иш ҳақи ва мукофат суммаси топиб олинади. Бизнинг мисолимизда бу кўрсаткич:

- (1) асосий иш ҳақи бўйича 601,25 сўм (500000 / 831,6);
- (2) мукофат бўйича 360,75 сўм (300000 / 831,6).

Тўртинчи ҳисоб-китоб – ҳар бир бригада аъзосига ҳисобланган иш ҳақи аниқланади. Иш ҳақи бир бирлик иш вақтига тўғри келадиган асосий иш ҳақи ва мукофат суммасини МИК билан ҳисобланган иш вақтига кўпайтириш орқали аниқланади.

Бригада аъзолари ўртасида асосий ва қўшимча иш ҳақлари ҳисоб-китоби

№	Фамилия, исми, шарифи	МИК билан ҳисобланган иш вақти	МИК билан ҳисобланган бир бирлик иш вақтига тўғри келувчи		Ҳисобланган		Жами ҳисобланди
			иш ҳақи	мукофат	иш ҳақи	мукофат	
1	Давиров Д.	227,5	601,25	360,75	136784	82071	218855
2	Халиков А.	175	601,25	360,75	105219	63131	168350
3	Мардиев Б.	192,5	601,25	360,75	115741	69444	185185
4	Исраев С.	98	601,25	360,75	58923	35354	94277
5	Олимов А.	138,6	601,25	360,75	83333	50000	133333
	Жами	831,6			500000	300000	800000

Аудитор қурилиш ишларини амалга оширишда иштирок этган ишчи-ҳодимларга иш ҳақининг тўғри ҳисобланганлигини текширгандан сўнг ҳисобланган иш ҳақининг қурилиш ишлари таннархига тўғри киритилганлигини текшириши лозим. Қурилиш ишлари таннархига олиб бориладиган харажатлар, ўз навбатида, яна икки турга бўлинади: (1) қурилиш ишлари таннархига олиб бориладиган бевосита меҳнат ҳақи харажатлари; (2) қурилиш ишлари таннархига олиб бориладиган билвосита меҳнат ҳақи харажатлари.

Қурилиш ишлари таннархига олиб бориладиган бевосита меҳнат ҳақи харажатларига аниқ қурилиш иши учун уни олиб борган ишчи ҳодимларга ҳисобланган тўғридан-тўғри меҳнат ҳақлари киритилади. Битта қурилиш объекти бўйича ҳисобланган меҳнат ҳақи харажатлари бошқа қурилиш объектига доир меҳнат ҳақи харажатларига киритилиши мумкин эмас. Шу сабабдан аудитор корхона бухгалтериясида ҳар бир қурилиш ишлари объекти

учун 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти доирасида очилган мос аналитик счётларини аудиторлик текширувидан ўтказиши лозим.

Аудитор қурилиш ишлари таннархига олиб бориладиган бевосита меҳнат ҳақи (барча қурилиш объектларига тааллуқли бўлган ҳамда улар ўртасида тақсимланиши лозим бўлган меҳнатга ҳақи) харажатларининг қурилиш объектлари бўйича тўғри тақсимланганлигини қуйидаги тартибда ўрганади.

Дастлаб, барча қурилиш объектларига тааллуқли бўлган меҳнат ҳақи харажатлари, жумладан, қурилиш машина ва механизмларининг бошқарувчиларига (машинистларга), ёрдамчи автохўжалик ходимларига ва шу кабиларга ҳисобланган иш ҳақининг тўғрилигини бирламчи ҳисоб ҳужжатлари орқали ўрганиди;

Сўнгра, ҳисоб сиёсатида белгиланган тартибга кўра тегишли қурилиш ишлари ўртасида тақсимланади ҳамда мос равишда уларнинг таннархига киритилади.

Аудитор, бевосита меҳнат ҳақи фондидан ижтимоий сугуртага ажратмаларнинг тўғри ҳисобланганлигини текшириши қуйидаги тартибда амалга оширади:

Биринчидан, ижтимоий сугуртага ажратмаларини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган база бўлган қурилиш ишларини бевосита олиб борган қурилиш бригада аъзоларининг иш ҳақи фондининг тўғри аниқланганлигини текшириш;

Иккинчидан, амалдаги конун ва конун ости ҳужжатларига асосан ижтимоий сугуртага ажратмаларини амалга оширишда қўлланиладиган ставкасининг тўғри қўлланилганлигини аниқланганлигини ўрганиш.

Аудитор, қурилиш ташкилотларида қурилиш ишларини амалга оширишда иштирок этган асосий воситалар ва номоддий активларга ҳисобланган бевосита амортизация ажратмалари харажатларни аудиторлик текширувидан ўтказишда қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

Биринчидан, аудитор қурилиш ишларини амалга оширишда иштирок этаётган асосий воситалар ва номоддий активларга эскириш ҳисоблаш тўғри амалга оширилганлигини текширишдан олдин асосий воситалар ва номоддий активларнинг тўғри гуруҳланганлиги, қурилиш ташкилоти ҳисоб сиёсатида асосий воситалар ва номоддий активларга амортизация (эскириш) ҳисоблашнинг қайси усули белгиланганлигини билиши керак. Чунки, қурилиш

ташкilotлари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича уларнинг эскиришини 5-сон БХМС «Асосий воситалар» ва 7-сон БХМС «Номоддий активлар»да назарда тутилган усуллар бўйича қўйидаги усулларнинг бирида амалга оширилиши мумкин:

- Бир маромда ҳисоблаш;
- Бажарилган иш ҳажмига пропорционал ҳисоблаш;
- Хизмат йиллари йиғиндисига пропорционал ҳисоблаш (кумулятив усул);
- Камайиб боровчи қолдик кийматдан ҳисоблаш.

Иккинчидан, қурилиш ташкilotига янги қабул қилинган (сотиб олинган ёки узоқ муддатли шартнома асосида олинган ва шу каби) асосий воситаларнинг кирим санасига эътибор қаратиши лозим, чунки, агарда асосий воситалар ойнинг 15 санасигача кирим қилинган тақдирда шу ойнинг 1 санасидан, ойнинг 15 санасидан кейин кирим қилинган тақдирда кейинги ойнинг 1 санасидан эскириш ҳисоблаш амалга оширилади.

Учинчидан, қурилиш ташкilotида мавжуд бўлган барча асосий воситаларга ҳам эскириш ҳисобланмайди. Шу сабабли аудитор хўжалик юритувчи субъектда мавжуд бўлган эскириш ҳисобланмайдиган асосий воситалар ҳақида маълумотга эга бўлиши керак.

«Асосий воситалар» номли №5 БХМС 6 параграфи 35 пунктига асосан қўйидаги асосий воситаларга амортизация ҳисобланмайди:

- Ер участкаларига;
- Кутубхона фондларига;
- Кўп йиллик ўсимликларга;
- Ҳокимият тассаруфида бўлган ободонлаштириш ишхоналари;
- Музей бойликларига;
- Архитектура ва санъат ёдгорликларига;
- Маҳсулдор ҳайвонларга;
- Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларига;
- Тўлик амортизация қилинган асосий воситаларга;
- Консервация қилинган асосий воситаларга.

Тўртинчидан, ҳисобланган эскириш суммасининг қурилиш объектлари ўртасида тўғри тақсимланганлигини текшириш.

Аудитор томонидан асосий воситалар ва номоддий активларга эскириш ҳисоблаш тўғри амалга оширилганлигини текшириш мақсадида қурилиш

учун 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти доирасида очилган мос аналитик счётларини аудиторлик текширувидан ўтказиши лозим.

Аудитор қурилиш ишлари таннархига олиб бориладиган биливосита меҳнат ҳақи (барча қурилиш объектларига тааллуқли бўлган ҳамда улар ўртасида тақсимланиши лозим бўлган меҳнатга ҳақи) харажатларининг қурилиш объектлари бўйча тўғри тақсимланганлигини қуйидаги тартибда ўрганади.

Дастлаб, барча қурилиш объектларига тааллуқли бўлган меҳнат ҳақи харажатлари, жумладан, қурилиш машина ва механизмларининг бошқарувчиларига (машинистларга), ёрдамчи автохўжалик ходимларига ва шу қабиларга ҳисобланган иш ҳақининг тўғрилигини бирламчи ҳисоб ҳужжатлари орқали ўрганиди;

Сўнгра, ҳисоб сиёсатида белгиланган тартибга кўра тегишли қурилиш ишлари ўртасида тақсимланади ҳамда мос равишда уларнинг таннархига киритилади.

Аудитор, бевосита меҳнат ҳақи фондидан ижтимоий суғуртага ажратмаларининг тўғри ҳисобланганлигини текшириши қуйидаги тартибда амалга оширади:

Биринчидан, ижтимоий суғуртага ажратмаларини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган база бўлган қурилиш ишларини бевосита олиб борган қурилиш бригада аъзоларининг иш ҳақи фондининг тўғри аниқланганлигини текшириш;

Иккинчидан, амалдаги қонун ва қонун ости ҳужжатларига асосан ижтимоий суғуртага ажратмаларини амалга оширишда қўлланиладиган ставкасининг тўғри қўлланилганлигини аниқланганлигини ўрганиш.

Аудитор, қурилиш ташкилотларида қурилиш ишларини амалга оширишда иштирок этган асосий воситалар ва номоддий активларга ҳисобланган бевосита амортизация ажратмалари харажатларини аудиторлик текширувидан ўтказишда қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

Биринчидан, аудитор қурилиш ишларини амалга оширишда иштирок этаётган асосий воситалар ва номоддий активларга эскириш ҳисоблаш тўғри амалга оширилганлигини текширишдан олдин асосий воситалар ва номоддий активларнинг тўғри гуруҳланганлиги, қурилиш ташкилоти ҳисоб сиёсатида асосий воситалар ва номоддий активларга амортизация (эскириш) ҳисоблашнинг қайси усули белгиланганлигини билиши керак. Чунки, қурилиш

ташкилотлари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича уларнинг эскиришини 5-сон БХМС «Асосий воситалар» ва 7-сон БХМС «Номоддий активлар»да назарда тутилган усуллар бўйича куйидаги усулларнинг бирида амалга оширилиши мумкин:

- Бир маромда ҳисоблаш;
- Бажарилган иш ҳажмига пропорционал ҳисоблаш;
- Хизмат йиллари йиғиндисига пропорционал ҳисоблаш (кумулятив усул);
- Камайиб боровчи қолдик қийматдан ҳисоблаш.

Иккинчидан, қурилиш ташкилотига янги қабул қилинган (сотиб олинган ёки узок муддатли шартнома асосида олинган ва шу каби) асосий воситаларнинг қирим санасига эътибор қаратиши лозим, чунки, агарда асосий воситалар ойнинг 15 санасигача қирим қилинган тақдирда шу ойнинг 1 санасидан, ойнинг 15 санасидан кейин қирим қилинган тақдирда кейинги ойнинг 1 санасидан эскириш ҳисоблаш амалга оширилади.

Учинчидан, қурилиш ташкилотида мавжуд бўлган барча асосий воситаларга ҳам эскириш ҳисобланмайди. Шу сабабли аудитор хўжалик юритувчи субъектда мавжуд бўлган эскириш ҳисобланмайдиган асосий воситалар ҳақида маълумотга эга бўлиши керак.

«Асосий воситалар» номли №5 БХМС 6 параграфи 35 пунктига асосан қуйидаги асосий воситаларга амортизация ҳисобланмайди:

- Ер участкаларига;
- Кутубхона фондларига;
- Қўп йиллик ўсимликларга;
- Ҳокимият тассаруфида бўлган ободонлаштириш иншоотлари;
- Музей бойликларига;
- Архитектура ва санъат ёдгорликларига;
- Маҳсулдор ҳайвонларга;
- Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларига;
- Тўлик амортизация қилинган асосий воситаларга;
- Консервация қилинган асосий воситаларга.

Тўртинчидан, ҳисобланган эскириш суммасининг қурилиш объектлари ўртасида тўғри тақсимланганлигини текшириш.

Аудитор томонидан асосий воситалар ва номоддий активларга эскириш ҳисоблаш тўғри амалга оширилганлигини текшириш мақсадида қурилиш

ташкilotи ҳисоб сиёсатида асосий воситалар ва номоддий активларга амортизация (эскириш) ҳисоблашнинг қайси усулини қўллашни эътиборга олган ҳолда қуйидаги ишларни бажариши лозим

№	Эскириш ҳисоблаш усули	Бажариладиган тадбир
1	бир маромда ҳисоблаш усули	ҳар ойлик амортизация суммаси амортизацияланадиган қийматни фойдали хизмат муддати ва 12га бўлиш
2	Бажарилган иш ҳажмига пропорционал ҳисоблаш усули	амортизацияланадиган сумма фойдали хизмат муддати давомида бажарадиган иш ҳажмига бўлинади ва ҳисобот даври давомида бажарган иш ҳажмига қўпайтирилади.
3	Хизмат йиллари йиғиндисига пропорционал ҳисоблаш усули	хизмат йиллари йиғиндиси топиб олинади ва уларнинг ҳиссасини тесқари ҳолда белгилаш орқали аниқланади.
4	Камайиб борувчи қийматдан ҳисоблаш усули	амортизацияланадиган сумма белгиланган меъёрдан икки қарра миқдорда ҳисобланади, амортизация (эскириш) базаси бўлиб қолдиқ қиймат ҳисобланади

Эслатма: Солиқ Кодекси бўйича асосий воситаларга эскириш ҳисоблашнинг бир маромда ҳисоблаш усулини асос қилиб олинган, шу сабаб бошқа усуллар қўлланилганда солиқ солиш мақсадида қайта ҳисоблаш талаб этилади. Яъни белгиланган меъёрлардан ортиқча ҳисобланган амортизация суммаси даромад солиғини ҳисоблашда солиқ солиш базасига қайта қўшилади, кам ҳисобланганда фарқ айрилади.

Аудитор, шунинг ҳам эътиборга олиш керакки, қурилиш ташкилотларида ишлаб чиқариш мақсадидаги барча асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммаси бевосита у ёки бу объект таннарига олиб бориб бўлмайди. Бунга сабаб шундаки, ишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситалар қурилиш ташкilotи томонидан олиб борилаётган барча қурилиш ишларига бир вақтнинг ўзида хизмат қилиши мумкин. Шу боис, аудитор ишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситаларга ҳисобланган амортизация ажратмалари қурилиш ишлари олиб борилаётган объектлар ўртасида тўғри тақсимланганлигини ўрганиши лозим.

Аудитор, дастлаб қурилиш ташкilotи ҳисоб сиёсати билан танишади. Чунки, қурилиш ташкilotи ҳисоб сиёсатида амортизация харажатларини қурилиш объектлари ўртасида тақсимлаб чиқиш усуллари белгиланади. Улар қуйидагича бўлиши мумкин:

(1) амортизация суммасини ҳар бир объект бўйича олинган соф тушумнинг жами соф тушумдаги ҳиссасига қараб тақсимлаш;

(2) амортизация суммасини асосий воситаларнинг ҳисобот даврида ҳар бир объектда ишлаган иш вақти (бajarган иши)ни жами ишлаган иш вақтидаги (ёки жами бажарган ишларидаги) ҳиссасига қараб тақсимлаш;

3)амортизацияси суммаси қурилиш ташкилотлари ҳисоб сиёсатида белгиланган бошқа тартибларда тақсимлаш.

Мисол. Қурилиш ташкилоти бухгалтерияси маълумотиға асосан юк ташиш транспортларига ҳисобланган амортизация ажратмалари объектлар ўртасида қуйидагича тақсимланган.

20_ йил _____ ойи учун амортизация ажратмаларини қурилиш объектлари ўртасида тақсимлаш ҳисоб-китоби

№	Асосий воситалар гуруҳи	Жами амортизация суммаси	Шу жумладан объектлар бўйича					
			А		Б		В	
			%	Сумма	%	сумма	%	сумма
1	Юк ташиш транспортлари	3000000	38,5	1155000	27,7	831000	33,8	1014000
	Жами	3000000	38,5	1155000	27,7	831000	33,8	1014000

Қўшимча маълумот: қурилиш ташкилоти томонидан бажарилган жами ишлар бўйича умумий тушум 65000000 сўм, шу жумладан А объект бўйича 25000000 сўм, Б объект бўйича 18000000 сўм, В объект бўйича 22000000 сўм. Юк ташиш транспортларига ҳисобланган амортизация ажратмалари 3000000 сўм.

Қорхона ҳисоб сиёсатида амортизация суммасини ҳар бир объект бўйича олинган соф тушумнинг жами соф тушумдаги ҳиссасига қараб тақсимлаш усули белгиланган.

Аудитор томонидан бажариладиган ҳисоб-китоблар.

Биринчи ҳисоб китоб. Ҳар бир объект бўйича олинган соф тушумнинг жами соф тушумдаги ҳиссаси аниқланади. Бизнинг мисолда,

Т/р	Жами тушум	Шундан объектлар бўйича					
		А		Б		В	
		Тушум	Улуши	Тушум	Улуши	Тушум	Улуши
1	65000000	25000000	38,5 %	18000000	27,7 %	22000000	33,8 %

Иккинчи ҳисоб-китоб, ҳисобланган амортизация ажратмаларини қурилиш ишлари олиб борилаётган объектлар ўртасида ҳар бир объект бўйича олинган

соф тушумнинг жами соф тушумдаги хиссаси бўйича тақсимлаш. Бизнинг мисолда,

Асосий воситалар гурухи	Жами амортизация суммаси	Шу жумладан объектлар бўйича					
		А		Б		В	
		%	Сумма	%	Сумма	%	Сумма
Юк ташиш транспортлари	3000000	38,5	1155000	27,7	831000	33,8	1014000
Жами	3000000	38,5	1155000	27,7	831000	33,8	1014000

Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари аудитини ўтказишда аудитор асосий ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган материаллар кийматидаги фарқлар, асосий ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган турли хизматлар (лойиҳалаштириш, сертификатлаш ва транспорт хизматлари, газ, сув ва электр қуввати билан таъминлаш, таъмирлаш ва бошқа хизматлар), асосий ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган меъёрдаги йўқотишлар, асосий ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган ёрдамчи ишлаб чиқариш ва умумишлаб чиқариш харажатлари, асосий ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқарилган келгуси давр харажатлари ва бошқа шу каби ишлаб чиқариш харажатлари уларнинг ҳақиқатда амалга оширилганлигини тасдиқловчи бирламчи хужжатларни сон ва қиймат жиҳатдаги тўлиқ ўрганиш орқали текширади.

2.2. Қурилиш ташкилотларида ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатларининг аудити

Қурилиш ташкилотларида ишлаб чиқариш харажатларининг аудитдан ўтказишда ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатларининг аудити ҳам аудитнинг муҳим объектларидан бири ҳисобланади.

Қурилиш ташкилотларида ёрдамчи ишлаб чиқариш деганда қурилиш ишларининг олиб борилишида бевосита ва билвосита иштирок этадиган ёрдамчи ҳамда хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш бўлиималарининг фаолияти тушунилади. Уларга, чунончи, қуйидагилар киради:

(1) қурилиш материаллари, деталлари, конструкция ва мосламаларини тайёрлаш цехлари (ёғоч материаллар, темир-терсаклар, бетон, ғишт плиталари, гранит тошлар, битум, асфальт ва шу каби бошқа материалларга ишлов бериш цехлари ёки устахоналари);

(2) энергиянинг турли хиллари (электр энергияси, буг ва бошқалар) билан таъминлаш бўйича хизматларни кўрсатувчи бўлинмалар;

(3) транспорт хизматларини кўрсатувчи бўлинмалар (автохўжалик, гараж, устаконалар);

(4) таъмирлаш ишларини олиб боровчи бўлинмалар;

(5) қурилиш ишларини лойиҳалаштириш, тажриба конструкторлик ишларини олиб боровчи бўлинмалар.

(6) қурилиш ишлари билан банд ходимларга маиший, тиббий, санитария-гигиена, оақатланишни ташкил қилиш бўйича хизматларни кўрсатиш бўлинмалари.

Аудитор томонидан, ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларини, жумладан, ёрдамчи ишлаб чиқаришга кетган материал, иш ҳақи, ижтимоий суғурта, амортизация, турли хизматлар ва бошқа сарф-харажатларни уларнинг ҳақиқатда амалга оширилганлигини тадиқловчи бошланғич ҳужжатлар сон ва қиймат жиҳатда аудиторлик текширувидан ўтказилади.

Аудитор ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларини аудиторлик текширувидан ўтказишда қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим.

Биринчидан, ёрдамчи ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот олинниши мумкин. Бундай ҳолларда, 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётининг кредитида ёрдамчи ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулотлар, ярим тайёр маҳсулотлар, қурилиш материаллари, конструкциялар, мослама ва буюмларнинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Иккинчидан, махсус қурилиш конструкциялари ва мосламаларини ясаш цехлари бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш мавжуд бўлиши мумкин. Бу ҳолларда 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти қолдиққа эга бўлади.

Учинчидан, қолган ҳолларда ушбу счётнинг дебитида тўпланган сумма мос равишда ушбу харажатларнинг қурилиш ташкилоти ҳисоб сиёсатида келтирилган тартибга мувофиқ бошқа счётларга ўтказилади.

Қурилиш ташкилотларида ишлаб чиқариш харажатларини аудиторлик текширувини ўтказишда умумишлаб чиқариш харажатларининг аудити ҳам муҳим рол ўйнайди. Шундай харажатлардан бири бир нечта объектларда фойдаланилган қурилиш машиналари ва ускуналарини эксплуатация қилиш харажатларидир. Қурилиш машиналари ва ускуналарини эксплуатация қилиш харажатлари ўз ичига қуйидаги моддаларни олади: қурилиш машиналарини бошқарувчи ходимлар (машинистлар, хайдовчилар)га ҳисобланган иш ҳақи; иш

ҳақиқа нисбатан ижтимоий суғуртага ажратмалар; материал харажатлари (ёқилғи, мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, хўжалик материаллари ва шу кабилар); амортизация харажатлари; жорий ва капитал таъмирлаш; турли хизматлар (электр энергия, сув, газ, иситиш, буг, транспортировка, ижара ва бошқа хизмат турлари).

Бир нечта объектларда фойдаланилган қурилиш машиналари ва ускуналарини эксплуатация қилиш харажатлари ҳисобини 2500 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти таркибида ўзларининг ишчи счётлар режасида махсус счётни, масалан, 2520 «Қурилиш машиналарини сақлаш ва эксплуатация қилиш харажатлари» счётини очишлари ҳам мумкин

Аудитор, бир нечта объектларда фойдаланилган қурилиш машиналари ва ускуналарини эксплуатация қилиш харажатлари қурилиш объектлари ўртасида тўғри тақсимланганлигини корхона томонидан тузилган махсус ҳисоб-китобни текшириш орқали ўрганади.

Мисол. Қурилиш ташиқотида қурилиш ишлари олиб борилган учта объектга тааллуқлидир. Қўтариш кранининг иш вақти 240 соат, жами харажатлар 1946000 сўм,бульдозернинг ишлаган жами иш вақти 200 соат,жами харажатлар 528000 сўм, бўёқ пургагич апаратидан фойдаланиш вақти 150 соат, жами харажатлар 522000 сўм.

Қўтариш кранининг иш вақти «А» объектга тегишли, бульдозернинг ишлаган жами иш вақтидан: «А» объектга –96 соати, «Б» объектга 64 соати ва «В» объектга 40 соати тегишли. Бўёқ пургагич апаратидан фойдаланиш вақтининг 86 соати «Б» объектга ва 64 соати «В» объектга тегишлидир.

Аудитор, юқорида келтирилган шартли мисоллар асосида корхона томонидан тузилган махсус ҳисоб-китобни қуйидаги кетма-кетликда текширади.

Биринчи бажариладиган ҳисоб-китоб. Ҳисобот даврида қурилиш машиналари ва ускуналарига сарфланган ҳар бир харажат турларини (қурилиш машиналарини бошқарувчи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи; иш ҳақиға нисбатан ижтимоий суғуртаға ажратмалар; материал харажатлари; амортизация харажатлари; ва шу кабилар), уларни тасдиқловчи бошланғич ҳужжатлар орқали текширади ва уларнинг ҳар бири бўйича амалға оширилган жами харажат суммасини аниқлайди:

Бизнинг мисолда, аудитор томонидан барча харажатларни, уларни амалға оширилганлигини тасдиқловчи бошланғич ҳужжатларни тўлиқ сон ва

қиймат жиҳатдан текшириши ва уларнинг умумлаштирилиши натижасида кўтариш кранининг эксплуатациясига доир харажатлар 1946000 сўмни, бульдозернинг эксплуатациясига доир харажатлар 528000 сўмни, бўёқ пургагич аппарати эксплуатациясига доир харажатлар 522000 сўмни таъкид этганлиги аниқланди.

Иккинчи бажариладиган иш, қурилиш машиналари ва ускуналарининг ҳисобот даврида барча объектларда ишлаган жами иш вақти (машина/соат) билдирги-нарядлар ва маълумотномалар асосида топади;

Бизнинг мисолда, аудитор томонидан билдирги-нарядлар ва маълумотномаларнинг ўрганилиши натижасида қуйидагилар аниқланди: кўтариш кранининг иш вақти «А» объектга тегишли, бульдозернинг ишлаган жами иш вақтидан: «А» объектга –96 соати, «Б» объектга 64 соати ва «В» объектга 40 соати тегишли. Бўёқ пургагич аппаратида фойдаланиш вақтининг 86 соати «Б» объектга ва 64 соати «В» объектга тегишлидир.

Учинчи бажариладиган иш, машина ва ускуналарнинг 1 соатлик ишига тўғри келадиган харажат суммасини аниқлайди, бунинг учун жами харажатлар жами ишланган машина/соат миқдорига бўлади;

Машина ва механизм тури	Вақт сарфи, соат	Харажат, сўм	
		Жами харажат	1 соатга тўғри келадиган харажат
Кран	240	1946000	$1946000/240=8108,3$
Бульдозер	200	528000	$528000/200=2640$
Бўёқ пуркаш аппарати	150	522000	$522000/150=3480$
Жами	590	2996000	x

Тўртинчи бажариладиган иш, бир соатга тўғри келувчи харажатларни машина ва ускуналарни ҳар бир қурилиш объектида ҳақиқатда ишлаган вақтига кўпайтириш йўли билан улар таннархига киритиладиган харажатлар суммаси топади.

Бизнинг мисолда,

Машина ва механизм тури	1 соатга тўғри келадиган харажат	Шундан объектлар бўйича					
		А		Б		В	
Кран	8108,3	240	1946000	-	-	-	-
Бульдозер	2640	96	253440	64	168960	40	105600
Бўёқ пуркаш	3265,5	-	-	86	280833	64	241167

аппарати							
	х	336	2199440	150	449793	104	346767

Курилиш ташкилотларида умумишлаб чиқариш харажатлари счётида бир нечта объектларда фойдаланилган қурилиш машиналари ва ускуналарини эксплуатация қилиш харажатларидан ташқари умумишлаб чиқариш характериға эға бўлган қуйидаги харажатлар акс эттирилади:

а) қурилиш машиналари ва ускуналарини сақлаш ҳамда уларни эксплуатация қилиш харажатлари;

б) ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизация ажратмалари;

б) ишлаб чиқаришга доир асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;

в) ишлаб чиқаришдаги мол-мулкни сугурталаш харажатлари;

г) ишлаб чиқариш биноларини иситиш, ёритиш ва сақлаш харажатлари;

д) ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиладиган мол-мулкни ижараға олиш харажатлари;

е) ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишда банд бўлган ишлаб чиқариш ходимларига ҳисобланган меҳнат ҳақи ва ижтимоий сугуртаға ажратмалар;

ж) умумишлаб чиқариш хусусиятиға эға бўлган бошқа харажатлар.

Аудитор, ҳисобот оғи мобойнида 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётининг дебетида ва мос равишдаги бошқа счётларнинг кредитида номлари юқорида зикр этилган харажат моддалари бўйича жамланган маълумотлар уларнинг ҳақиқатда амалға оширилганлигини тадиқловчи бошланғич ҳужжатлар сон ва қиймат жиҳатда аудиторлик текширувидан ўтказилади. Ҳамда ушбу харажатларнинг қурилиш ташкилоти ҳисоб сиёсатида келтирилган тартибға мувофиқ асосий ишлаб чиқариш (2010 счёт) ва ёрдамчи ишлаб чиқариш (2310 счёт) харажатларига тўғри тақсимланганлиги ўрганилади.

2.3.Қурилиш ташкилотларида бажарилган қурилиш ишларидан олинган даромадлар аудити

Қурилиш ишларини бажаришдан олинладиган даромадлар қурилиш ташкилотларида фойда олишнинг асосий манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Даромадлар,

биринчидан, қурилиш ташкилотларининг барча харажатларини қоплаш манбан ҳисобланади.

иккинчидан, қурилиш ташкилотларининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг асоси ҳисобланади.

Шу сабаб қурилиш ташкилотларида бажарилган қурилиш ишларидан олинган даромадлар аудити аудитнинг муҳим объектларидан бири ҳисобланади.

Аудитор қурилиш ташкилотларида бажарилган қурилиш ишларидан олинган даромадлар аудитини ўтказишда қуйидаги қонун ва қонун ости ҳужжатларига асосланади:

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонуни»²

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси³

2-сон «Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар» БҲМС⁴

3-сон «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» БҲМС⁵

«Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»⁶

Аудитор, қурилиш ташкилотларида қурилиш ишларини бажаришдан олинган даромадларни тасдиқловчи асосий ҳужжатлар бўлиб «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёто-фактура» ёппасига тўлиқ сон ва қиймат жиҳатдан аудиторлик таҳлилидан ўтказлади.

Аудитор қурилиш ташкилотларида бажарилган қурилиш ишларидан олинган даромадларни аудиторлик текширувини ўтказишдан олдин корхона ҳисоб сиёсатини ўрганиши лозим. Чунки, қурилиш ташкилотлари қурилиш ишларини бажаришдан олинган даромадларни тан олишда қуйидаги усуллардан бирини танлашлари мумкин:

1.Тўлиқ тугалланиш усули;

2.Тугалланиш фоизи усули;

3.Босқичли усул;

² Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонуни», 2016 йил 13 апрель.

³ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 2007 йил 25 декабрь.

⁴ БҲМС № 2 «Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар». Ўз. Р. Адлия вазирлигидан 1998 йил 26 августда рўйхатга олинган, № 483

⁵ БҲМС № 3 «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот». Ўз. Р. Адлия вазирлигидан 1998 йил 26 августда рўйхатга олинган, № 484.

⁶ ЎзР ВМ 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган (кейинги ўзгартириш ва қўшимчалар билан)

Агарда, қурилиш ташкилотлари ҳисоб сиёсатида қурилиш ишларини бажаришдан олинган даромадларни «Тўлиқ тугалланиш усули»да тан олиш танланган бўлса, аудитор бажарилган ишлардан олинган даромадларни тасдиқловчи счет-фактураларни тўлиқ сон ва қиймат жиҳатдан текшириши лозим.

Агарда, қурилиш ташкилотларида даромадларни тан олишнинг «Тугалланиш фоизи усули» қўлланилганда аудитор ҳисобот даври даромадларини қуйидаги кетма-кетликда аниқлайди:

Дастлаб, яхлит қурилиш объектининг тугалланиш фоизи аниқланади. Аудитор томонидан аниқланган тугалланиш фоизи қурилиш ишининг тугалланган қисмига тўғри келувчи даромад қисмини топишга асос бўлади.

Тугалланиш фоизини аниқлаш учун аудитор ҳисобот даврида қурилиш ташкилотлари томонидан қурилиш ишлари учун ҳақиқатда амалга оширган сарф-харажатларни (бошланғич ҳужжатларни текшириш орқали аниқланади) қурилиш объектининг смета таннархига бўлиш ва 100 фоизга кўпайтириш йўли билан аниқлайди.

Сўнгра, қурилишнинг тугалланган қисмига тўғри келувчи даромадни аниқлаш учун аудитор, смета бўйича келишув қийматини (ҚҚС сиз) тугалланиш фоизига кўпайтириш ва 100 фоизга бўлади.

Мисол. Айтайлик, қурилиш объектининг шартнома қиймати 60000000 сўм, шундан ҚҚС (20 %) 10000000 сўм. Демак, қурилиш объекти бўйича соф тушумнинг шартнома қиймати 50000000 сўм (60000000 – 10000000). Қурилиш объектининг смета бўйича таннархи 35000000 сўм. Қурилишнинг тугалланган қисмининг ҳақиқий таннархи 28000000 сўм.

Қурилиш ташкилотиди ҳисобот даври учун ушбу қурилиш объекти бўйича 40000000 сўм даромад сифатида тан олинган.

Аудитор томонидан бажариладиган ҳисоб-китоблар,

Биринчи ҳисоб-китоб. Қурилишнинг тугалланиш фоизи аниқланади.

Қурилишнинг тугалланиш фоизи = $(28000000 / 35000000 * 100) = 80\%$;

Иккинчи ҳисоб-китоб. Қурилишнинг тугалланган қисмига тўғри келувчи соф тушум аниқланади.

Қурилишнинг тугалланган қисмига тўғри келувчи соф тушум = $(50000000 * 80 / 100) = 40000000$ сўм

Демак, бизнинг мисолда қурилиш ташкилоти томонидан ҳисобот даври учун ушбу қурилиш объекти бўйича даромад суммаси тўғри аниқланган.

Агарда, қурилиш ташкилотларида даромадларни тан олишнинг «Боскичли усули» қўлланилганда аудитор қурилиш лойиҳаси ва қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларида унинг алоҳида олинган таркибий қисмларининг шартнома қиймати ҳамда смета таннаرخини алоҳида белгиланганлиги ўрганиб чиқилади. Аудитор, ҳисобот даври учун қурилиш объектининг алоҳида олинган таркибий қисми (боскичи)га доир даромад ва таннаرخ тўғрисидаги маълумотлар «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» ҳамда КС-6 шаклдаги ҳисоб регистрлари текшириш орқали аниқлайди.

Қурилиш ташкилотларида асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар аудити. Қурилиш ташкилотлари ўз фаолиятлари даврида қурилиш ишлардан ташқари бошқа фаолиятларни ҳам амалга амалга оширишлари ва унинг натижасида фойда олишлари мумкин. Жумладан, мавжуд, лекин фойдаланилмаётган асосий воситалар ва бошқа активларни сотиши, кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқариши, ўз вақтида тўланмаган дебитор қарзлар бўйича жарима ва пенялар ўндириш, қайтариб бермаслик шарти билан бепул молиявий ёрдам олиши натижасида даромадга эга бўлишлари мумкин.

Аудитор, қурилиш ташкилотларида асосий воситалар ёки бошқа активларнинг чиқиб кетишидан олинган фойданинг тўғри аниқланганлигини текширишни қуйидаги тартибда амалга оширади.

- асосий воситалар ёки бошқа активларнинг чиқиб кетишига доир ҳужжатларни (шартнома, счёт-фактура, далолатнома ва шу каби) ялпи ўрганади ва уларнинг ҳисобдан чиқариш суммасини аниқлайди.

- ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар ёки бошқа активларнинг қолдиқ қийматининг тўғри аниқланганлигини ўрганиди.

- ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар ёки бошқа активлар бўйича молиявий натижанинг тўғри аниқланганлигини ўрганиди.

Мисол: Бухгалтерия бўлими компьютери сотилди:

Сотиш қиймати – 600000 сўм,

Бошланкич қиймати – 780000 сўм,

Жамланган амортизация суммаси – 300000 сўм,

Корхона умум солиқ тўловчи.

Ушбу ҳўжалик операцияси корхона бухгалтериясида қуйидагича ёритилган:

Хўжалик операцияси мазмуни	Д-Т	К-Т	Сумма
Компьютерни сотиш қийматига	4010	9210	600000
Асосий воситанинг бошланғич қийматига	9210	0150	780000
Жамланган амортизация суммасига	0250	9210	300000
ҚҚС	9210	6410	20000
Асосий воситани қайта баҳолаш бўйича тузатишлар	8510	9210	100000
Компьютерни сотишдан олинган даромад	9210	9310	200000

Текшириш натижасида аудитор томонидан корхонада компьютерни сотиш бўйича оширилган операцияларнинг ҳамда компьютерни сотиш бўйича молиявий натижанинг тўғрилиги ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби сўётларида акс эттирилиши меъёрий ҳужжатларга мослиги аниқланди.

Бунинг учун аудитор томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

ҚҚС объекти аниқланди. ҚҚС учун солиқ солиш объекти бўлиб асосий воситанинг сотиш қийматидан асосий воситанинг бошланғич қиймати ва жамланган эскириш суммаси ўртасидаги фарқ айирмаси ташкил этади, яъни $120000 ((600000 - (780000 - 300000) = 120000)$ сўм.

ҚҚС суммаси аниқланди. ҚҚС солиқ солиш объектига белгиланган ставкани қўллаш натижасида аниқланади. ҚҚС $20000 (120000 * 20 / 120)$ сўмни ташкил этди.

Компьютерни сотиш бўйича молиявий натижа аниқланди. Компьютерни сотиш бўйича молиявий натижани $=$ Асосий воситанинг сотиш қиймати $- (($ Асосий воситанинг бошланғич қиймати $-$ жамланган эскириш суммаси $) +$ ҚҚС $)) +$ Асосий воситани қайта баҳолаш бўйича тузатишлар, яъни $600000 - ((780000 - 300000) + 20000) + 100000 = 100000$ сўм.

Аудитор, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни, жумладан, кредитор ва депонент қарзлари ҳисобдан чиқариши, ўз вақтида тўланмаган дебитор қарзлар бўйича жарима ва пенялар ўндириш, қайтариб бермаслик шарти билан бепул молиявий ёрдам олиши натижасида олинган даромадлар уларни тасдиқловчи ҳужжатлари (далолатномалар, шартномалар, сўёт-фактуралар ва шу каби) ялли сон ва қиймат жиҳатдан ўрганиш орқали аниқлайди.

2.4.Қурилиш ташкилотларида асосий бўлмаган фаолиятидан олинган даромадлар аудити

Курилиш ташкилотлари қўшимча даромад олиш мақсадида бўш маблағларини бошқа юридик шахсларга инвестиция сифатида киритишлари, бошқа юридик шахсларга қарз ва кредит сифатида беришлари, асосий воситаларини, номоддий активларини ижарага беришлари шунингдек, чет эл валютасининг сўмга нисбатан ижобий курс фарклари вужудга келиши натижасида фойда кўришлари мумкин.

Аудитор, курилиш ташкилотларининг валюта счётида сақланаётган чет валютаси ва чет эл валютасидаги дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзлар бўйича ҳисобланган ижобий курс фарклари натижасида олинган фойда тўғрилигини текширишда дастлаб курилиш ташкилоти ҳисоб сиёсати билан танишиб чиқиши лозим.

Ижобий курс фарклари курилиш ташкилотларининг ҳисоб сиёсатида белгиланган қўйдаги усуллардан бирида молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилади:

- бевосита киритиш усули билан;
- жамғариш усули билан.

Агарда, курилиш ташкилотларининг ҳисоб сиёсатида курс фаркларини молиявий натижаларга олиб боришда бевосита киритиш усули белгиланган бўлса, курс фаркларининг юзага келишига қараб молиявий-ҳўжалик фаолият натижаларига киритилади. Бу усул қўлланилганда аудитор, «Курс фаркларини аниқлаш ҳисоб –китоби»ни ялпи сон ва қиймат жиҳатдан аудиторлик текширувидан ўтказиши лозим.

Курилиш ташкилотларининг ҳисоб сиёсатида курс фаркларини молиявий натижаларга олиб боришда жамғариш усули қўлланиши белгиланган тақдирда, аудитор ижобий курс фарклари вужудга келиши натижасида кўрилган фойданинг тўғрилигини қўйдаги кетма-кетликда текширади.

Биринчидан, «Курс фаркларини аниқлаш ҳисоб –китоби»ни ялпи сон ва қиймат жиҳатдан аудиторлик текширувидан ўтказиши ҳамда 9540 «Валюталар курслари фаркидан даромадлар» счётида жамланган ижобий курс фарки сумманинг тўғрилигини текшириш.

Иккинчидан, 9540 «Валюталар курслари фаркидан даромадлар» счётида жамланган ижобий курс фарки сумманинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг сўндирилиши ёки валюта маблағларининг ҳисобдан чиқаришига

қараб молиявий-хўжалик фаолият натижаларига тўғри олиб борилганлигини аниқлаш.

Учинчидан, 9540 «Валюталар курслари фаркидан даромадлар» сче­тида жамланган ижобий курс фарқи сумманинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг сўндирилиши ёки валюта маблағларининг ҳисобдан чиқаришига қараб молиявий-хўжалик фаолият натижаларига олиб борилишини бухгалтерия ҳисоби сче­тларида тўғри акс эттирилганлигини аниқлаш.

III Боб. ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИ

3.1. Қурилиш ташкилотларини солиққа тортишнинг хусусиятлари

Қурилиш ташкилотларида қурилиш ташкилотлари томонидан тўланадиган бевосита ва билвосита солиқларнинг ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинишида, уларнинг бюджетга белгиланган муддатларда ўтказиб берилишида республикамиз Солиқ кодексида белгиланган умумий тартибларга риоя этилганлигини аудиторлик текширувидан ўтказиш аудитнинг энг муҳим объектларидан биридир.

Қурилиш ишларининг узок муддатларда олиб борилиши, уларни бош пудратчи ва субпудратчилар томонидан ўз кучлари билан ҳамда ҳамкорликда бажарилиши, қурилиш ишларида иштирок этган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш усулларининг қўлланилиши, тугалланган қурилиш ишлари бўйича даромадларнинг тўлиқ тугалланиш усули, тугалланиш фоизи усули ёки босқичли усулларида бири бўйича тан олинлиши, ишчи-ҳодимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ҳисоблаш, ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби ва тақсимоли, шунингдек бошқа жиҳатлар айрим солиқларнинг ҳисоб-китоб қилинишида ўзига хос хусусиятлар борлигидан дарак беради. Бу ўз навбатида аудит хусусиятларини белгилайди.

Қуйида қурилиш ташкилотларида ҚҚС, даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови аудитини ўтказиш хусусиятларга тўхталамиз.

3.2. Қурилиш ташкилотларида қўшилган қиймат солиғи аудити

Аудитор қурилиш ташкилотларида қўшилган қиймат солиғининг тўғри ҳисобланганлиги ва бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг тўғри аниқланганлигини ва ўз вақтида тўланганлигини текшириш учун қуйидаги кўрсаткичларни аниқлаши лозим:

- қўшилган қиймат солиғига солиқ солиш объектининг тўғри аниқланганлигини;

- қўшилган қиймат солиғининг камайтирилишига олинган сумманинг тўғрилигини;

•Бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг тўғри аниқланганлигини.

Қўшилган қиймат солиғининг тўғри ҳисобланганлигини текширишда таъсир этувчи асосий омиллардан бири солиқ солиш объектининг тўғри аниқланганлиги ҳисобланади.

Қурилиш ташкилотларида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда солиқ солиш объектини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Жумладан,

•узок давом этадиган ишлаб чиқариш циклига эга бўлган қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш каби ишларни бажарувчи пудратчи ташкилотларда қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солиш объекти бўлиб бажарилган ва буюртмачилар томонидан тасдиқланган ҳисоб-китоб ҳужжатларига киритилган ишларнинг шартномавий нархлардаги қиймати ҳисобланади.

•қурилиш ишлари пудратчи ёки субпудратчи ташкилотлар томонидан пудратчи (субпудратчи) ва буюртмачилар тақдим этган материаллар асосида бажарилганда, ушбу материалларнинг қиймати киритилган ҳолда бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади. бунда қурилиш ишларига сарфланган моддий ресурслар бўйича тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси ишни бажарган пудратчи ташкилотларда бюджет олдидаги тўловларни камайтиришга олиб борилади.

•пудратчи ташкилотлар субпудратчи ташкилотларга моддий-техника ресурсларини (қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур материаллар, конструкциялар, буюмлар, намунавий асбоб-ускуналар, аппаратуралар, стандартлаштирилмаган технологик ва энергетик асбоб-ускуналар, шу жумладан махсус материалларни) бир объект қурилиши доирасида сотганида, уларга қўшилган қиймат солиғини киритмасдан, қўлланадиган нарх ва тарифлардан келиб чиққан ҳолда сотиладиган моддий-техника ресурсларининг қиймати солиқ солинадиган айланма ҳисобланади.

•марказлаштирилган манбалар (бюджет пул маблағлари, давлат бюджети таркибида консолидацияланадиган давлат мақсадли жамғармалари маблағлари (бюджетдан ташқари пенсия жамғармасидан ташқари), ҳукумат қарорлари билан белгиланадиган бошқа манбалар) ҳисобидан молияланадиган объектларни “ипидан игнасиғача” қуриш чоғида тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича харажатлар объект фойдаланишга топширилишига қадар пудратчининг

балансида қайд этилади ва пудратчида қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинадиган айланмага киритилмайди.

• тугалланмаган қурилиш бўйича харажатлар пудратчида объектни лойиҳада назарда тутилган ишларнинг барча ҳажмини бажариш, шу жумладан махсус ва ишга тушириш-созлаш ишлари, объектни технологик ва муҳандислик ускуналари билан бутлаш бўйича фойдаланишга топшириш далолатномасига кўра қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинадиган айланмага киритилиши керак. бунда, пудратчида тугалланмаган қурилиш харажатлари бўйича камайтиришга олиб бориладиган қўшилган қиймат солиғи суммаси бўлиб, ушбу харажатларни солиқ солинадиган айланмага киритилиши чоғида счё-фактуралар бўйича олинган солиқ суммаси ҳисобланади.

Аудитор қурилиш таъкилотларида қўшилган қиймат солиғига солиқ солиш объектини аниқлаш хусусиятларидан келиб чикиб қўшилган қиймат солиғига солиқ солиш объектининг тўғри аниқланганлигини ўргангандан сўнг солиқ ставкасининг тўғри қўлланиши ва солиқ суммасининг тўғри аниқланганлигини текширади.

Аудитор қурилиш таъкилотларида қўшилган қиймат солиғи суммасининг тўғри аниқланганлигини текширида қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

Биринчидан, қурилиш ишлари ва бошқа активларнинг сотиш миқдорини аниқлаш мақсадида аудитор 9030, 9210, 9220 счё-ларини тўлиқ аудиторлик таҳлилдан ўтказди. Бу жараёнда аудитор бажарилган қурилиш ишлари учун расмийлаштирилган барча счё-фактуралар ялпи ўрганилади. Бунда, аудитор счё-фактураларнинг барча реквизитларининг тўлиқлигини, бажарилган қурилиш ишлари қийматининг тўғрилигини сон ва сифат жиҳатдан текшириши лозим.

Иккинчидан, қурилиш ишлари ҳамда бошқа активлар сотилишига ҳисобланадиган қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда ушбу бажарилган қурилиш ишлари ва сотилган активларнинг таннархи муҳим аҳамиятга эга. Чунки амалда бўлган қонун ва қонун ости ҳужжатларига асосан агарда,

• қурилиш ишлари ўз таннархидан паст бўлган қийматда сотилган тақдирда қўшилган қиймат солиғи таннарх ҳисобидан ҳисобланади;

• асосий воситалар ва номоддий активларнинг сотилиши жараёнида сотиш қиймат ва қолдиқ қиймат ўртасидаги фарқ аниқланади. қўшилган қиймат солиғи фақат ижобий фарқдан тўланади;

•бошқа активлар ўз таннархидан паст бўлган қийматда сотилган тақдирда қўшилган қиймат солиғи актив таннархи ҳисобидан ҳисобланади.

Шу сабабдан аудитор томонидан бажарилган ишлар, сотилган активларнинг таннархи тўғри қўлланилганлигини 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 9130 «Бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счётлари ва улар билан коореспонденциялашадиган счётларни тўлиқ таҳлил қилинади.

Аудитор, сотилган қурилиш ишларига тўғри келадиган қўшилган қиймат солиғи суммасини қуйидаги формула асосида аниқлайди:

а) Таннархидан юқори нархларда сотилган тақдирда(ялпи тушимдан) пудратчи ташкилотларда бажарилган ва буюртмачиларга топширилган қурилиш ишларига тўғри келадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси белгиланган ставка (20 фоиз) бўйича иккита усулда қуйидаги формулалар асосида аниқланади:

(1) - усул. Солиққа тортиладиган айланма қўшилган қиймат солиғисиз белгиланганда:

$$Сққс = ЯТ \times С / 100$$

бунда: Сққс - буюртмачилардан ундириладиган солиқ суммаси;

ЯТ - ҳисобот давридаги сотишдан ялпи тушим ҳажми;

С - қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

(2)-усул. Солиққа тортиладиган айланмада ҚҚС ҳам ҳисобга олинганда:

$$Сққс = Тқ \times С / (С + 100)$$

бунда: Тқ - қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинган қурилиш ишлари қиймати.

Мисол: бажарилган ва буюртмачига топширилган қурилиш ишининг қиймати КС-3 шакли маълумотнома-счёт фактера бўйича ҚҚС билан биргаликда 240 млн. сўм, дейлик.

Ушбу мисол бўйича сотишдан олинган қўшилган қиймат солиғи суммаси (2)-формулага асосан топилади ва у 40 млн. сўмни $(240 \times 20 \% / 120 \%)$ ташкил этади. Бу ҳолда бажарилган қурилиш ишининг ҚҚСсиз сотиш қиймати 200 млн. сўмдан $(240 - 40)$ иборат бўлади.

Қўшилган қиймат солиғи суммаси қурилиш ишининг қўшилган қиймат солиғисиз сотиш қийматидан (1)-формула бўйича ҳисобланганда ҳам 40 млн. сўмни $(200 \times 20 \% / 100 \%)$ ташкил этади.

б) Таннархдан паст нархларда сотилган тақдирда пудратчи ташкилотларда бажарилган ва буюртмачиларга топширилган қурилиш ишларига тўғри келадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси белгиланган ставка (20 фоиз) бўйича қуйидаги формула асосида аниқланади

$$C_{\text{ққс}} = (MT \times 20) / 100$$

Бу ерда

C_{ққс} - қўшилган қиймат солиғи суммаси

MT - ҳисобот давридаги сотилган қурилиш ишлари таннархи

Мисол: бажарилган ва буюртмачига топширилган қурилиш ишининг қиймати КС-3 шакли маълумотнома-счёт фактера бўйича қўшилган қиймат солиғи билан биргаликда 240 млн. сўм, қурилиш ишлари таннархи 250 млн.сўм, дейлик.

Ушбу мисол бўйича сотишдан олинган қўшилган қиймат солиғи суммаси юқоридаги формулага асосан топилади ва у 50 млн. сўмни $(250 \times 20 \% / 100 \%)$ ташкил этади. Бу ҳолда бажарилган қурилиш ишининг ҚҚСсиз сотиш қиймати 190 млн. сўмдан $(240 - 50)$ иборат бўлади.

Аудитор, пудратчи ташкилотларда бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси бажарилган ишларга тўғри келувчи қўшилган қиймат солиғи суммасидан таъминотчилар (субпудратчилар)га товар-моддий ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун маълумотномалар ҳамда счёт-фактуралар асосида тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини айланиш йўли билан аниқлайди. Шу сабабдан аудитор қўшилган қиймат солиғи тўловини камайтиришга (зачетга) олинган суммаларнинг тўғрилигига катта эътибор қаратиши лозим. Чунки таъминотчилардан олинган активларга ҳисобланган ҳамма қўшилган қиймат солиғи ҳам қўшилган қиймат солиғи суммасининг камайтирилишга олиб боришмайди. Мисол учун асосий воситалар ва номоддий активларни сотиб олиш билан боғлиқ қўшилган қиймат солиғи суммаси.

3.3. Қурилиш ташкилотларини даромад (фойда) солиғи аудити

Аудитор қурилиш ташкилотларида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг тўғри ҳисобланганлигини аудиторлик текширувидан ўтказишни фойда солиғини ҳисоблашга асос бўлувчи кўрсаткичларни ўрганишдан бошлайди.

Ўзбекистон Республикасида солиқ ва бухгалтерия ҳисоби қонунчилиги ҳужжатларига кўра қуйидаги 10 та кўрсаткичлар фойда солиғини ҳисоб-китоб қилишга асос бўлувчи кўрсаткичлар ҳисобланади.

- Солиққача фойда (зарар)
- Бошқа шахслардан бегараз олинган мулк
- Чегирилмайдиган харажатлар ёки солиқ солинадиган базага киритиладиган харажатлар

- Ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегириладиган, бироқ келгуси ҳисобот (солиқ) даврларнинг солиқ солинадиган базасидан чиқариб ташланадиган харажатлар

- Ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегириб ташланадиган илгари қилинган харажатлар

- Солиқ солинадиган фойдани камайтириш
- Солиққа тортиладиган фойда
- Солиқ имтиёзлари
- Солиққа тортиладиган база
- Солиқ ставкаси

Юқоридагиларнинг барчаси умум белгиланган солиқларни тўловчи қурилиш ташкилотларида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи аудитнинг ўта серқиррали ва мураккаб объектларидан бири бири эканлигидан дарак беради.

Қурилиш ташкилотлари томонидан амалга оширилган молиявий хўжалик операциялари натижасида олинган фойдасидан тўланадиган фойда солиғини ҳисоблашга асос бўлувчи энг муҳим кўрсаткич бўлиб солиққача фойда кўрсаткичи ҳисобланади.

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг 240- сатрида ҳамда «Фойда солиғи ҳисоб-китоби»нинг 010- сатрида акс эттириладиган ушбу кўрсаткич республикаимизнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ қуйидагича шакллантирилади.

Соф тушум (9000 счѐт)
-
Сотиш таннарни (9100 счѐт)
+
Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (9300 счѐт)
-
Давр харжатлари (9400 счѐт)
+
Молиявий фаолиятга доир даромадлар (9500 счѐт)
-
Молиявий фаолиятга доир харажатлар (9600 счѐт)
±
Фавкулотдаги фойда ва зарарлар (9710,9720 счѐтлар)
=
Солиққача фойда

Шу сабабдан, аудитор ҳисобот даврининг жами даромадларири (иш, хизматларни сотишдан олинган даромадлар ва бошқа даромадлар) ва ҳисобот даврида ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш ҳамда бошқа даромадларга эришиш мақсадида амалга оширилган чегириб ташланадиган харажатларни уларнинг ҳақиқатда амалга оширилганлигини тасдиқловчи бирламчи ҳисоб ҳужжатларини тўлиқ сон, сифат ва қиймат жиҳатдан ўрганиб чиқади.

Сўнгра, аудитор қурилиш ташкилотлари томонидан тўланадиган фойда солиғини ҳисоблашга асос бўлувчи солиққа тортиладиган фойданинг тўғри аниқланганлигини текширади. Ушбу кўрсаткич аудитор томонидан қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$\text{Стф} = \text{Фст} (\text{Зст}) + \text{Бом} + \text{Стх} + \text{Сбх} - \text{Счх} - \text{Д} - \text{И}$$

Бу Стф - Солиққа тортиладиган фойда

ерда: Фст (Зст) - солиқ тўлангунга қадар бўлган фойда (зарар)

Бом - Текинга беғараз олинган мулк (пул маблағларидан ташқари);

Стх - Солиқ солиш базасига қайта қўшиладиган харажатлар (Солиқ кодексининг 147-моддаси);

Сбх - Ҳисобот давр учун солиқ солиш базасидан чегирилмайдиган харажатлар (Солиқ кодексининг 146-моддаси);

Счх - Ҳисобот даври учун солиқ солиш базасидан чегириладиган

олдинги йилларда килинган харажатлар(Солиқ кодексининг 146-моддаси);

Д- акциялар ва бошқа қимматли қозғалар бўйича олинган дивидендлар (фонизлар);

И–имтиёз сифатида солиққа тортиладиган даромаддан чегириладиган харажатлар (Солиқ кодексининг 146-моддаси).

Қурилиш ташкилотлари томонидан амалга оширилган молиявий хўжалик операциялари натижасида олинган фойда суммасини аниқлаш мақсадида аудитор аниқланган солиққа тортиладиган фойдаси суммасини (Стф) солиқ меъёрига (См) кўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш орқали аниқлайди, яъни:

$$Нф = Стф * См : 100\%$$

3.4.Қурилиш ташкилотларида ягона солиқ тўловининг аудити

Микрофирма ва кичик корхоналар мақомидаги қурилиш ташкилотлари ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутувчи солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган солиқлар тўлашни танлашга ҳақли.

Аудитор, қурилиш ташкилотларда ягона солиқ тўловини аудитдан ўтказишда дастлаб қурилиш ташкилотининг кичик корхоналар статусига жавоб беришини ўрнатиши ва қурилиш ташкилоти томонидан олиб борилаётган фаолият турлари билан танишиши лозим. Чунки,

Биринчидан, фақат кичик корхоналар статусига жавоб берадиган қурилиш ташкилотлари ягона солиқ тўловчи бўлиши мумкин.

Иккинчидан, турли солиқ солиш объектлари ва (ёки) ягона солиқ тўлови ставкалари белгиланган бир неча фаолият турлари билан шугулланадиган ягона солиқ тўловини тўловчи қурилиш ташкилотлари шу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда солиқ тўловчиларнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашлари керак.

Сўнгра аудитор қурилиш ташкилоти томонидан солиқ солиш объектининг тўғри аниқланганлиги ва ягона солиқ ставкасининг тўғри қўлланилганлиги текширилади.

Курилиш ташкилотларида ягона солиқ тўловини тўлаш объекти бўлиб курилиш ташкилотларининг барча фаолият турларидан олган ялпи тушуми ҳисобланади. Ялпи тушум таркибига қуйидагилар киритилади:

1.Ўз кучлари билан бажарилган курилиш, курилиш-монтаж, таъмирлаш-курилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳалаш-қидирув ишларининг ҳажми.

2.Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар, яъни: а) ундирилган ёки қарздор эътироф этган жарималар, пенялар, неустойкалар ҳамда хўжалик шартномаларининг шартларини бузганлик учун бошқа жазо турлари; б) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар даромадлари; в) рента даромади, курилиш ташкилоти ҳузуридаги ошхоналардан тушумлар, бошқа хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан тушумлар; г) асосий воситалар ва бошқа мол-мулкни сотишдан даромадлар; д) кредиторлик ва депонентлик қарзини қонун билан белгиланган тартибда ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар; е) товар-моддий бойликларини қўшимча баҳолаш; ж) текин молиявий ёрдам, шу жумладан, текинга олинган мол-мулк; з) қисқа муддатли ижарадан даромадлар; и) илгари чиқариб ташланган харажатларни қоплаш тариқасида олинган даромадлардан ташқари бошқа операцион даромадлар;

3.Молиявий фаолиятдан даромадлар, яъни: а) олинган роялти ва капитал трансферти; б) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улушли иштирок этишдан олинган даромадлар, акциялар бўйича дивидендлар ҳамда облигациялар ва бошқа қимматли қогозлар бўйича даромадлар; в) мол-мулкни узок муддатли ижара (лизинг)га беришдан даромад (маржа); г) чет эл валютасидаги операциялар бўйича курсдаги фарқдан даромадлар (мусбат ва манфий курс фарқлари ўртасидаги сальдо), бунда манфий курс фарқи суммаси⁴ мусбат курс фарқи суммасидан ошиб кетган ҳолда ошиб кетиш суммаси ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқаётганда солиқ солинадиган базани камайтирмайди; д) қимматли қогозлар, шуъба корхоналар ва ҳоказоларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашларни ўтказишдан даромадлар; е) молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар;

4.Фавқулудда даромадлар.

Шу сабабдан аудитор юқорида кўрсатилган ялпи тушум кўрсаткичларини тасдиқловчи барча бирламчи ҳисоб ҳужжатларини сон, сифат ва қиймат жиҳатдан тўлиқ ўрганиб чиқади.

Аудитор яна шунга ҳам эътибор қаратиш керакки солиқ солинадиган ялпи тушум ҳисоблаб чиқиладиганда қуйидагилар ялпи тушумдан чиқариб ташланади:

а) ихтёрий равишда ўз аризасига кўра қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғи суммаси;

б) давлат субсидиялари суммаси;

в) давлат облигациялари ва бошқа давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;

г) тўлов манбаида солиқ тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (маълумотнома) мавжудлигида дивидендлар ва фоизалар.

Аудитор, қурилиш ташкилотларида ягона солиқ тўлови суммасини бошланғич ҳужжатларни ўрганиш натижасида аниқланган солиқ базасини фаолият тури бўйича белгиланган солиқ ставкасига кўпайтириш орқали аниқлайди.

3.5. Қурилиш ташкилотларида мажбурий ажратмалар, йиғимлар ва ушланмаларнинг аудити

Аудитор, қурилиш ташкилотларида мажбурий ажратмалар, йиғимлар ва ушланмаларнинг аудитини ўтказишни қуйидаги кетма-кетликда амалга оширади:

- мажбурий ажратмалар, йиғимлар ва ушланмалар учун белгиланган солиқ солиш объекти ва солиқ солиш базасининг тўғри аниқланганлигини текшириш;

- мажбурий ажратмалар, йиғимлар ва ушланмалар учун белгиланган солиқ солиш ставкасининг тўғри қўлланилганлигини текшириш.

Аудитор қурилиш ташкилоти томонидан ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари суммасининг тўғри ҳисобланганлигини аниқлаш учун дастлаб ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларига солиқ солиш объектининг тўғри аниқланганлигини ўрганади. Суғурта бадалига солиқ солиш объектининг тўғри аниқланганлигини аудитор ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларининг солиқ солиш объекти бўлган Солиқ кодексининг 172-моддасида кўрсатилган қурилиш ташкилоти ходимларининг иш ҳақи тарзидаги даромадлари уларни тасдиқловчи бирламчи ҳисоб ҳужжатларини ўрганиш орқали аниқлайди.

Аудитор шунинг ҳам эътиборга олиш керакки қурилиш ташкилотлари томонидан ишчи-ҳодимларга тўланган қуйидаги тўловларга нисбатан ягона

ижтимоий тўлов ва сугурта бадаллари ҳисобланмайди (Солиқ Кодекси 308-моддаси):

- доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган ходимларнинг, шунингдек доимий иши ишларини вахта усулида бажарилишини назарда тутадиган ходимларнинг иш ҳақиға қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланадиган устамалар;

- қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча дала таъминоти;
- хизмат сафарлари вақтидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча қундалиқ харажатлар;

- хизмат ишлари учун ходимнинг шахсий автомобилидан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкидан қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча фойдаланганлик учун тўловлар;

- меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун ортиқча олинган суммалар.

- ходимға ҳисобланадиган ва унинг розилиғи билан тегишли бюджет ёки ҳайрия жамғармаларға (шанбалиқлар, яқшанбалиқлар ва шу қабилар учун) ўтказиладиган иш ҳақи тарзидаги даромадлар;

- ёш мутахассисларға олий ўқув юртини тамомлаганларидан сўнг таътил вақти учун юридик шахслар ҳисобидан тўланадиган нафақалар;

- Ўзбекистон Республикаси Мудоғаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирлиқларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг оддий, сержант ва офицер таркибларида хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул муқофотлари ва бошқа тўловлар.

Қурилиш ташкилотларида давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига яъни, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика йўл фонди, Пенсия фонди ҳамда умумтаълим мактаблари касб-хунар коллежлари, академик литцейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, муқаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ажратмаларни тўғри амалға оширилишини ушбу фондларға ажратма объектининг тўғри зикланганлигини ўрганишдан бошлайди. Қурилиш ташкилотларида давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли

фондларига ажратма объекти бўлиб қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун - ўз кучлари билан бажарилган қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларининг қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги қиймати. Бунда, агар юқорида қайд этилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз кучлари билан бажарилган ишларни реализация қилишдан олинган тушум бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати ҳисобланади. Шу сабаб аудитор давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига ажратма объектларини уларни тасдиқловчи ҳужжатларни аудиторлик таҳлилидан ўтказиш орқали ўрганади.

Аудитор, ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика йўл фонди, Пенсия фонди ҳамда умумтаълим мактаблари касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ажратма суммаларининг тўғрилигини бирламчи ҳужжатларни аудиторлик таҳлилларини ўтказиш орқали аниқланган ажратма объектини ушбу фондлар учун белгиланган ставкаларга кўпайтириш орқали аниқлайди.

II Бўлим. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА АУДИТНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.

IV БОБ. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида аудитнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари, ахборот таъминоти, мақсади ва вазифалари

4.1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида аудитнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва ахборот таъминоти

Қишлоқ хўжалиги корхоналари молиявий-хўжалик фаолияти аудитининг сифатли ўтказиш, аудиторлик рискининг паст бўлиши бевосита ушбу корхоналарда ўтказиладиган аудитининг ташкил этишга бевосита боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ауудитни ташкил этиш шартли равишда тўртта босқичга ажратиш мумкин. Ушбу босқичларда бажариладиган ишлар таркибига қуйидагиларни киритади (4.1-жадвал).

4.1-жадвал

Аудитни ўтказиш босқичлари

Босқич	Босқичнинг номи ва унда амалга ошириладиган ишлар
1- босқич	Аудитни бошлашга қадар бўлган босқич. Ушбу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади: • аудит ўтказувчи субъектнинг ёзма буюртмаси қабул қилинади; • аудит ўтказувчи субъектга аудит ўтказишга аудитор юборилиб, аудит ўтказувчи субъект, унинг ҳисоб ва ҳисоботининг дастлабки ҳолати ўрганилади, аудитнинг объектлари, иш ҳажми, аудиторлик ҳатарининг даражаси белгиланади; • аудит ўтказувчи субъект номига аудит ўтказиш мажбуриятини олиш тўғрисида розилик хати тайёрланади, ушбу хатда аудит ўтказиш бўйича шартлар, жумладан аудиторлик ҳатари даражаси, кўрсатилади; • аудит ўтказиш бўйича шартлар ўзаро келишилгандан сўнг аудит ўтказиш тўғрисида шартнома тузилади; • аудитнинг дастури тузилади ва уни ўтказиш графиги белгиланади. Аудиторлар ўртасида функционал мажбуриятлар ўзаро тақсимланади, уларга ёрдамчилар белгиланади.
2- босқич	Аудиторлик текширувини ўтказиш босқичи. Ушбу босқичда тасдиқланган дастурга мувофиқ аудит объектлари танланган усулларда текширишдан ўтказилади. Аудиторлик текшируви натижаларини жамлаш ва

3-босқич	расмийлаштириш босқичи. Ушбу босқичда аудиторлик текшируви маълумотлари (исботлари) ҳар бир объект бўйича жамланади. Маълумотлар (исботлар) жадваллар кўринишида жамланади. Барча маълумотлар (исботлар) жамлангач, ёзма аудиторлик ҳисоботи тайёрланади. Аудиторлик ҳисоботида барча камчиликлар кўрсатилади ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилади.
4-босқич	Аудиторлик текшируви натижаларини тадбиқ этиш босқичи. Ушбу босқичда аудиторлик текшируви натижалари муҳокама этилади, аниқланган четланишлар бўйича тузатишлар, қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Тузатишлар ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси берилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари аудитининг сифатли ўтишига асос яратувчи ишлардан яна бири аудитни тўғри режалаштиришдир. Аудитни режалаштириш бу шартнома шартларини бажаришда текширишни ўтказиш объектини, иш ҳажмини ва муддатини ҳамда маъсулларни белгилаб олишдир.

Режалаштириш аудит ўтказишнинг бошланғич босқичи ҳисобланиб, аудит ўтказишнинг кутилаётган ҳажми, жадваллари ва муддатларини кўрсатган ҳолда аудиторлик ташкилоти томонидан аудитнинг умумий режасини ишлаб чиқишдан, шунингдек, аудиторлик ташкилоти томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида ҳолис ва асосли фикр шакллантирилиши учун зарур бўлган аудиторлик русум-қоидаларини амалга ошириш ҳажми, турлари ва изчиллигини белгилайдиган аудиторлик дастурини ишлаб чиқишдан иборат бўлади⁷.

Аудитни ташкил этишнинг биринчи босқичида амалга оширилган ишлардан сўнг аудиторлик ташкилоти аудиторлари томонидан шартномада белгиланган аудит объектини аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнини бошлайди. Хўжалик юритувчи субъектлар даромадлари тузилган шартномага асосан комплекс ёки тематик аудит текширувидан ўтказиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Комплекс аудит деганда молиявий хўжалик фаолиятини тўлиқ қамраб олган аудиторлик текшируви тушунилади.

⁷ №3 “Аудитни режалаштириш” номли АФМС, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 11 ноябрь 837-сон билан рўйхатга олинган

Тематик аудит деганда хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек бошқа кизиқувчи томонларнинг ташаббуси билан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тегишли бўлган у ёки бу операцияларни, жараёнларни, аниқ активлар ва мажбуриятларни, молиявий муносабатларни, бухгалтерия ҳисобининг тегишли бўлимларини ёки ҳужжатларини аудиторлик текширувидан ўтказиш тушунилади⁸.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида аудитни ташкил этишни тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни шартли равишда тўртта даражага ажратиш мақсадга мувофиқ (4.2-жадвал).

4.2.жадвал

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида аудитни ташкил этишни тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизими

1-даража	Қонунларлар, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва улар билан тасдиқланган ҳужжатлар
2-даража	Аудитнинг халқаро ва миллий стандартлари
3-даража	Вазирлиқлар томонидан қабул қилинган Низомлар ва йўриқномалар
4-даража	Аудитни ташкил этишга доир аудиторлик ташкилотининг ички ҳужжатлари

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида аудитни ташкил этишни тартибга солувчи биринчи даражали меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» Қонуни, «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПК-615-сон Қарори ва шу каби меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни киритиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида аудитни ташкил этишни тартибга солувчи биринчи даражали меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар молиявий-иқтисодий тизимда аудитнинг ўрни, мақсади ва вазифаларини ҳамда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик фаолиятидаги умумий тартибларни белгилайди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида аудитни ташкил этишни тартибга солувчи иккинчи даражали меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлара аудитнинг халқаро ва миллий стандартларини мисол бўлади.

⁸ К. Н. Урозов. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Т.: "О'қитувчи", 2004. 313,314-бетлар

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида аудитни ташкил этишни тартибга солувчи учинчи даражали меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таркибига аудиторлик фаолияти миллий стандартлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ» ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни киритиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида аудитни ташкил этишни тартибга солувчи учинчи даражали меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар аудит объектлари учун аудитнинг меъёрий талабларини ва аудиторлик фаолиятини ташкил этиш услубиётини белгилайди ҳамда аудиторлик фаолиятнинг махсус масалаларини тартибга солади.

Аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи туртинчи даражали меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таркибига аудиторлик ташкилотларининг ички стандартлари мисол сифтида келтиришимиз мумкин. Ушбу ҳужжатлар аудиторлик ташкилотларининг аудит ва бошқа консалтинг хизматларини бажаришини тартибга солади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари аудитини ўтказишда бир қатор ахборот манбаларидан фойдаланилади. Улар қуйидагилардан иборат:

- 1.«Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»;
- 2.Ҳисоб регистрларидаги даромад сўғларининг маълумотлари;
- 3.Бирламчи ҳужжатлар:
 - *сўғ-фактуралар;*
 - *касса аппарати чеклари;*
 - *кирим касса ордерлари;*
 - *банк кўчирмалари;*
 - *далолатномалар;*
 - *маълумотномалар;*
 - *ҳисоб-китоблар ва бошқ.*

Булардан ташқари Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида турли вазиятларга **ойдинлик** киритиш мақсадида яна қуйидагилардан ҳам фойдаланиш мумкин:

- 1.Сўровнома натижалари;
- 2.Ёзма маълумотномалар;
- 3.Тушунтуриш хатлари;
- 4.Бошқа ҳужжатлар.

4.2. Қишлоқ хўжалик корхоналарида аудитнинг мақсади ва вазифалари

Давлатимиз томонидан иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш борасида олиб борилаётган талбирлар бевосита қишлоқ хўжалигига ҳам дахлдордир. Дехкончилик ва чорвачилик соҳалари моддий техника базасини янги техника ва технологиялар киритиш асосида яхшилаш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, кенгайтириш ва реконструкция қилиш, сув таъминоти ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш аудитнинг олдига ушбу ишларга кетган сарф-харажатларни тўғри ва ўз вақтида ҳужжатлаштирилганлигини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнлари синтетик ва аналитик ҳисобининг тўғри юритилганлигини аниқлаш, тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматини тўғри аниқланганлигини, сотилган маҳсулотлар таннархининг тўғри калькуляция қилинганлигини, уларнинг ҳисоб ва ҳисобот даври даромадларига ҳисоблаш таъйини асосан киритилганлигини, ўзаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилганлигини текшириш ва текшириш натижалари бўйича ҳолисона ҳулоса бериш каби муҳим вазифаларни қўяди.

Қишлоқ хўжалигининг хусусиятлари фермер хўжаликларида уларнинг мулкни ҳамда бу мулкни ташкил қилиш манбалари аудити олдига ҳам муҳим вазифаларни қўяди. Жумладан, аудитор асосий воситалар ҳисоби ва ҳисобот тизими ушбу активлар таркибидаги қиммат турадиган қишлоқ хўжалиги техникаси, омборхоналар, маҳсулоти бино ва иншоотларнинг ҳолати ва ҳаракати, уларнинг иш фаолияти, амортизацияланиши ва бошқа жиҳатлари тўғрисида батафсил ва тўғри маълумотлар берилганлигини бўйича исбот қилиш тўғрисида ҳамда тасдиқлаш лозим.

Қишлоқ хўжалиги ишларининг белгиланган муддатларда бажарилиши тегишли ҳом ашё ва материалларнинг ўз вақтида келиб тушишига, улар бўйича тасдиқланган лимитнинг мавжудлиги, бутлиги ва сифатига бевосита боғлиқдир. Бундан ташқари келиб тушаётган материаллар қийматини (таннархини) тўғри баҳолаш, улар ҳисобини баҳолашнинг у ёки бу усулда юритилиши етиштирилаётган маҳсулотларнинг таннархига, уларни сотишдан олинadиган даромадларга, фермер хўжаликларининг соф фойдасига бевосита таъсир кўрсатади. Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалиги корхоналарида материаллар аудити олдига улар қийматининг тўғри баҳоланганлигини, уларнинг қилини ва

чикимига доир ҳужжатларнинг тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилганлигини, ушбу бойликлар омбор ва бухгалтерия ҳисоби регистрларини белгиланган тартибда юритилганлигини ўрганишдек муҳим вазифани қўяди.

Қишлоқ хўжалиги ишлари бошқа ишлардан фарqli ўларoқ коллектив меҳнатга таянади, яъни уларни олиб боришда меҳнатни ташкил қилишнинг бригада шакли кенг қўлланилади. Мос равишда бажарилган иш ва хизматларга ҳақ тўлашда ҳам меҳнатнинг бригада шакли асос қилиб олинади. Қишлоқ хўжалик ишларининг яхлит бригада аъзолари томонидан бажарилиши жами ҳисобланган иш ҳақини, унга қўшимчаларни бригада аъзолари ўртасида уларнинг меҳнатдаги ҳақиқий иштирокига мос тарзда тўғри тақсимлаб чиқилганлигини ва улар ҳисобининг тўғри юритилганлигини текшириш вазифасини қўяди.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ўз фаолиятини юритишда хўжалик ҳисоби тамойилига асосланувчи субъектлар ҳисобланади, яъни улар ўзини ўзи маблағ билан таъминлашлари, олган даромадлари эвазига харажатларини тўлиқ коплашлари ва пировардида фойда олишлари лозим. Бу тамойилга амал қилиш талаби аудитнинг олдида даромадлар, харажатлар ва яқуний молиявий натижалар кўрсаткичларини миллий пул бирлигида тизимли акс эттирилганлигини текширишдек муҳим вазифани қўяди.

Қишлоқ хўжалик корхоналари бошқа корхоналар сингари давлатимизнинг солиқ қонунчилигида назарда тутилган солиқлар ва ажратмаларнинг тўловчилари ҳисобланади. Аудитор қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан тўланадиган тегишли солиқлар ва мажбурий ажратмаларни тўғри ҳисобланганлигини, улар бўйича ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида топширилганлигини ҳама солиқлар ва мажбурий ажратмаларни бўйича ҳисобланган маблағларнинг ўз вақтида бюджетга ўтказиб берилишига хизмат текшириши лозим.

Ҳ БОБ. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва даромадлар аудити

5.1. Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш харажатларининг аудит объекти сифатида ўзига хос хусусиятлари ва аудитининг мақсади ҳамда вазифалари.

Қишлоқ хўжалик корхоналари асосий фаолиятига бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ фаолият киради.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш бўйича фаолияти икки турга - деҳқончилик ва чорвачиликка бўлинади.

Деҳқончилик — бу бевосита инсон ва жонли ҳайвонлар томонидан истеъмол қилинадиган, ишлаб чиқаришга моддий асос бўлиб ҳисобланадиган ўсимликлар, экинлар, хом-ашё ва материалларни етиштириш (ишлаб чиқиш) билан боғлиқ жараёнлар мажмуаси.

Чорвачилик деганда маҳсулот ва насл берадиган барча жонли ҳайвонларни етиштириш билан боғлиқ жараёнлар мажмуаси тушунилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг етиштирилиши жуда мураккаб босқичлардан ташкил топган. Жумладан бирор бир деҳқончилик маҳсулотини етиштириш учун дастлаб ерни шудгорлаш ва экишга тайёрлаш, уруғни экишга тайёрлаш, уруғлик қадаш, экинни парваришлаш (суғориш, яғаналаш, чопиш ва шу кабилар), ҳосилни йиғиб олиш ва топшириш каби хўжалик ишларини бажаришни талаб қилади. Чорвачилик поданинг шакллантирилиши, яъни молларнинг туғилганлигидан (сотиб олинганлигидан) бошлаб, уларни хўжалик балансида турган даври ичида парваришлаш, маҳсулот (насл) олиш, маҳсулотни топширишгача бўлган жуда ҳам хилма-хил бўлган хўжалик жараёнларини бажаришни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг деҳқончилик ва чорвачилик соҳалари ўзларининг давомийлиги, шунингдек мавсумийлиги билан, улар томонидан етиштирилган маҳсулотларнинг асосий ва қўшимча маҳсулотларга бўлиниши, етиштирилган маҳсулотлар таннархнинг калькуляция қилиниши ҳамда уларнинг мавсум давомида режа таннархида кирим қилиш тартиби каби ўзига хос жиҳатлари бошқа ишлаб чиқариш турларидан фарқ қилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида юз бераётган хўжалик операцияларини хужжатли расмийлаштириш турлича хусусиятларга эга. Жумладан, мавжуд ерларни шудгор қилиш, экин қаторларига ишлов бериш, уруғлик қадаш, минерал ўғитлаш, ем-хашакларни молларга озуқа рационни ҳамда белгиланган озуқа кунлари бўйича сарфлаш ҳамда маҳсулотларни қирим қилишдаги хусусиятлар ушбу операцияларни расмийлаштириш учун мўлжалланган бошланғич хужжатларда тўғри расмийлаштиришни тақоза этади.

Бу хусусиятлар қишлоқ хўжалик корхоналарида ўз фаолияти даврида амалга оширилган харажатларнинг ва уларнинг бошланғич ҳисоб хужжатларида тўғри расмийлаштиришнинг ўзига хос мураккаблигидан далолат беради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ишлаб чиқариш тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқнинг хусусиятлари қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари аудитини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатларини ҳам белгилайди.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш харажатлари аудитининг мақсади қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ амалга оширилган харажатларнинг амалда бўлган меъёрий-ҳуқуқий хужжатларга мослиги ҳамда молиявий ҳисобот шаклларидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш

Ушбу мақсад ишлаб чиқариш харажатлари аудитининг олдига қуйидаги вазифаларни белгилайди:

- ишлаб чиқариш харажатларини уларнинг моҳиятини очиб берувчи мезонларига мос равишда ҳисобга олиганлигини текшириш;
- ишлаб чиқариш харажатларини тўғри, ўз вақтида ва тегишли бошланғич хужжатлар билан расмийлаштирилганлигини текшириш ;
- ишлаб чиқариш харажатлари бўйича моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари маълумотлари ва ҳисоб маълумотларини тўлиқ уйғунлигининг таъминланганлигини текшириш;
- тугалланган ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ва ўз вақтида тайёр маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархига киритилганлигини текшириш;
- тугалланмаган ишлаб чиқаришга тўғри келадиган харажатларни тўғри ва ўз вақтида ҳисобга олинганлигини текшириш;
- тугалланмаган ишлаб чиқаришга тўғри келадиган харажатларнинг белгиланган муддатларда қайта рўйхатдан ўтказилганлигини (инвентаризация

килиш), унинг натижаларининг тўғри аниқланганлиги ва ҳисобда акс эттирилганлигини текшириш;

5.3. Дехқончилик ишлаб чиқариш харажатлари ва дехқончилик маҳсулотлари таннарининг аудити

Қишлоқ хўжалиги дехқончилик соҳасининг асосий кўрсаткичлари бири бўлиб дехқончилик ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланади. Шу сабабдан, дехқончиликда амалга оширилган харажатлар аудитнинг муҳим объекти ҳисобланиб, уларнинг таркиби қуйидагилардан иборат.

Дехқончилик ишлаб чиқариш харажатлари – бу бевосита дехқончилик маҳсулотлари (ўсимликлар, экинлар ва шу кабиларни) етиштириш бўйича амалга оширилган барча харажатларнинг пулдаги ифодаси.

Дехқончилик ишлаб чиқариш харажатлари бу моддий ишлаб чиқариш харажатлари бўлиб, ўз ичига қуйидаги жараёнларни олади:

- *ерни экишга тайёрлаш* – шудгорлаш, захни қочириш, жуяклаш ва бошқалар;

- *экиш* – ниҳолни ўстириш, уруғни экишга тайёрлаш, уни қадаш, бараналаш;

- *парваришлаш* – сугориш, культивация, дорилаш, чопиш, яғаналаш ва бошқалар;

- *ҳосилни йиғиб олиш* – ҳосилни териш, ташиш, омборларга топшириш ва сақлаш.

Мос равишда, дехқончилик ишлаб чиқариш харажатлари ўз ичига қуйидагиларни олади:

- √ ерни экишга тайёрлаш харажатлари;

- √ экиш харажатлари;

- √ экинни парваришлаш харажатлари;

- √ ҳосилни йиғиб олиш, омборга етказиш ва уни сақлаш билан боғлиқ барча харажатлар.

Ҳар бир жараёнларда қуйидаги харажат турларини амалга оширадilar.

- *моддий харажатлар* – дехқончилик ишлаб чиқаришга сарфланган барча материал харажатлари (уруғлик, ўғит, дори-армонлар, ем-хашаклар, ёқилғи ва бошқа материаллар);

• *меҳнат харажатлари* - деҳқончилик ишлаб чиқариш билан банд бўлган ходимларга ҳисобланган асосий ва қўшимча иш ҳақлари;

• *ижтимоий сугуртага ажратмалар* – деҳқончилик ишлаб чиқариш билан банд бўлган ходимларга ҳисобланган иш ҳақи фондидан Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма;

• *амортизация* – деҳқончилик ишлаб чиқаришга алоқадор асосий воситалар ва номоддий активларга ҳисобланган эскириш суммаси;

• *бошиқа харажатлар* - деҳқончилик ишлаб чиқаришга тегишли барча ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатлари.

Деҳқончилик ишлаб чиқариш харажатларини аудит текширувидан ўтказишга асос бўлиб «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот», харажатларни акс эттирувчи вақтинчалик счётларнинг Бош китобдаги ҳисоб-варакаларининг маълумотлари, уларга гувоҳлик берувчи бошланғич ва оралик ҳужжатлар ҳисобланади.

Аудитор деҳқончилик ишлаб чиқариш харажатларини аудит текширувидан ўтказиш жараёнида амалга оширилган ҳар бир харажат «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқиш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом».⁹ талабларига мослиги тўғрисида ишонч ҳосил қилиши учун исботу-далиллар тўплаши лозим.

Аудитор деҳқончилик ишлаб чиқариш харажатларининг ҳар бир моддасини текширишда аудиторлар маълум кетма-кетликга амал қилишлари, текширишни юқоридан пастга қараб ёки пастдан юқорига қараб текшириш усулларида бирида амалга оширишлари лозим.

Пастдан юқорига қараб текшириш усулида аудитор ҳар бир деҳқончилик ишлаб чиқариш харажатлари моддалари бўйича маълумотларни бошланғич ҳужжатлардан тортиб, ҳисоботда акс эттирилган кўрсаткичгача тизимлаб чиқади. Аудитор барча деҳқончилик ишлаб чиқариш харажатлари моддалари тўғрисидаги маълумотларни бошланғич ҳужжатлар асосида ўзининг аудиторлик таҳлилидан ўтказади, оралик маълумотларни ойлик, чорақлик, ярим йиллик, тўққиз ойлик ва йиллик даврлар бўйича жамлайди. Бошланғич ҳужжатлар бўйича исботларни тўплаш чоғида бирданига уларни тўғри тузилганлигини, улардаги соний-суммавий миқдорларнинг тўғрилиги

⁹ Ўз.Р ВМнинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган

текширилади. Хар ойлик маълумотларни Бош китобдаги мос счётларнинг маълумотлари билан уйғунлигини текширади. Тўпланган маълумотларни «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»да акс эттирилган маълумотлар билан таккослаб кўради. Тўпланган исботларни ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари билан мос келиши текшириладиган объект ҳисобини тўғри олиб борилганлигидан, мос келмаслиги эса хато ва камчиликларга йўл қўйилганлигидан дарак беради. Мос келмаслик аудитордан четланишлар бўйича кейинги исботу- далилларни йиғишни талаб этади.

Аудитор кишлоқ хўжалигининг деҳқончилик соҳаси бўйича амалга оширилган ишлаб чиқариш харажатлари (моддалари бўйича)нинг ҳақиқатда амалга оширилганлигини аудиторлик текширивудан ўтказишда қуйидаги дастлабки ҳисоб ҳужжатларини тўлиқ аудиторлик таҳлилидан ўтказиши лозим

5.1-жадвал

Деҳқончилик ишлаб чиқариш харажатларини аудиторлик таҳлилидан ўтказиш тартиби

Харажат моддалари	Ўрганиладиган ҳужжатлар	Амалга ошириладиган ишлар
Меҳнат харажатлари	Наряд, табель, ҳисоб-тўлов қайдномаси	Наряд бўйича ишланган соат миқдорини 1 соатлик тарифга кўпайтириш йўли билан топилади
Ижтимоий суғуртага ажратма	Махсус ҳисоб-китоб	Ажратмага тортиладиган ҳисобланган иш ҳақини белгиланган ставкага кўпайтириш йўли билан топилади
Уруғлик сарфи	Уруғлик сарфи далолатномаси	Экин тури бўйича экилган майдон ҳажмини 1 га ерга сарфланган уруғлик миқдорига ва 1 кг уруғликнинг ҳақиқий таннархига кўпайтириш йўли билан топилади
Ўғит сарфи	Ўғит сарфи далолатномаси	Экин тури бўйича экилган майдон ҳажмини 1 га ерга сарфланган ўғит миқдорига ва 1 т ўғитнинг ҳақиқий таннархига кўпайтириш йўли билан топилади
Ёқилғи сарфи	Механикнинг рапорти, нарядлар, йўл варакалари	Экин турлар ўртасида кишлоқ хўжалик техникаси ва бошқа транспортларнинг ҳар бир соҳада ишлаган вақти миқдорига (соатига) қараб тақсимланади
Суғурта	Суғурта полиси,	Ҳар бир маҳсулот тури бўйича

тўловлари	шартнома	ҳисобланган сугурта тўлови бўйича аниқланади
Иш ва хизматлар	Бош агроном томонидан тузиладиган махсус тақсимлаш ҳисоб-китоби	Ҳисоб сиёсатида белгиланган тартиб бўйича текширилади
Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари	Махсус тақсимлаш ҳисоб-китоби	Ҳисоб сиёсатида белгиланган тартиб бўйича текширилади
Умумишлаб чиқариш харажатлари	Махсус тақсимлаш ҳисоб-китоби	Ҳисоб сиёсатида белгиланган тартиб бўйича текширилади

Дехкончилик ишлаб чиқариш харажатларининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлигини текшириш учун аудитор 2000 «Асосий ишлаб чиқариш счётлари» ва у билан коореспонденциялашади счётлар тўлиқ текширилади.

Дехкончилик маҳсулотлари таннархини тўғри аниқланганлигининг аудити ўзига хос хусусиятга эга. Чунки, амалга оширилган харажатлар асосида бир вақтнинг ўзида бир нечта турдаги дехкончилик маҳсулотларини (Асосий, ёндош ва ёрдамчи маҳсулот) олиши мумкин.

Асосий маҳсулот деганда қишлоқ хўжалигининг ихтисослашган соҳасини юритишда етиштирилиши бош мақсад қилиб олинган маҳсулот тури тушунилади.

Ёндош маҳсулот асосий экинлардан асосий маҳсулотлар билан бир вақтда олинади ва истеъмол хусусиятларига кўра асосий маҳсулотга ўхшаш маҳсулотдир.

Ёрдамчи маҳсулот - бу асосий маҳсулот билан бир вақтда олинadиган, ammo хусусиятига кўра иккинчи даражали маҳсулот.

Дехкончиликда ҳар бир алоҳида қишлоқ хўжалик экинидан олинadиган маҳсулот тури калькуляция объекти ҳисобланади. Бир экиндан айни бир вақтда ҳар хил хусусиятдаги маҳсулот олиниши туфайли аудитор дехкончилик маҳсулотлари таннархини калькуляция қилишда бевосита ва билвосита усуллардан фойдаланилади. Чунончи, харажатларни маҳсулот таннархига бевосита ўтказиш усули бир экиндан фақат битта маҳсулот тури олинadиган ҳолларда фойдаланилади. Бунда бир бирликнинг таннархи мазкур экинни етиштиришга сарфланган жами харажатлар суммасини олинган маҳсулот

миқдорига бўлиш орқали топилади. Айрим қишлоқ хўжалик экинларидан турли маҳсулотлар олинганда алоҳида маҳсулот турлари бирлиги таннархини аниқлашда жами харажатларни умумий бўлган белгиларидан бирининг миқдорий қийматига мутаносиб тақсимлаш усули қўлланилади.

Дон экинларининг таннархини аниқлаш тартиби. Дон экинларининг таннарини тўғри аниқланганлигини текшириш учун аудитор дастлаб, дон маҳсулотларини экиш ва йиғиштириш харажатлари (донни хирмонда тозалаш ва қуришти харажатлари қўшилиб) аниқлайди. Бу дон, дон чикитлари ва сомоннинг таннархини ташкил қилади. Сўнгра, дон ва дон чикитларнинг таннархини аниқлаш учун, авваламбор, унга тегишли жами харажатлардан сомоннинг белгиланган қиймати чегириб ташланади. Қолган харажатлар дон ва дон чикитларининг таннархини ташкил этади. Доннинг таннархини аниқлаш учун дон чикитлари (лабораторияда аниқланган доннинг миқдорига қараб) соф донга айлантирилади. Сўнгра уларга тегишли жами харажатлар шартли дон миқдорига бўлиниб 1 центнер (ц) доннинг таннархи аниқланади. Юқоридаги тартибга кўра дон бўйича бир бирлик (1 ц) маҳсулотнинг ҳақиқий таннархининг тўғри аниқланганлигини аудитор жорий ҳисоб регистрлари маълумотлари бўйича қуйидаги формула асосида текширади.

$$T_{\text{х к}} = \frac{(X_{\text{ж}} - T_{\text{о}}) - C_{\text{рт}}}{(D + \text{Чдм})}$$

Бу ерда:

X_ж - жами харажатлар (2020 счётининг бош қолдиги ва дебет обороти суммалари биргаликда олинганда);

T_о - йил охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари

C_{рт} - сомоннинг режа қиймати

D - доннинг миқдори (ц.)

Чдм - чикитнинг донга айлантирилган миқдори (ц.)

Ўз набаида:

$$\text{Чдм к} = \frac{\text{Ч х Ф}}{100 \%}$$

Бу ерда:

Ч – дон чикити миқдори (ц.);

Ф – чикитдан дон чиқиш фоизи.

Аудитор томонидан сомон каби жўхориюя барги, ғўзаюя, кунгабокар тупгули, карам барги, шох-шабба (тут) ва бошка ёрдамчи махсулотларнинг таннархи ушбу махсулотларни йиштириш, пресслаш, ташиш, ғарамлаш ва тайёрлашга оид бошка ишлар харажатлари асосида белгиланган меъёрлар бўйича уларга сарфланган харажатлардан келиб чикиб аникланади.

Мисол. Кузги бугдой ҳосили йиштириб ва тозалаб олингандан кейин 1000 ц дон, 200 ц дон чиқити ва 600 ц сомон олинган, дейлик. Ушбу ҳосилни етиштириш ва хирмонда тозалаш учун 13600000 сўм сарфланган. Сомоннинг меъёрий харажатлар қиймати 600000 сўмни ташкил этади. 1 ц сомоннинг таннархи эса - (600000:600) 1000 сўмни ташкил этади. Дон чиқити (чори)ни донга ўтказиш фоизи – 50%.

Корхона бухгалтерияси маълумотларига асосан 1 ц шартли доннинг таннархи 11818 сўмни ташкил этган

$$Тхк = \frac{13600000 - 600000}{((1000 + (200 \cdot 50/100))} = \frac{13000000}{1100} = 11818 \text{ сўм}$$

Демак, 1 ц шартли доннинг таннархи корхона бухгалтерияси томонидан тўғри аниқланган.

Бир вақтнинг ўзида бир нечта турдаги полиз экинлари етиштирилганда ва полиз экинлари етиштириш бўйича харажатлар умумий ҳолда олиб борилганда аудитор полиз экинлари турлари бўйича махсулот таннархининг тўғри аниқланганлигини қуйидаги тартибда аниқлайди.

Дастлаб, полиз экинлариларининг сотишдан тушган умумий тушим ҳамда уларни етиштириш учун сарфланган жами харажатларнинг тўғрилиги уларни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аникланади. Сўнгра, ҳар бир махсулотнинг сотиш ҳажмининг жами махсулотлар бўйича сотиш ҳажмидаги ҳиссаси аникланади. Ҳар бир махсулотнинг сотиш ҳажмининг жами махсулотлар бўйича сотиш ҳажмидаги ҳиссаси (Сх) қуйидагича аникланади.

$$Сх = \frac{См}{Сжм} \times 100 \%$$

Бу ерда:

См – ҳар бир махсулот бўйича сотиш ҳажми;

Сжм – жами махсулотлар бўйича сотиш ҳажми.

Аудитор, полиз маҳсулотлари турига тўғри келадиган ҳақиқий харажатларши (Мх) полиз маҳсулотларини етиштиришга сарфланган жами харажатларга (Хж) нисбатан ҳар бир маҳсулотнинг сотиш ҳажмининг жами маҳсулотлар бўйича сотиш ҳажмидаги ҳиссаси (Сх) кўпайтириш орқали қуйидагича аниқлайди:

$$Mx = Xj \times Cx$$

Ўз навбатида:

Бу ерда:

Хж – жами харажатлар;

Мисол. Полиз экинлари тури, йиғилган ҳосил миқдори, полиз экинларининг сотиш баҳоси ва полиз экинларини сотишдан олган жами тушум ҳамда полиз экинларини етиштириш бўйича харажатлар миқдори мисол 5.2-жадвалда келтирилган.

5.2-жадвал

Полиз экинлари турлари, етиштирилган ҳосил, амалга оширилган жами харажатлар ҳамда соиш қиймати бўйича маълумот

Маҳсулот тури	Ҳосил, ц	1 ц. сотиш баҳоси, сўм	Сотиш қиймати, сўм	Харажат суммаси, сўм
1	2	3	4	6
Помидор	100	15000	1500000	
Пилёз	150	20000	3000000	
Карам	120	8000	960000	
Картошка	200	45000	9000000	
Сабзи	110	18000	1980000	
Жами			16440000	13500600

Юқоридаги маълумотлар асосида полиз экинлари турлари бўйича бир билик маҳсулот таннархининг тўғри аниқланганлиги аудитор томонидан қуйидагича текширилади (5.3-жадвал).

5.3-жадвал

Полиз экинлари турлари бўйича харажатлар тақсироти ва бир бирлик маҳсулот таннархини аниқлаш тартиби

Маҳсулот тури	Ҳосил, ц	Сотиш қиймати, сўм	Ҳиссаси, %	Харажат суммаси, сўм	1 бирлик маҳсулот таннархи, сўм
1	2	4	5	6	7
Помидор	100	1500000	9,1	1228555	12286
Пилёз	150	3000000	18,3	2470610	16471
Карам	120	960000	5,8	783035	6525

Картошка	200	9000000	54,8	7398329	36992
Сабзи	110	1980000	12,0	1620072	14728
Жами		16440000	100,0	13500600	

Изоҳ: а) 5-устун. Ҳар бир маҳсулотнинг сотиш ҳажмининг жами маҳсулотлар бўйича сотиш ҳажмидаги ҳиссаси ҳар бир маҳсулотни сотишдан тушган тушумни жами маҳсулотларни сотишдан тушган тушумга бўлиш ва 100 кўпайтириш орқали аниқланади.

б) 6-устун. Ҳар бир маҳсулот турини етиштиришга сарфланган харажат суммасини жами маҳсулотларни етиштиришга сарфланган харажатларни ҳар бир маҳсулотнинг сотиш ҳажмининг жами маҳсулотлар бўйича сотиш ҳажмидаги ҳиссасига кўпайтириш орқали аниқланади.

в) 7-устун. 1 бирлик маҳсулот таннари ҳар бир маҳсулот турини етиштиришга сарфланган харажат суммасини (6-устун) ҳар бир маҳсулот тури бўйича етиштирилган ҳосил миқдори (2-устун) бўлиш орқали аниқланади.

Дехқончилик соҳасида етиштирилган маҳсулотлар таннари аниқлаш бевосита етиштирилган маҳсулот турларига ва иккиламчи маҳсулотга боғлиқ.

Дехқончилик соҳасида етиштириладиган айрим маҳсулотлар таннарини аниқлаш тартиби 5.4 жадвалда келтирилган.

5.4.жадвал.

Дехқончилик соҳасида етиштириладиган айрим маҳсулотлар таннарини аниқлаш тартиби

Маҳсулот тури	Аудитор томонидан бажарадиган ишлар
Маккажўхори.	1 ц маккажўхори донининг таннарини ҳисоблашда дон қабул қилиш пунктларида суткалик ўртача намуналарни суткадаги доннинг базис намлигини (маккажўхори сутасидаги доннинг базис намлиги 22 фоиз кўламида қабул қилинган) ҳисобга олиб янчиш натижасида аниқланган сўталардан қуруқ донга ўтказиш ҳўжаликнинг давлатга сотган маккажўхори сўталаридан базис намликдаги дон чиқишининг ўртача фонзидан аниқланади. Бу фоиз қабул қилинган дон накладнойлари регистрларининг маълумотларидан олинади. 1 ц маккажўхори донининг таннари ишлаб чиқариш харажатларини жўхориюяларини йиғиштириш сарфлари ва қийматини истисно қилиб, дон массасига тақсимлаб аниқланади.
Пахта	1 ц пахтанинг таннари уни етиштириш ва йиғиштириш (ғўзаюя бундан мустасно) харажатлари суммасини унинг ҳисобга олинган (қондиция) миқдори тақсимлаб аниқланади. Пахтанинг таннари алоҳида навлар бўйича аниқланганда харажатларнинг умумий суммаси унинг харид нархларининг қиймати тақсимланади.
Лавлаг	1ц лавлаг илдиз мевасининг ишлаб чиқариш таннари

	(фабрикада ишлатиладиган ва туғанаги) уларни қанд лавлагининг (фойдаланиладиган баргининг қиймати харажатлардан чегириб ташлангач) физик массасига бўлиб аниқланади
Тамаки	Тамаки ва мохорка хом ашёсининг таннархи ишлаб чиқариш харажатларининг умумий суммаси ва хом ашёнинг ҳисобга олинган массасидан келиб чиқиб, харажатларни маҳсулотнинг алоҳида турларига уларнинг харид баҳоларидаги қийматига мутаносиб тақсимлаб аниқланади. Уруғчиликда 1 ц тамаки, мохорка хом ашёси, уруғнинг таннархи муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли суммаси ва хом ашё, уруғнинг ҳисобга олинган массасидан келиб чиқиб аниқланади
Картошка	1 ц картошканинг таннархи картошкани етиштиришга тааллуқли барча харажатларни палак қийматини чегириб, картошка ҳосилига тақсимлаб аниқланади
Мева ва узумлар	1 ц мева ва узум таннархи харажатларининг умумий суммасини маҳсулот массасига (турлар, навлар бўйича) тақсимлаб аниқланади
Чой	Сараланган чой барги таннархини аниқлашда харажатларнинг умумий суммасидан дағал чой барги, кофеин учун таркибий материал ва уруғнинг харид нархларидаги баҳоси чегирилади. 1 ц сараланган чойнинг таннархи шу маҳсулотга ўтказилган харажатларни сараланган чой барги массасига бўлиб аниқланади

Шуни ҳам унитмаслик керакки, кишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилган дехкончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари сўётларининг кредитида ҳисобот йили давомида олинган маҳсулотлар режа таннархи бўйича акс эттирилади. Шу сабабдан аудитор етиштирилган маҳсулотларнинг режа таннархи ва ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарк суммалари тўғри ҳисоб-китоб қилинганлигини текширади.

Аудитор етиштирилган маҳсулотларнинг режа таннархи ва ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарк суммалари тўғри ҳисоб-китоб қилинганлигини барча маҳсулотлар бўйича қуйидагича аниқлайди:

$$Тф к (Тх - Тр) \times Мц$$

бу ерда:

Тф – бир бирлик маҳсулот режа ва ҳақиқий таннархлари ўртасидаги фарк суммаси;

Тх – бир бирлик маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи;
Тр – бир бирлик маҳсулотнинг режа таннархи;
Ми – етиштирилган маҳсулотнинг миқдори (ц.)

Аудитор етиштирилган маҳсулотларнинг режа таннархи ва ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқ суммалари тўғри ҳисоб-китоб қилинганлигини аниқлагач, режа таннарх ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги фарқ суммаси мос равишда ишлаб чиқариш харажатлари счётларида «қизил ёзув» ёки «қўшимча ёзув» усуллари бўйича акс эттирилганлигини ўрганилади.

Аудитор қизил ёзувлар ёки қўшимча ёзувларни қайси корреспонденцияланадиган счётларга берилишини аниқлашда етиштирилган маҳсулотларнинг тўлиқ сотиб юборилганлиги, ишлатилганлиги ҳамда омборда тайёр маҳсулот сифатида сақланаётганлиги эътиборга олинishi керак. Чунки, тўлиқ сотиб юборилган маҳсулотлар бўйича режа таннарх ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги фарқ суммалари бевосита 9130 «Сотиш таннархи» счётига, қисман сотилган маҳсулотлар бўйича ушбу фарқ уларнинг сотилган ва омборда сақланаётган қисмларини акс эттирувчи счётлар ўртасида тақсимланиши лозим. Ўз мақсадларида ишлатилган маҳсулотлар (масалан, ем-хашақларни чорва молларига берилиши) бўйича режа таннарх ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги фарқ мос равишдаги ишлаб чиқариш счётларига олиб борилиши керак.

5.4. Чорвачилик ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархининг аудити

Чорвачилик деҳқончилик сингари кишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармок олдида турган бош вазифа бўлиб аҳолини гўшт, сут, тухум, балиқ ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш, шунингдек ишлаб чиқариш корхоналарини чорвачиликдан олинадиган хом ашё ва материаллар билан таъминлаш ва бунинг эвазига фойда олиш ҳисобланади. Фойдага эга бўлиш учун дастлаб харажатларни амалга ошириш талаб этилади.

Чорвачилик соҳасида харажатларни тўғри амалга ошириш ва унинг ҳисобини ўз вақтида юритиш ҳамда узлуксиз назорат қилиш эвазига амалга оширилган харажатларни даромад манбаига айлантириш мумкин. Шу сабабдан, чорвачилик соҳасида амалга оширилган харажатлар аудитнинг муҳим объекти ҳисобланиб, уларнинг таркиби қуйидагилардан иборат.

**моддий харажатлар* – чорвачилик ишлаб чикаришга сарфланган барча материал харажатлари (ем-хашак, дори-армонлар, тўшаш материаллари, ёкилги ва бошқа материаллар);

**меҳнат харажатлари* - чорва молларини ўстириш, парваришlash, боқиш, соғиш, жунни қирқиш ва шу каби бошқа ишлар билан банд бўлган ходимларга ҳисобланган асосий ва қўшимча иш ҳақлари. Бу харажатлар бошланғич хужжатлар асосида бевосита тегишли чорва моллари ва иш турларига ўтказилади.

**ижтимоий суғуртага ажратмалар* – чорвачилик ишлаб чикариш билан банд бўлган ходимларга ҳисобланган иш ҳақи фондидан Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма;

**амортизация* – чорвачилик ишлаб чикаришга алоқадор асосий воситалар ва номоддий активларга ҳисобланган эскириш суммаси;

**бошқа харажатлар* - чорвачилик ишлаб чикаришга тегишли барча ёрдамчи ва умумишлаб чикариш харажатлари.

Чорвачилик ишлаб чикариш харажатларининг тўғри амалга оширилганлигини аудитор уларнинг ҳақиқатда амалга оширилганлигини тасдиқловчи бошланғич ҳисоб хужжатларини ўрганиш орқали исботу-далил тўплайди. Жумладан:

а) Моддий харажатларни:

ем-хашак харажатлари «Ем-хашак сарфлаш қайдномаси» (94-шакл) асосида;

• дори-дармонлар, тўшаш материалларининг сарфи махсус даволатномалар асосида;

б) Меҳнат харажатлари - чорва молларини парваришlash, боқиш, соғиш ва бошқа ишларни бевосита олиб боровчи ишчилар (чўпонлар, сут соғувчилар, жун қирқивчилар ва бошқалар) томонидан бажарилган ишларга гувоҳлик берувчи наряд, табель, сут соғиш ҳисоби журнали, ҳисоб-тўлов қайдномалари ўрганиш асосида;

в) Ижтимоий суғуртага мажбурий ажратмалар махсус ҳисоб-китоб асосида;

г) Амортизация харажатлари махсус ҳисоб-китоб асосида;

д) Бошқа турдаги ишлаб чикариш харажатлари тегишли хужжатлар асосида.

Қишлоқ хўжалигининг чорвачилик соҳасида ишлаб чиқариш харажатларини аудитдан ўтказиш жараёнида аудиторнинг муҳим вазифаларидан бири чорвачилик маҳсулотлари таннархининг тўғри аниқланганлигини текшириш. Чорвачилик маҳсулотлари таннархининг аниқлашнинг ўзига ҳос хусусиятлари мавжуд. Чунки, чорвачилик соҳасида ҳам худди деҳқончилик соҳаси каби амалга оширилган фаолияти натижасида олинган маҳсулотлари бир вақтнинг ўзида ҳам асосий ва ҳам ёрдамчи маҳсулотларга бўлинади.

Чорвачилик соҳасида асосий маҳсулот деганда чорвачиликнинг ихтисослашган соҳасини юритишда олинishi бош мақсад қилиб олинган маҳсулот тури тушунилади. Чунончи, қорамолчиликда бош маҳсулот бўлиб гўшт, сут, насл (бузоқ), ўсган вазн ҳисобланади. Паррандачиликда тухум ва парранда гўшти бош маҳсулот ҳисобланади. Қўйчиликда бош маҳсулот бўлиб олинган қўзи ва жун ҳисобланади.

Чорвачилик соҳасида ёрдамчи маҳсулот деганда асосий маҳсулот билан бир вақтда олинadиган, аммо хусусиятига кўра иккинчи даражали маҳсулот тушунилади, масалан гўнг, пат, кил, тери ва бошқалар.

Чорвачиликда унинг ҳар соҳаси, бу соҳаларнинг алоҳида йўналишларида калькуляция объекти бўлиб турли маҳсулотлар ҳисобланади.

Аудитор чорвачилик маҳсулотлари таннархининг тўғри аниқларганлигини ўрганишда бевосита таннар объектига эътибор қаратиши лозим. Чунки, чорвачилик соҳасида амалга оширилган харажатлар бир вақтнинг ўзида бир нечта маҳсулот таннархига таъсир ўтказади.

Масалан: Чорвачилик соҳасининг қорамолчилик бўлими икки йўналишга, яъни, сут йўналишидаги йирик шохли қорамолчилик ва гўшт йўналишидаги йирик шохли қорамолчиликка бўлинади. Сут йўналишидаги йирик шохли қорамолчилик соҳасида калькуляция объекти бўлиб сут (1 центнер сут) ва бир бош насл (бузоқ) ҳисобланса, гўшт йўналишидаги йирик шохли қорамолчилик соҳасида калькуляция объекти бўлиб ўсган вазн, 8 ойгача бўлган бузоқлар ва тирик вазн, шунингдек 8 ойдан ошган ёш моллар ҳамда

боқувдаги йирик моллар бўйича уларнинг ўсган вази ва тирик вази ҳисобланади.

Аудитор сут йўналишидаги йирик шохли қорамолчилик соҳасида бир бирлик маҳсулот (1 центнер сут ёки бир бош насл (бузоқ)) таннархининг тўғри аниқланганлигини текширишда дастлаб қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан ушбу йўналишда таннархни аниқлашнинг қўлланилган усулини аниқлайди. Чунки ушбу маҳсулотларнинг таннархини иккита усулда аниқлаш мумкин:

1-усул – шартли маҳсулот таннархи орқали ҳисоблаш усули.

2-усул – ҳар бир маҳсулот таннархини индивидуал ҳисоблаш усули.

1-усул собиқ совет даврида энг кенг тарқалган усул эди. Унга мувофиқ сут йўналишидаги қорамолчиликда сут асосий маҳсулот, насл (бузоқ) эса сутга тенглаштириладиган шартли маҳсулот, деб қаралар эди. Олинган насл (бузоқ) 1,5 коэффициентда шартли маҳсулотга, яъни сутга тенглаштирилар эди. 1 центнер сут ва 1 бош наслнинг таннархини аниқлаш учун ушбу усулда дастлаб сут йўналишидаги қорамолчиликка сарфланган жами ҳақиқий харажатлардан олинган ёрдамчи маҳсулотлар (гўнг ва бошқалар)нинг қиймати чегириб ташланади. Шундан сўнг, топилган ҳақиқий харажатлар сутга айлантирилиб олинган маҳсулотнинг шартли бирликдаги миқдорига бўлинади ва шу йўл билан 1 центнер сутнинг таннархи топилади. 1 центнер сутнинг таннархига асосланган ҳолда кейин 1 бош наслнинг қиймати баҳоланади.

Мисол. Фермер хўжалигининг сут йўналишидаги асосий подасини боқими ва парваришлари харажати 32505 минг сўм. Йил мобайнида олинган маҳсулотлар: сут 1200 ц, бузоқлар - 40 бош, гўнг 310 т ва қил – 0,3 ц. Бир тонна гўнгнинг режа таннархи 4000 сўм, бир центнер қилнинг режа таннархи 50000 сўм. Корхона бухгалтерияси томонидан аниқланган маҳсулотлар таннархи:

- бир центнер сутнинг таннархи 24,8 минг сўм,
- бир бош бузоқнинг таннархи 37,2 минг сўм

Қишлоқ хўжалиги корхонасида етиштирилган маҳсулотлар таннархини аниқлашнинг биринчи усули қўлланилганда.

Юкоридаги маълумотлар асосида аудитор етиштирилган маҳсулотлар таннархининг тўғри аниқланганлигини қуйидаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш натижасида аниқлайди.

Биринчи бажарадиган ҳисоб-китоб, ёрдамчи маҳсулотларнинг жами режа таннархини аниқлаш. Аудитор ёрдамчи маҳсулотларнинг жами режа

таннархнин олинган ҳар бир ёрдамчи маҳсулот миқдорини уларнинг режа таннархига кўпайтириш ва натижани бир-бирига кўшиш орқали аниқлайди. Бизнинг мисолимизда ёрдамчи маҳсулотларнинг жами режа таннархи 1255 минг сўми ($310 \cdot 4000 + 0,3 \cdot 50000$) ташкил этди..

Иккинчи бажарадиган ҳисоб-китоб, калькуляция қилинадиган шартли маҳсулот (сут)нинг миқдори аниқлаш. Бунинг учун аудитор шартли равишда олинган наслни (бузокларни) сутга тенглаштиради ва шартли равишда аниқланган сут миқдори ҳақиқатда олинган сутга кўшилади. 1260 центнер ($1200 + 40 \cdot 1,5$).

Учинчи бажарадиган ҳисоб-китоб, бир центнер сутнинг таннархи аниқлаш. Бир центнер сутнинг таннархини аудитор қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан сут йўналишидаги асосий подани боқиш ва парваришлаш учун сарфланган жами харажатлар суммасидан ёрдамчи маҳсулотларнинг жами режа таннархини айириш ҳамда натижани калькуляция қилинадиган шартли маҳсулот (сут)нинг миқдорига бўлиш орқали аниқлайди. Бизнинг мисолимизда бир центнер сутнинг таннархи 24,8 минг сўми ташкил эди. $\{(32505 - 1255) / 1260\}$.

Тўртинчи бажарадиган ҳисоб-китоб, жами бузокларнинг таннархини аниқлаш. Жами бузокларнинг таннархини аудитор, олинган наслнинг (бузокларни) шартли равишда сутга тенглаштирилган миқдорини бир центнер сутнинг таннархига кўпайтириш орқали аниқлайди. 1488 минг сўм ($60 \cdot 24,8$).

Бешинчи бажарадиган ҳисоб-китоб, бир бош бузокнинг таннархини аниқлаш. Аудитор бир бош бузокнинг таннархининг тўғри аниқланганлигини жами бузокларнинг таннархини бузоклар сонига бўлиш орқали аниқлайди. 37,2 минг сўм ($1488/40$).

Қишлоқ хўжалиги корхонасида етиштирилган маҳсулотлар таннархини аниқлашнинг иккинчи усули қўлланилганда.

Бу усулга мувофиқ аудитор томонидан олинган сут ва бузок таннархини аниқлаш учун дастлаб сут йўналишидаги қорамолчилкка сарфланган жами ҳақиқий харажатлар (ёрдамчи маҳсулотлар қиймати чегирилган ҳолда) аниқланади. Шундан сўнг жами ҳақиқий харажатларнинг 10 фоизи бузок таннархига, қолган 90 фоизи сут таннархига олиб борилади.

Юқорида келтирилган мисолдаги маълумотлар асосида аудитор ушбу усул қўллаган ҳолда сут ва бузок таннархи қуйидаги тартибда ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқлайди:

Биринчи ҳисоб-китоб, жами ишлаб чиқариш харажатлари уларни тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар асосида аниқланади. – 32505 минг сўм;

Иккинчи ҳисоб-китоб, таннархни ҳисоблашда чегириб ташланадиган ёрдамчи маҳсулотнинг қиймати аниқланади. Бизнинг мисолимизда, таннархни ҳисоблашда чегириб ташланадиган ёрдамчи маҳсулотнинг қиймати 1255 минг сўмни ташкил этди, яъни $(310 \cdot 4000 + 0,3 \cdot 50000)$;

Учинчи ҳисоб-китоб, таннархни ҳисоблашга асос қилиб олинадиган ҳақиқий ишлаб чиқариш харажатлари аниқланади. У 31250 минг сўмни ташкил этди. Яъни, $(32505 - 1255)$;

Тўртинчи ҳисоб-китоб, сутнинг жами таннархи аниқланади. Сутнинг жами таннархи 28125 минг сўмни ташкил этди. $(31250 \cdot 90 \%)$;

Бешинчи ҳисоб-китоб, бузокларнинг жами таннархи аниқланади. Бузокларнинг жами таннархи 3125 минг сўм $(31250 \cdot 10 \%)$;

Олтинчи ҳисоб-китоб, 1 ц сутнинг таннархи аниқланади. Аудитор томонидан 1 ц сутнинг таннархи жами сутнинг таннархини олинган сут маҳсулоти миқдорида бўлиш орқали аниқланади. 23,4 минг сўм $(28125 / 1200)$;

Еттинчи ҳисоб-китоб, 1 бош бузоқнинг таннархи аниқланади. Аудитор 1 бош бузоқнинг таннархини аниқлаш учун бузокларнинг жами таннархини бузоклар сонига бўлади. Бизнинг мисолимизда бир бош бузоқнинг таннархи 78,1 минг сўмни ташкил этган. Яъни, $(3125 / 40)$.

Аудитор қишлоқ хўжалиги корхоналарида йирик шохли қорамоллар болалари ҳамда боқувдаги молларнинг ўсган вазни ва тирик вазни ҳисоб ҳужжатларида тўғри акс эттирилганлигини ҳам ўрганиши лозим.

Ҳисобот йилида йирик шохли қорамоллар болалари ҳамда боқувдаги молларнинг ўсган вазнини (Ўв) ҳисоб ҳужжатларида тўғри акс эттирилганлигини аудитор уларнинг ҳар бир ҳисоб гуруҳи бўйича қуйидаги арифметик қурилма асосида аниқлайди:

$$\text{Ўв} = (\text{Вдо} + \text{Вч}) - (\text{Вн} + \text{Вс} + \text{Вдб})$$

Бу ерда:

Вдо – гуруҳга кировчи моллар бошининг ҳисобот даври охиридаги жами тирик вазни;

Вч – гуруҳга кировчи молларнинг ҳисобот даврида чиқимга олинган бошининг жами тирик вазни (ўлган молларнинг тирик вазнисиз);

Вн – ҳисобот даврда олинган наслнинг (мол болаларининг) тирик вазни;

Вк – ҳисобот даврда четдан ўстиришга ва боқувга кириш қилинган молларнинг тирик вази;

Вдб – ҳисобот даври бошига жами мавжуд молларнинг тирик вази.

Аудитор томонидан йирик шохли қорамоллар болалари ҳамда боқувдаги молларнинг ўсган вази ва тирик вазининг бухгалтерия ҳужжатларида акс эттирилиши бўйича исботу далиллар тўплашч гуруҳга кирувчи молларнинг 1 центнер ўсган вазининг ва 1 центнер тирик вазининг танналари текширилади.

Аудитор гуруҳга кирувчи молларнинг 1 центнер ўсган вазининг танналарини шу гуруҳга кирувчи молларни парваришлаш ва ўстиришга қилинган ишлаб чиқариш харажатларидан ёрдамчи маҳсулотлар (гўна ва қил) қийматини чегириб ташлагандан сўнг қолган суммани ҳисобот даврида гуруҳ бўйича аниқланган ўсган вази миқдорига бўлиш орқали аниқлайди.

Гуруҳга кирувчи моллар бўйича 1 центнер тирик вазининг танналари (Ттв) эса аудитор томонидан қуйидаги арифметик қурилмадан фойдаланган ҳолда аниқлайди.

$$T_{тв} = \frac{T_{дбк} + T_{ўб} + T_{к} + T_{н}}{T_{вдо} + T_{вч}}$$

Бу ерда:

Тдбк – гуруҳга кирувчи молларнинг давр бошидаги баланс қиймати;

Тўб – ҳисобот даврида гуруҳга кирувчи молларни ўстириш ва парваришлаш харажатлари (ёрдамчи маҳсулотлар қийматисиз)

Тк – ҳисобот даврда четдан кириш қилинган молларнинг қиймати;

Тн – жорий йилда олинган насл (мол болалари)нинг қиймати;

Твдо – давр охирига гуруҳга кирувчи молларнинг жами тирик вази;

Твч – ҳисобот даврида чиқимга олинган молларнинг жами тирик вази (ўлган молларнинг вазисиз).

Аудитор гуруҳга кирувчи моллар бўйича 1 центнер тирик вазининг танналарини аниқлаш жараёнида гуруҳга кирувчи молларнинг тирик вази уларнинг ҳар бирини торозида тортиш йўли билан аниқланганлиги ва махсус далолатнома билан расмийлаштирилганлигига эътибор қаратиши керак.

Аудитор гўшт йўналишидаги йирик шохли қорамолчилик соҳасида етиштирилган маҳсулот танналарини аудиторлик текширувини ўтказишда даставвал қолқулияция объектини тўғри аниқлаш лозим. Чунки, гўшт

Йўналишидаги йирик шохли қорамолчилик соҳасида калькуляция объекти бўлиб ўсган вазн, 8 ойгача бўлган бузоқлар ва тирик вазн, шунингдек 8 ойдан ошган ёш моллар ҳамда боқувдаги йирик моллар бўйича уларнинг ўсган вазни ва тирик вазни ҳисобланади.

Аудитор томонидан 8 ойгача бўлган бузоқлар бўйича 1 ц ўсган вазннинг таннархи қуйидаги кетма-кетликда ва тартибда аниқланади.

Биринчи ҳисоб-китоб, аудитор томонидан асосий пода (сиғирлар ва хўкизлар), 2 ёшдан ошган буқа ва боқувдаги молларни боқиш ва парваришlashга, шунингдек 8 ойгача бўлган бузоқларни парваришlashга кетган жами харажатлар (ёрдамчи маҳсулот қиймати чегирилган ҳолда) уларни тасдиқловчи бирламчи ҳисоб ҳужжатлари асосида топилади.

Иккинчи ҳисоб-китоб, 8 ойгача бўлган бузоқларнинг ҳисобот даврида ўсган вазни топилади. Бузоқларнинг ўсган вазни қуйидаги арифметик қуролма асосида аниқланади:

$$\text{Ўв} = (\text{Вдо} + \text{Вч}) - (\text{Вс} + \text{Вдб})$$

Бу ерда:

Вдо –бузоқларнинг ҳисобот даври охиридаги жами тирик вазни;

Вч –ҳисобот даврида чиқимга олинган бузоқларнинг жами тирик вазни (ўлган бузоқларнинг вазнисиз);

Вс – ҳисобот даврида четдан ўстиришга ва боқувга қирим қилинган бузоқларнинг тирик вазни;

Вдб – ҳисобот даври бошига жами мавжуд бузоқларнинг тирик вазни.

Учинчи ҳисоб-китоб, 8 ойгача бўлган бузоқларни парваришlashга кетган жами харажатлар 8 ойгача бўлган бузоқларнинг ўсган вазнига бўлинади.

Шу йўл билан топилган сумма 8 ойгача бўлган бузоқлар бўйича 1 ц ўсган вазннинг таннаrxини ташкил этади.

Аудитор томонидан 8 ойгача бўлган бузоқлар бўйича 1 ц тирик вазннинг таннаrxини аниқлаш учун дастлаб асосий подага кетган сарф-харажатларга (ёрдамчи маҳсулот қиймати чегирилган ҳолда) ушбу гуруҳга қирувчи бузоқларнинг ҳисобот йили бошидаги баланс қиймати ҳамда четдан олинган бузоқларнинг қиймати қўшилиб уларнинг жами қиймати топилади. Ўнгра, топилган суммани йил охиридаги 8 ойгача бўлган бузоқлар ҳамда ҳисобот йилида чиқим бўлган (ўлганлардан ташқари) бузоқларнинг жами вазнига бўлиш орқали 1 ц тирик вазннинг ўртача таннаrxи аниқланади.

8 ойдан ошган ёш моллар ҳамда боқувдаги йирик моллар бўйича уларнинг ўсган вазни ва тирик вазнининг таннархи ҳам юқоридаги тартибга ўхшаш тарзда аниқланади.

Аудитор томонидан чорвачилик соҳасининг бошқа йўналишларида етиштирилган маҳсулотлар таннархина аниқлаш тартиби 5.5 жадвалда келтирилган.

5.5 жадвал

Аудитор томонидан чорвачилик соҳасининг бошқа йўналишларида етиштирилган маҳсулотлар таннархина аниқлаш тартиби

Аудитор томонидан аниқланадиган калькуляция объекти	Аудитор томонидан таннархни аниқлаш учун бажариладиган ишлар
Қўйчилик.	
Қўйчиликда калькуляция объекти бўлиб асосан ўсган вазн (гўшт), тирик вазн, кўзи, жун ҳисобланади.	Асосий маҳсулотнинг таннархи соҳага қилинган жами ишлаб чиқариш харажатларидан ёрдамчи маҳсулотлар (гўнг, ўлик туғилган ва туғилгандан кейин ўлган кўзилар териси, техник мақсадларда ишлатилган ўлган мол гўшти) қийматини айиргандан кейин қолган суммадан иборат бўлади. Ушбу сумма олинган маҳсулотлар ўртасида уларнинг сотиш баҳоси қийматидаги ҳиссасига қараб тақсимланади.
Паррандачилик	
Паррандачиликда калькуляция объекти бўлиб ишлаб чиқаришининг биринчи босқичида 1 кунлик жўжа,	1 кунлик жўжаларнинг таннархи инкубацияга қўйилган тухумлар қиймати ҳамда инкубация харажатлари (меҳнат ҳақи, ижтимоий суғуртага ажратмалар, электр энергияси, иситиш ва бошқа турдаги харажатлар) биргаликда олинган суммадан ёрдамчи маҳсулот қийматини чегириб ташлагандан сўнг қолган суммани олинган 1 кунлик жўжалар сонига бўлиш орқали топилади.
иккинчи босқичида боқувдаги жўжаларнинг ўсган вазни,	Ўсган вазннинг таннархини топиш учун ўстиришдаги ва боқувдаги товукларга сарфланган харажатлар (ёрдамчи маҳсулотлар қиймати чегирилган ҳолда) суммаси ҳисобот даврида ўстиришдаги ва боқувдаги товукларнинг ўсган вазни миқдорига бўлинади.
кейинги босқичида эса олинган тухум асосий ҳисобланади.	Бир бирлик тухум таннархини топиш учун тухум берувчи товуклар гуруҳига сарфланган жами ишлаб чиқариш харажатлари (гўнг, пат, қанот қиймати чегирилган ҳолда) жами йиғиштириб олинган тухумлар сонига бўлинади.

Асаларичилик	
Асал йўналишидаги асаларичиликда калькуляция объекти бўлиб асал, асалари уяси, асалари сути, янги оила каби асосий ва ёндош маҳсулотлар ҳисобланади	Ушбу маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишда уларнинг барчаси белгиланган коэффициентларда шартли маҳсулотга (асалга) ўтказилади. Шундан сўнг барча турдаги шартли маҳсулотларнинг жами шартли маҳсулотдаги ҳиссаси топилади. Ушбу ҳисса асосида асаларичиликка сарфланган жами харажатлар маҳсулотлар ўртасида тақсимлаб чиқилади. Ҳар бир турдаги шартли маҳсулот бўйича топилган харажат шу турдаги маҳсулотнинг олинган миқдорига бўлиниб, бир бирлик маҳсулотнинг таннархи топилади.
Балиқчилик	
Балиқчиликда калькуляция объекти бўлиб балиқ ва балиқ болалари ҳисобланади	Ушбу маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишда уларнинг барчаси белгиланган коэффициентларда шартли маҳсулотга (балиққа) ўтказилади. Шундан сўнг барча турдаги шартли маҳсулотларнинг жами шартли маҳсулотдаги ҳиссаси топилади. Ушбу ҳисса асосида балиқчиликка сарфланган жами харажатлар маҳсулотлар ўртасида тақсимлаб чиқилади. Ҳар бир турдаги шартли маҳсулот бўйича топилган харажат шу турдаги маҳсулотнинг олинган миқдорига бўлиниб, бир бирлик маҳсулотнинг таннархи топилади.

Аудитор ҳисобот йили охирида чорвачилик ишлаб чиқаришининг ҳар бир соҳаси бўйича етиштирилган маҳсулотларнинг режа таннархи ва ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқ суммалари тўғри ҳисоб китоб қилинганлигини ҳам текшириши лозим.

Аудитор томонидан режа таннархи ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги фарқ суммасининг тўғри ҳисоб-китоб қилинганлигини қуйидаги арифметик формула ёрдамида аниқлайди:

$$Тф к (Тх - Тр) х Ми$$

Бу ерда:

Тф – бир бирлик маҳсулот режа ва ҳақиқий таннархлари ўртасидаги фарқ суммаси;

Тх – бир бирлик маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи;

Тр – бир бирлик маҳсулотнинг режа таннархи;

Ми – етиштирилган маҳсулотнинг миқдори.

Аудитор режа таннарх ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги фарқ суммаси тўғрисида маълумотга эга бўлгач уларнинг мос равишда ишлаб чиқариш

харажатлари счётларида «қизил ёзув» (режа таннархи ҳақиқий таннархдан юқори бўлган ҳолларда ёки «қўшимча ёзув» (режа таннархи ҳақиқий таннархдан паст бўлганда) усуллари бўйича акс эттирилганлигини ўрганади.

Аудитор қизил ёзувлар ёки қўшимча ёзувларни қайси корреспонденцияланадиган счётларга берилишини аниқлашда олинган маҳсулотларнинг тўлиқ сотиб юборилганлиги, ишлатилганлиги ҳамда омборда тайёр маҳсулот сифатида сақланаётганлиги эътиборга олиши керак. Масалан, олинган наслнинг режа таннархи ва ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқ суммалари бевосита 1110 «Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар» счётига, тўлиқ сотиб юборилган маҳсулотлар бўйича режа таннарх ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги фарқ суммалари бевосита 9130 «Сотиш таннархи» счётига, қисман сотилган маҳсулотлар бўйича ушбу фарқ уларнинг сотилган ва омборда сақланаётган қисмларини акс эттирувчи счётлар ўртасида тақсимланиши лозим.

5.6. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қабул қилиш, саралаш, сотишга тайёрлаш ва сотиш жараёнлари аудитининг хусусиятлари

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қабул қилиш, саралаш, сотишга тайёрлаш ва сотиш жараёнлари аудитининг хусусиятлари қуйидагилардан иборатки:

Биринчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг деҳқончилик ва чорвачилик тармоклари томонидан етиштириладиган маҳсулотлар турли туманлигидадир.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг деҳқончилик ва чорвачилик тармоклари томонидан етиштириладиган маҳсулотларнинг кирим жойининг турли туманлигидадир.

Учинчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг деҳқончилик ва чорвачилик тармоклари томонидан етиштириладиган маҳсулотларнинг кирими учун расмийлаштириладиган ҳужжатларнинг турли туманлигидадир.

Аудитор томонидан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қабул қилиш, саралаш, сотишга тайёрлаш жараёнини аудитдан ўтказишда бажариладиган ишлар 5.5 жадвалда келтирилган.

5.5 жадвал

**Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қабул қилиш,
саралаш, сотишга тайёрлаш жараёнини аудитдан ўтказишда
бажариладиган ишлар**

Маҳсулот тури	Кирими учун расмийлаштириладиган ҳужжат номи	Аудитор томонидан бажариладиган иш
ДЕХҚОНЧИЛИК ТАРМОҒИДА		
донли экин маҳсулотлари	Дон ва бошқа маҳсулотларни даладан жўнатиш реестри	Ҳужжат арфиметик текширилади. Маъсул шахслар имзоларининг мавжудлиги ўрганилади
сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини келиш кундаги	Ҳужжат арфиметик текширилади. Маъсул шахслар имзоларининг мавжудлиги ўрганилади
пахта хом- ашёси	Пахта терими тўғрисида кунлик маълумот	Ҳужжат арфиметик текширилади. Маъсул шахслар имзоларининг мавжудлиги ўрганилади
Озуқалар	Дағал ва ширали озуқаларни қирим далолатномаси	Ҳужжат арфиметик текширилади. Маъсул шахслар имзоларининг мавжудлиги ўрганилади
донли экин маҳсулотлари	Ўсимликчилик маҳсулотларини саралаш ва қуришти далолатномаси	Ҳужжат арфиметик текширилади. Маъсул шахслар имзоларининг мавжудлиги ўрганилади
донли экин маҳсулотларини йиғиштириб олиш	Дон ва бошқа маҳсулотлар ҳаракати қайдномаси	Ҳужжат арфиметик текширилади. Маъсул шахслар имзоларининг мавжудлиги ўрганилади
ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҒИДА		
Молларни сўйиш учун	Молларни сўйиш қайдномаси (100-шакл) ва накладнойлар	Ҳужжат арфиметик текширилади. Маъсул шахслар имзоларининг мавжудлиги ўрганилади
жун қиркиш	Жунни қиркиш ва қирим далолатномаси (116-шакл)	Ҳужжат арфиметик текширилади. Маъсул шахслар имзоларининг мавжудлиги ўрганилади
асал, пилла, балик ва бошқа маҳсулотлар бўйича	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қирим кундалиги (81-шакл)	Ҳужжат арфиметик текширилади. Маъсул шахслар имзоларининг мавжудлиги ўрганилади
Тухумларни қабул қилиш учун	Тухумларни қабул қилиш ва саралаш далолатномаси ((109- шакл).	Ҳужжат арфиметик текширилади. Маъсул шахслар имзоларининг мавжудлиги ўрганилади
Наслни қирим қилишда	Туғилган молларни қабул қилиш	Ҳужжат арфиметик текширилади. Маъсул шахслар имзоларининг

	далолатномаси (95-шакл).	мавжудлиги ўрганилади
Мол вазнини аниқлашда	Моллар вазнини тортиш кайдномаси (98-шакл).	Хужжат арфиметик текширилади. Маъсул шахслар имзоларининг мавжудлиги ўрганилади
Тирик вазнининг ўсишини аниқлашда	Тирик вазнининг ўсишини аниқлаш ҳисоб-китоби (98 а-шакл).	Хужжат арфиметик текширилади. Маъсул шахслар имзоларининг мавжудлиги ўрганилади

Аудитор қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сотиш жараёнлари аудитининг хусусиятлари

1.Сотиш турлари аниқланади

2.Счёт-фактуралар ва кирим касса ордерлари бўйича сотиш ҳажми ҳисобот даврлари бўйича жамлаб чиқилади

3.Счёт-фактураларни ва кирим касса ордерларининг тўғри тузилганлиги, ишончномаларни борлиги ва ҳаққонийлиги, улардаги баҳоларни шартномалар билан мослиги текширилади.

4.Олдиндан тўловсиз, бартер, натура ҳолларида амалга оширилган сотиш ҳажмлари аниқланади

5.Ҳар ойлик маълумотларнинг Бош китобда 9010 «Маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар», 9040 «Сотилган товарларни қайтарилиши», 9050 «Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» счётларининг маълумотлари билан уйғунлигини текширилади.

6.Ҳисобот даврлари маълумотлари «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»да акс эттирилган маълумотлар билан таққослаб кўрилади.

7.Четланишлар бўйича исботу далиллар тўпланади

ҲИ БОБ. Қишлоқ хўжалик корхоналарида солиқ ва тўловлар аудити

6.1. Қишлоқ хўжалик корхоналарини солиққа тортиш бўйича давлат сиёсати ва солиқлар бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳисоби

Давлатимизнинг солиқ сиёсатида белгиланган тартиб-қоидаларга кўра қишлоқ хўжалик корхоналари солиқ тўловчилар сифатида уч гуруҳга бўлинади: (1) ягона ер солиғини тўловчилар; (2) ягона солиқ тўловини тўловчилар; (3) умумбелгиланган солиқларни тўловчилар.

Ушбу гуруҳларга кирувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, шунингдек улар тўлайдиган мос равишдаги солиқлар ўзининг объекти, солиқ ставкаси, ҳисоб-китоби, тўлаш тартиби ва бошқа жиҳатлари бўйича бир канча хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар ўз навбатида қишлоқ хўжалик корхоналарида солиқлар аудитининг хусусиятларини белгилайди.

6.2. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ягона ер солиғи аудити

Қишлоқ хўжалиғи товарлари ишлаб чиқарувчилар, қишлоқ хўжалиғи йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-экспериментал хўжаликлари ва таълим муассасаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари Солиқ кодекси талабларига кўра ягона ер солиғини тўловчилар бўлиб ҳисобланади:

Солиқ кодексига асосан бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга жавоб берадиган юридик шахслар солиқ солиш мақсадида қишлоқ хўжалиғи товарлари ишлаб чиқарувчилар жумласига киради:

- ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиғи маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш ёхуд ер участкаларидан фойдаланган ҳолда фақат қишлоқ хўжалиғи маҳсулотини етиштириш асосий фаолият тури бўлган юридик шахслар;

- қишлоқ хўжалиғини юритиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўзларига белгиланган тартибда берилган ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар;

- қишлоқ хўжалиғи маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш улуши реализация қилиш ёки қайта ишлаш учун олинган қишлоқ хўжалиғи маҳсулотини ўз ичига олувчи қишлоқ хўжалиғи маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш умумий ҳажмида камида 50 фоизни ташкил этадиган юридик шахслар.

Аудитор даставвал қишлоқ хўжалик корхоналарида ягона ер солиғи тўловчилигини аниқлаши керак. Бунинг учун аудитор қуйидаги аудиторлик таҳлилини ўтказadi.

Аудитор қишлоқ хўжалиғи маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлашнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиғи корхонасида қишлоқ хўжалиғи маҳсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улушини аниқлайди.

Мисол: ўтган йилда жами соф тушум 2 миллиард сум, шундан ўзи етиштирган ва қайта ишлаган маҳсулотни сотишдан олинган тушум (1) -

ҳолатда 600 млн. сум, (2) - ҳолатда 1,5 миллиард сум, дейлик. Мисол шартига кўра, умумий соф тушумда кишлок хўжалиги маҳсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улуши (1)-ҳолатда 30 %, (2) -ҳолатда 75 % ни ташкил этади. Демак, (1)- ҳолатда ушбу кишлок хўжалик корхонаси ягона ер солигини тўловчиси ҳисобланмайди, чунки унинг умумий соф тушумида кишлок хўжалиги маҳсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улуши Солиқ Кодексида белгиланган меъёрдан паст, аксинча (2)-ҳолатда у ягона ер солиги тўловчиси ҳисобланади, чунки бу ҳолатда кишлок хўжалик корхонасининг умумий тушумида кишлок хўжалиги маҳсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улуши белгиланган меъёрдан юқори.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ягона ер солигини тўлаш тартибини қўллаш учун ҳар йили жорий солиқ даврининг 1 февралига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ўтган солиқ даврида кишлок хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлашнинг умумий ҳажмида кишлок хўжалиги маҳсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улуши кўрсатилган маълумотномани тақдим этиши лозим. Микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига кирадиган солиқ тўловчи Солиқ Кодексида белгиланган шартларга жавоб бермай қўйган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай давлат солиқ хизмати органига солиқ солиш тартибини танлаш тўғрисида ёзма билдириш тақдим этиши лозим. Солиқ тўловчининг ёзма билдиришни белгиланган муддатда тақдим этмаганлиги унинг умумбелгиланган солиқларни тўлашга розилиги деб ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ кишлок хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси солиқ солиш объекти, ер участкаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган норматив қиймати¹⁰ солиқ солинадиган база ҳисобланади. Шу сабабдан аудитор кишлок хўжалик корхоналарининг фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни ўрганади.

¹⁰ *Изоҳ: 1. Ҳар бир хўжалик бўйича кишлок хўжалиги ерларининг норматив қиймати Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан белгиланади.*

2. Белгиланган мезонларга мувофиқ ягона ер солиги тўловчиларига қиритиладиган балиқчилик хўжаликлари тўғрисида ўртача сувариладиган ерлар норматив қийматидан келиб чиқиб, ягона ер солигини тўлайдилар.

Аудитор томонидан ягона ер солигининг тўғри ҳисобланганлигини текшириш учун ер участкаларининг норматив қийматини ягона ер солигининг белгиланган ставкасига кўпайтириш орқали аниқлайди.

6.3. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ягона солиқ тўловининг аудити

Солиқ Кодексининг 362-моддасида белгиланган шартларга кўра ягона ер солигини тўловчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари мақомига мос келмайдиган, асосий фаолияти қишлоқ хўжалиги бўлган кичик корхоналар ва микрофирмалар тоифасига қирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари ягона солиқ тўловини тўловчилари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-1245-сон қарорига биноан кичик корхоналар (ҳодимларининг сони 50 кишигача) ва микрофирмалар (ҳодимларининг сони 20 кишигача) тоифасига қирувчи асосий фаолияти қишлоқ хўжалиги бўлган кичик корхоналар ва микрофирмалар тоифасига қирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари 6 % лик ставкада ягона солиқ тўловини тўлайдилар. Асосий фаолиятидан ташқари бошқа фаолият турлари бўйича бу турдаги корхоналар алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда ягона солиқ тўловини белгиланган ставкаларда тўлашлари лозим.

Ягона солиқ тўловини тўловчи қишлоқ хўжалик корхоналари ихтиёрий тарзда рўйхатдан ўтган жойидаги давлат солиқ хизмати органларига навбатдаги чорак бошланишига қадар бир ойдан кечиктирмай, янги барпо этилаётган микро ва кичик корхона мақомидаги қишлоқ хўжалик корхоналари эса фаолиятни амалга оширишни бошлашга қадар топшириладиган ариза асосида қўшилган қиймат солиғини тўлашлари мумкин. Ягона солиқ тўлови тўловчилари томонидан қўшилган қиймат солиғини тўлашдан бош тортиш навбатдаги йил бошланишига қадар бир ойдан кечиктирмасдан рўйхатдан ўтган жойидаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган ариза асосида навбатдаги йилнинг бошидангина амалга оширилади.

Ягона солиқ тўловини тўлаш объекти бўлиб қишлоқ хўжалик корхоналарининг барча фаолият турларидан олган ялпи тушуми ҳисобланади. Ягона солиқ тўлови суммаси ялпи тушум суммасини ушбу солиқнинг белгиланган меъёрига кўпайтириш йўли билан топилади. Бунда, ихтиёрий

тарзда қўшилган киймат солиғини тўловчилар учун ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланадиган қўшилган киймат солиғи суммасига, бироқ ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорига камаяди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ягона солиқ тўловига тортиладиган ялпи тушум таркибига қуйидагилар киритилади:

1. Накд пулга ва нақдсиз пулга сотилган маҳсулот, боварлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ҳажми.

2. Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар, чунончи:

а) ундирилган ёки қарздор эътироф этган жарималар, пенялар, неустойкалар ҳамда хўжалик шартномаларининг шартларини бузганлик учун бошқа жазо турлари;

б) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар даромадлари;

в) рента даромади, автотранспорт корхонаси ҳузуридаги ошхоналардан тушумлар, бошқа хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан тушумлар;

г) асосий воситалар ва бошқа мол-мулкни сотишдан даромадлар;

д) кредиторлик ва депонентлик қарзини конун билан белгиланган тартибда ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;

е) товар-моддий бойликларини қўшимча баҳолаш;

ж) текин молиявий ёрдам, шу жумладан, текинга олинган мол-мулк;

з) киска муддатли ижарадан даромадлар;

и) илгари чиқариб ташланган харажатларни қоплаш тарикасида олинган даромадлардан ташқари бошқа операцион даромадлар;

3. Молиявий фаолиятдан даромадлар, чунончи:

а) олинган роялти ва капитал трансферти;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улушли иштирок этишдан олинган даромадлар, акциялар бўйича дивидендлар ҳамда облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича даромадлар;

в) мол-мулкни узоқ муддатли ижара (лизинг)га беришдан даромад (маржа);

г) чет эл валютасидаги операциялар бўйича курсдаги фарқдан даромадлар (мусбат ва манфий курс фарқлари ўртасидаги сальдо), бунда манфий курс фарқи суммаси мусбат курс фарқи суммасидан ошиб кетган ҳолда ошиб кетиш суммаси ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқаётганда солиқ солинадиган базани камайтирмайди;

д) қимматли қоғозлар, шутба корхоналар ва хоказоларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашларни ўтказишдан даромадлар;

е) молнавий фаолиятдан бошқа даромадлар;

4. Фавқулодда даромадлар.

Солиқ солинадиган ялпи тушум ҳисоблаб чиқилаётганда қуйидагилар ялпи тушумдан чиқариб ташланади:

а) ихтёрий равишда ўз аризасига кўра қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғи суммаси;

б) давлат субсидиялари суммаси;

в) давлат облигациялари ва бошқа давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;

г) тўлов манбаида солиқ тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (маълумотнома) мавжудлигида дивидендлар ва фойзлар.

Ягона солиқ тўлови ҳар чорақда ўсиб боровчи якун билан ҳисоб-китобни топшириш муддатида кечиктирмай тўланади.

6.4. Қишлоқ хўжалик корхоналарида мажбурий ажратмалар ва тўловларнинг ҳисоби

Аудитор, қишлоқ хўжалик корхоналарида мажбурий ажратмалар, йиғимлар ва ушланмаларнинг аудитини ўтказишни қуйидаги кетма-кетликда амалга оширади:

- мажбурий ажратмалар, йиғимлар ва ушланмалар учун белгиланган солиқ солиш объекти ва солиқ солиш базасининг тўғри аниқланганлигини текшириш;

- мажбурий ажратмалар, йиғимлар ва ушланмалар учун белгиланган солиқ солиш ставкасининг тўғри қўлланилганлигини текшириш.

Аудитор қишлоқ хўжалик корхоналарида томонидан ягона ижтимоий тўлов ва сўғурта бадаллари суммасининг тўғри ҳисобланганлигини аниқлаш учун дастлаб ягона ижтимоий тўлов ва сўғурта бадалларига солиқ солиш объектининг тўғри аниқланганлигини ўрганади. Сўғурта бадалига солиқ солиш объектининг тўғри аниқланганлигини аудитор ягона ижтимоий тўлов ва сўғурта бадалларининг солиқ солиш объекти бўлган Солиқ кодексининг 172-моддасида кўрсатилган қурилиш ташкилоти ходимларининг иш ҳақи тарзидаги даромадлари уларни тасдиқловчи бирламчи ҳисоб ҳужжатларини ўрганиш орқали аниқлайди.

Аудитор шуни ҳам эътиборга олиш керакки қурилиш ташкилотлари томонидан ишчи-ҳодимларга тўланган қуйидаги тўловларга нисбатан ягона ижтимоий тўлов ва сугурта бадаллари ҳисобланмайди (Солиқ Кодекси 308-моддаси):

- доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) катнов тусига эга бўлган ҳодимларнинг, шунингдек доимий иши ишларни вахта усулида бажарилишини назарда тутадиган ҳодимларнинг иш ҳақиға қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланадиган устамалар;

- қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча дала таъминоти;

- хизмат сафарлари вақтидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча кундалик ҳаражатлар;

- хизмат ишлари учун ҳодимнинг шахсий автомобилидан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкидан қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча фойдаланганлик учун тўловлар;

- меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун ортиқча олинган суммалар.

- ҳодимга ҳисобланадиган ва унинг розилиғи билан тегишли бюджет ёки хайрия жамғармаларга (шанбаликлар, якшанбаликлар ва шу кабилар учун) ўтказиладиган иш ҳақи тарзидаги даромадлар;

- ёш мутахассисларга олий ўқув юртини тамомлаганларидан сўнг таътил вақти учун юридик шахслар ҳисобидан тўланадиган нафакалар;

- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг оддий, сержант ва офицер таркибларида хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига яъни, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика йўл фонди, Пенсия фонди ҳамда умумтаълим мактаблари касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, муқаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш

жамғармасига ажратмаларни тўғри амалга оширилишини ушбу фондларга ажратма объектининг тўғри аниқланганлигини ўрганишдан бошлайди.

Аудитор давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига ажратма объектларини уларни тасдиқловчи хужжатларни аудиторлик таҳлилидан ўтказиш орқали ўрганади.

Аудитор, ягона ижтимоий тўлов ва сугурта бадаллари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика йўл фонди, Пенсия фонди ҳамда умумтаълим мактаблари касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ажратма суммаларининг тўғрилигини бирламчи хужжатларни аудиторлик таҳлилларини ўтказиш орқали аниқланган ажратма объектини ушбу фондлар учун белгиланган ставкаларга кўпайтириш орқали аниқлайди.

III БЎЛИМ. САВДО КОРХОНАЛАРИДА АУДИТНИНГ УСУСИЯТЛАРИ

Уш Боб. Улгуржи савдо корхоналарида аудитнинг хусусиятлари

7.1. Савдо корхоналарида аудитни ташкил этиш асослари унинг мақсади, вазифалари, меъёрий-ҳукукий ва ахборот таъминоти

Савдо корхоналарининг асосий вазифаси озиқ ва ноозик овқат маҳсулотларини миждозларга сотиш ҳисобланади. Ушбу вазифани бажариш жараёнида савдо ташкилотлари томонидан турли кўринишлардаги молиявий-хўжалик фаолиятларини амалга оширадilar. Мулк эгаларига корхоналари томонидан амалга оширилган молиявий-хўжалик жараёнларининг Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонун ва қонун ости ҳужжатларга мослиги, молиявий ҳисобот шаклларидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги тўғрисидаги маълумотга эҳтёж сезади. Бу ўз навбатида ушбу хўжалик юритувчи субъектларда аудитни ташкил этишни тақоза этади.

Савдо ташкилотларида аудитни ташкил этиш тўрт босқичда амалга оширилади (7.1-жадвал).

7.1-жадвал

Аудитни ташкил этиш босқичлари¹¹

Босқич	Босқичнинг номи ва унда амалга ошириладиган ишлар
1- босқич	Аудитни бошлашга қадар бўлган босқич. Ушбу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади: • аудит ўтказувчи субъектнинг ёзма буюртмаси қабул қилинади; • аудит ўтказувчи субъектга аудит ўтказишга аудитор юборилиб, аудит ўтказувчи субъект, унинг ҳисоб ва ҳисоботининг дастлабки ҳолати ўрганилади, аудитнинг объектлари, иш ҳажми, аудиторлик хатарининг даражаси белгиланади; • аудит ўтказувчи субъект номига аудит ўтказиш мажбуриятини олиш тўғрисида розилик хати тайёрланади, ушбу хатда аудит ўтказиш бўйича шартлар, жумладан аудиторлик хатари даражаси, кўрсатилади; • аудит ўтказиш бўйича шартлар ўзаро келишилгандан сўнг аудит ўтказиш тўғрисида шартнома тузилади; • аудитнинг дастури тузилади ва уни ўтказиш графиги белгиланади. • Аудиторлар ўртасида функционал мажбуриятлар ўзаро тақсимланади, уларга ёрдамчилар белгиланади.

¹¹ Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Маъруза матнлари тўплами II-қисм.С.: СамИСи, 2004, 156-б.


2- босқич	Аудиторлик текширувини ўтказиш босқичи. Ушбу босқичда тасдиқланган дастурга мувофиқ аудит объектлари танланган усулларда текширишдан ўтказилади
3- босқич	Аудиторлик текшируви натижаларини жамлаш ва расмийлаштириш босқичи. Ушбу босқичда аудиторлик текшируви маълумотлари (исботлари) ҳар бир объект бўйича жамланади. Маълумотлар (исботлар) жадваллар кўринишида жамланади. Барча маълумотлар (исботлар) жамлангач, ёзма аудиторлик ҳисоботи тайёрланади. Аудиторлик ҳисоботида барча камчиликлар кўрсатилади ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилади.
4- босқич	Аудиторлик текшируви натижаларини тадбиқ этиш босқичи. Ушбу босқичда аудиторлик текшируви натижалари муҳокама этилади, аниқланган четланишлар бўйича тузатишлар, қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Тузатишган ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси берилади.

Аудитнинг биринчи босқичида амалга оширилган ишлар натижаси бўлиб томонлар ўртасида тузилган шартнома ҳисобланади.

Томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан аудитнинг у ёки бу объекти аудиторлик ташкилотлари томонидан комплекс ёки тематик аудит текширувидан ўтказиш орқали амалга оширилади. Савдо ташкилотлари молиявий-хўжалик фаолияти аудитни ташкил этиш аудитни ташкил этишнинг иккинчи босқичида рўй беради. Ушбу босқични аудиторлар аудитини ташкил этишнинг биринчи босқичида тузилган режа ва режа асосида тузилган дастурга мувофиқ олиб борадилар. Савдо ташкилотларида аудит текширувини ўтказиш учун тузилган режага киритилган ҳар бир аудит объектини текшириш маълум кетма-кетликда амалга оширилиши керак. Савдо корхоналарида аудит объектини аудиторлик текширувидан ўтказишда аудиторлар юкоридан пастга қараб ёки пастдан юкорига қараб текшириш усулларида бирини танлаш асосида амалга оширадилар.

Савдо корхоналарида тузилган шартномага асосан аудиторлик текшируви объекти аудити умумий методологик тартибга амал қилинган ҳолда қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади¹² (7.1-расм).

¹² К.В.Урозов. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Т.: "О'қитувчи", 2004. 337-бет



7.1-расм. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш кетма – кетлиги.

Савдо корхоналарида аудитни ташкил этишнинг учинчи боскичда шартномада белгиланган ҳар бир аудит объектлари бўйича аудиторлик текшируви маълумотлари жадваллар кўринишида жамланади. Барча маълумотлар жамлангач, ёзма аудиторлик ҳисоботи тайёрланади. Аудиторлик ҳисоботида барча камчиликлар кўрсатилади ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилади.

Савдо корхоналарида аудитни ташкил этишнинг тўртинчи боскичида бажариладиган асосий ишлар бўлиб аудит натижасида аниқланган хатоликлар ва камчиликларни муҳокама қилиш ҳамда аудиторлик ташкилоти томонидан берилган тавсиялар асосида уларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш, аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини бериш, бажарилган ишларни қабул-қилиш-топшириш даволатномаси билан расмийлаштириш, ўзаро якуний молиявий ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳисобланади.

Аудит боскичларида белгиланган ишларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши аудитнинг мақсад ва вазифаларини самарали бажарилишига ҳамда аудиторлик рискининг паст бўлишига имкониятини яратади.

Савдо корхоналарида аудитни ташкил этишдан мақсад ушбу хўжалик юритувчи субъектларда содир этилган молиявий-хўжалик операцияларининг Республикамизда амалда бўлган қонун ва қонуности ҳужжатларига мослиги ҳамда молиявий ҳисобот шаклларидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги бўйича

исботу-далил тўплаш, текшириш натижаси бўйича ҳолисона хулоса беришдан иборат.

Ушбу мақсад савдо корхоналари молиявий-хўжалик фаолияти аудитни ўтказишда ҳал этиладиган қуйидаги асосий вазифаларни белгилайди:

-савдо корхоналари томонидан содир этилган ҳар бир молиявий-хўжалик жараёнларининг республикамизда амалда бўлган қонун ва қонуности мослигини ўрганиш;

-савдо корхоналари томонидан содир этилган ҳар бир молиявий-хўжалик жараёнларининг ўз вақтида бирламчи ҳисоб хужжатларида тўғри расмийлаштирилганлигини ўрганиш;

-савдо корхоналари томонидан содир этилган ҳар бир молиявий-хўжалик жараёнларининг мазмун-моҳиятига асосан тўғри тавсифланганлигини текшириш;

-савдо корхоналари томонидан содир этилган ҳар бир молиявий-хўжалик жараёнларининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлигини текшириш;

-савдо корхоналари молиявий ҳисобот шакллари маълумотларининг ҳаққонийлиги исботу-далил тўплаш.

-савдо корхоналари молиявий-хўжалик фаолияти аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш;

-савдо корхоналари томонидан содир этилган ҳар бир молиявий-хўжалик жараёнлари ҳисоби ва молиявий ҳисобот шаклларида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича аудиторлик тавсиялари ишлаб чиқиш.

Савдо корхоналарида аудитни ўтказишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари деганда бевосита хўжалик юритувчи субъектларда аудитни республикамизда амалда бўлган қонунлар ва қонуности хужжатларида белгиланган тартиб-қоидалар асосида амалга ошириш тушунилади.

Барча хўжалик юритувчи субъектларда, шу жумладан, савдо корхоналарида шартномада белгиланган аудит объектининг аудитини амалга оширишни тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни ўрта даражага ажратиш мумкин. (7.2-жадвал).

Аудиторлик фаолиятини амалга оширишни тартибга солувчи биринчи даражали меъёрий-ҳуқуқий хужжатларга Ўзбекистон Республикасининг

Хўжалик юритувчи субъектларда аудитни амалга оширишни тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизими

1-даража	Қонунларлар, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва улар билан тасдиқланган ҳужжатлар
2-даража	Тармок вазирликлари томонидан қабул қилинган Низомлар ва йўриқномалар
3-даража	Аудитни ташкил этишга доир аудиторлик ташкилотининг ички ҳужжатлари

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида» Қонуни, «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПК-615-сон Қарори ва шу каби меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни киритиш мумкин.

Аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи биринчи даражали меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар молиявий-иқтисодий тизимда аудитнинг ўрни, мақсади ва вазифаларини ҳамда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик фаолиятидаги умумий тартибларни белгилайди

Аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи иккинчи даражали меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таркибига аудиторлик фаолияти миллий стандартлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ» ва шу каби бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни киритиш мумкин.

Аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи иккинчи даражали меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар аудит объектлари учун аудитнинг меъёрий талабларини ва аудиторлик фаолиятини ташкил этиш услубиётини белгилайди ҳамда аудиторлик фаолиятнинг махсус масалаларини тартибга солади.

Аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи учинчи даражали меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таркибига аудиторлик ташкилотларининг ички стандартлари мисол сифтида келтиришимиз мумкин. Ушбу ҳужжатлар аудиторлик ташкилотларининг аудит ва бошқа консалтинг хизматларини бажаришини тартибга солади.

Савдо корхоналари молиявий-хўжалик фаолияти аудитининг сифатли ўтиши биринчи навбатда аудиторлар томонидан савдо корхоналари томонидан

содир этилган молиявий-хўжалик жараёнларининг ҳақиқатда амалга оширилганлигини тасдиқловчи бошланғич ҳужжатлар муҳим ўрин эгаллайди.

Савдо корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятини аудит текширувидан ўтказишда республикада амалда бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга таянган ҳолда қуйидаги бирламчи ҳисоб ҳужжатлари текширилади:

- корхона низоми;
- ҳисоб сиёсати;
- молиявий ҳисобот шакллари;
- бош китоб;
- барча аналитик ва синтетик ҳисоб регистрлари;
- содир этилган молиявий-хўжалик жараёнларини ҳисобга олиш бўйича дастлабки ҳисоб ҳужжатлари ва далолатномалар;
- олдинги текширув материаллари.

Аудитор улгуржи савдо корхоналари молиявий-хўжалик фаолияти аудитини ушбу хўжалик юригувчи субъект ташкилий-ҳуқуқий мақомини ўрганишдан бошлайди. Улгуржи савдо корхоналари улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатга (гувоҳномага)га эга бўлиши керак. Улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномасини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 мартдаги «Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 125- сон қарор¹³ ва 2002 йил 27 ноябрдаги «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 407- сон қарор ва «Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом» билан белгиланган.

7.2. Улгуржи савдо корхоналарида товарлар ҳаракатининг аудити

Аудитор, улгуржи савдо корхоналарида товарлар ҳаракатини ўрганишда дастлаб, товарларнинг сотиб олиш қийматининг тўғри аниқланганлигини

¹³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг истеъмол товарлари олиб келиш ва сотиш масалалари бўйича айрым қарорларига ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва уларнинг айримларини нўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2003 йил 16 октябрдаги 446-сон қарори 1-иловасининг 5-бандига мувофиқ киритилган ўзгартиришлар билан)

текширади. Улгуржи савдо корхоналарида товарларнинг сотиб олиш киймати аниқлаш тартиби Республикамизнинг 4-сон «Товар-моддий заҳралар» номли БҲМСга асосан тартибга солинади. Ушбу БҲМСга асосан товарларнинг сотиб олиш киймати ўз ичига қуйдагиларни олади:

1. *Сотиб олишда товар етказиб берувчи билан тузилган шартномада кўрсатилган баҳо (Шб);*

2. *Сотиб олиш билан боғлиқ бошқа харажатлар (Сх).* Буларга сотиб олиш билан боғлиқ брокерлик хизматлари, комисион (воситачилик) харажатлар, ташиб келтириш харажатлари (темир йўл, сув, ҳаво йўллари ва бошқа транспорт ташкилотларнинг юклаш, тушуриш ва етказиб бериш харажатлари), товарларни сертификациялаш харажатлари ва шу кабилар киради;

3. *Божхона тўловлари (Бт).* Божхона тўловларига акциз солиғи (А), қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС), божхона божи (Бб), божхона йиғими (Бй) киради. Бу харажатлар чет элдан импорт қилинган товарларга тааллуқли бўлиб, уларнинг суммалари божхона юк декларацияларида (БЮД) кўрсатилади.

Демак аудитор, улгуржи савдо корхоналарида товарларнинг сотиб олиш кийматининг тўғри аниқланганлигини қуйдаги математик қурилмаси асосида аниқлайди:

$$Тт = Шб + Сх + Бт$$

$$\text{Бу ерда: } Бт = А + ҚҚС + Бб + Бй$$

Аудитор улгуржи савдо корхоналарида товарларнинг сотиб олиш кийматининг тўғри аниқланганлигини қуйдаги тартибда амалга оширилади.

Биринчидан, келиб тушган товарларнинг сотиб олиш баҳосининг бошланғич ҳисоб ҳужжатларига (счёт фактуралар, БЮД) мослиги аниқланади. Бошланғич ҳисоб ҳужжатларида (счёт фактуралар, БЮД) кўрсатилган баҳолар томонлар ўртасида тузилган шартномалар (контрактлар)га мослигини ўрганади;

Иккинчидан, бошланғич ҳужжатларга (счёт фактуралар, БЮД) асосан таъминотчиларга ҳар бир товар бўйича тўланган ҚҚС суммасининг тўғри аниқланганлиги текширилади. ҚҚС суммасини товарнинг сотиб олиш баҳосини 20 фоизга кўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш йўли билан аниқлайди;

Учинчидан, аудитор томонидан товарларни сотиб олинишига бевосита алоқадор бўлган турли хизмат харажатлар (ташиб келтириш, брокерлик, воситачилик, сертификациялаш ва бошқалар) суммасининг тўғрилиги хизматларни кўрсатган ташкилотларнинг тақдим этган счётлари бўйича

аникланади. Сўнгра аудитор томонидан топилган суммани жами келиб тушган товарларнинг сотиб олиш қийматига (ҚҚС сиз) бўлиш ва натижани 100 фоизга кўпайтириш орқали бир сўмлик товарга тўғри келадиغان хизмат харажатларининг ўртача фоизи аникланади. Ушбу ўртача фоизни ҳар бир товарнинг сотиб олиш нархига (ҚҚС сиз) кўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш орқали аудитор томонидан товарларнинг сотиб олиш баҳосига киритиладиган хизмат турлари харажатларининг ўртача суммаси аникланади.

Тўртинчидан, аудитор томонидан импорт товарлар бўйича божхона тўловларининг ҳар бир бирлик товарнинг сотиб олиш нархига қўшиладиган мос равишдаги акциз солиғи, ҚҚС солиғи, божхона божи ва божхона йиғимлари суммаси топилади.

Ушбу санаб ўтилган процедуралар амалга оширилгандан сўнг келиб тушган ҳар бир бирлик товарнинг ўртача сотиб олиш қиймати (таннархи) юқоридаги математик қурилма асосида топилади.

Мисол учун. Улгуржи савдо корхонасида 2017 йил 15 январь куни 25-сон счёта фактура билан гилам тўқиш фабрикасида куйидаги товарлар қабул қилинди (7.3-жадвал).

7.3-жадвал

**Улгуржи савдо корхонасида сотиб олинган товарлар тўғрисида
маълумот**

№	Товарнинг номи	Ўл.бирл иғи	Сони	Баҳоси	Жўнатиш қиймати	ҚҚС, 20 %	Тўлов суммаси
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Гилам ,4*1,8	Дона	100	75000	7500000	1500000	9000000
2	Гилам ,8*2,6	Дона	200	90000	18000000	3600000	21600000
3	Гилам 2*3	Дона	300	125000	37500000	7500000	45000000
	Жами				63000000	12600000	75600000

Қўшимча маълумотлар: 1. Ташиб келтириш харажатлари - 930000 сўм, сертификация харажатлари -1260000 сўм, брокерлик хизмати -630000 сўм.

Улгуржи савдо корхонаси томонидан келтирилган маълумотлар асосида бир бирлик гиламнинг сотиб олиш қиймати уларнинг турлари бўйича қуйидагича ҳисоб-китоб қилинган (7.3-жадвал).

Аудитор улгуржи савдо корхонаси томонидан товарларнинг сотиб олиш қийматини тўғри аниқланганлигини қуйидаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш натижасида аниқлайди:

Бир бирлик гилам маҳсулотларини сотиб олиш қийматининг ҳисоб-китоби

№	Товарнинг номи	Шартнома баҳоси	ҚҚС, 20%	Хизмат харажатлари		Сотиб олиш қиймати
				%	Сумма	
1	2	3	4	5	6	7
1	Гилам 1,4*1,8	75000	15000	4,48	3360	93360
2	Гилам 1,8*2,6	90000	18000	4,48	4032	112032
3	Гилам 2*3	125000	25000	4,48	5600	155600

Биринчи ҳисоб-китоб, 7.4-жадвалнинг 5 –устунчасидаги 1 сўмлик товарга тўғри келадиган сотиш билан боғлиқ жами харажатларнинг ўртача фоизи товарларни сотиб олишга кетган жами сотиб олиш харажатларини уларнинг жами шартнома баҳоларидаги қийматига бўлиш ва 100 фоизга кўпайтириш орқали аниқлайди. Бизнинг мисолимизда ушбу фоиз $-4,48\%$ $(930000+630000+1260000) / 6300000 * 100\%$ (7.3-жадвал ва қўшимча маълумотлар).

Иккинчи ҳисоб-китоб, 7.4-жадвалнинг 6 –устунчасидаги сумма 3-устунчадаги суммаларни 5-устунчадаги фоиз миқдорида кўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш орқали аниқлайди.

Учинчи ҳисоб-китоб, 7.4-жадвалнинг 7-устунчасидаги суммаси ҳар бир товар бўйича 3, 4,6 –устунчалар суммаларини қўшиш орқали топилади.

Бизнинг мисолимизда улгуржи савдо корхонасида 2017 йил 15 январь куни 25-сон счёт фактура билан гилам тўқиш фабрикасида қабул қилинган товарларнинг сотиб олиш қиймати тўғри аниқланган.

Улгуржи савдо корхоналари товарларни хорижий мижозлардан ҳам сотиб орилишлари мумкин. Аудитор улгуржи савдо корхоналари томонидан хорижий мижозлардан сотиб олинган товарларнинг сотиб олиш қийматини тўғри аниқланганлигини худди юқоридаги ҳисоб-китоблар асосида божхона тўловлари ҳам кирититган ҳолда аниқлайди.

Мисол учун, юқорида келтирилган мисолдаги гиламлар фараз қилайлик хорижий мижоздан сотиб олинган. БЮД га мувофиқ товарларнинг божхона қиймати қуйдагича: а) гилам 1,4* 1,8 – 2,65 АҚШ доллари; б) гилам 1,8* 2,6- 3,20 АҚШ доллари; в) гилам 2*3 –5 АҚШ доллари. Сотиб олишга доир харажатлар худди юқорида келтирилган мисолдагидек. Товарларни сотиб олиш

кийматига божхона тўловлари ҳам киритилади, жумладан гилам маҳсулотлари учун тўловлар қуйидагича белгиланган дейлик: а) акциз солиғи –90 %, ҚҚС –20 %; божхона божи – йўқ, божхона йиғими – божхона кийматидан 25%. Сотиб олиш санасига курс –8080 сўм.

Улгуржи савдо корхонаси томонидан товарларнинг сотиб олиш қийматини қуйидагича аниқланган ва товарлар омборларга кириш қилинган (7.5-жадвал).

7.5-жадвал

Импорт товарлар сотиб олиш қийматининг ҳисоб-китоби

№	Сотиб олиш қиймати (таннархи) элементлари	Товар гуруҳлари бўйича сумма		
		1,4*1,8	1,8*2,6	2*3
1	Бир бирлик товарни жами сотиб олиш қиймати, сўмда	95635	119544	143452

Улгуржи савдо корхонаси томонидан бир бирлик импорт гилам маҳсулотларининг сотиб олиш қиймати тўғри аниқланганлигини аудитор томонидан қуйидаги ҳисоб китобларни амалга ошириш натижасида аниқланади (7.6-жадвал).

7.6-жадвал

Импорт товарлар таннархининг ҳисоб-китоби

№	Сотиб олиш қиймати (таннархи) элементлари	Товар гуруҳлари бўйича сумма		
		1,4*1,8	1,8*2,6	2*3
1	Товар қиймати, а) АҚШ долларида б) Сўмда	4 32320	5 40400	6,0 48480
2	Божхона тўловлари, жами Шу жумладан	59792	74740	89688
2а	Акциз солиғи (90%)*	29088	36360	43632
2б	ҚҚС (20%)**	12282	15352	18422
2в	Божхона божи ***	-	-	-
2г	Божхона йиғими (божхона қийматидан 25%)*	18422	23028	27634
3	Бир бирлик товарни сотиб олишга сарфланган қўшимча харажатлар:			
3а	Фоизларда *****	10.9	10.9	10.9
3б	Сўмда (3а х 16/100)	3523	4404	5284
4	Бир бирлик товарни жами сотиб олиш қиймати, сўмда (1+2+3б)	95635	119544	143452

Аудитор томонидан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар:

Биринчи ҳисоб-китоб, аудитор томонидан акциз солиғи суммаси товар қийматидан ушбу товар учун белгиланган акциз солиғи ставкасини қўллаш

орқали аниқланади. Бизнинг мисолимизда ушбу товарларга акциз солиғи ставкаси товар суммасига нисбатан 90% белгиланган. Демак акциз солиғи суммаси қуйидагича ҳисобланади, яъни $2a\text{-сатр суммаси} = 1 б сатр \times 90 / 100$;

Иккинчи ҳисоб-китоб, аудитор томонидан ҚҚС суммаси товар қиймати ва акциз солиғи суммаси йиғиндисига ҚҚС учун белгиланган солиқ ставкаси қўллаш орқали аниқланади, яъни $(16 + 2a) \times 20 / 100$;

Учинчи ҳисоб-китоб, бизнинг мисолда амалга оширилмайди. Чунки айрим давлатлар билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида божхона божси йндирилмаслиги бўйича ҳалқаро шартнома мавжуд;

Тўртинчи ҳисоб-китоб, божхона йиғими суммаси аудитор томонидан товарларнинг божхона қиймати (товар қиймати + акциз солиғи + ҚҚС) белгиланган фоизларни қўллаш орқали аниқланади, яъни $(16 + 2a + 26) \times 25 / 100$;

Бешинчи ҳисоб-китоб, 1 сўмлик товарга тўғри келадиган сотиш билан боғлиқ харажатларнинг ўртача фоизи товарларни сотиб олишга кетган жами сотиб олиш харажатларини уларнинг жами шартнома баҳоларидаги қийматига бўлиш ва 100 фоизга кўпайтириш орқали топилади. Бизнинг мисолимизда ушбу фоиз -10,9 % ни ташкил қилади.

$(930000 + 630000 + 1260000) / (100 \times 32320 + 200 \times 40400 + 300 \times 48480) \times 100\% = 2820000 / 25856000 \times 100\% = 10,9\%$

Олтинчи ҳисоб-китоб, аудитор томонидан бир бирлик товарни сотиб олишга сарфланган қўшимча харажатлар суммаси товар қийматидан ушбу товарларни сотиб олишга сарфланган бир бирлик товарга тўғри келадиган харажат фоизини қўллаш орқали аниқланади.

Еттинчи ҳисоб-китоб, аудитор томонидан бир бирлик товарни сотиб олиш қийматини сотиб олинган товар қиймати (товар қиймати + акциз солиғи суммасини, ҚҚС суммасини, божхона йиғими суммасини ва бир бирлик товарга тўғри келадиган сарфланган қўшимча харажатлар суммаси қўшилиш орқали аниқланади.

Аудитор улгуржи савдо корхоналарида товарларнинг сотиб олиш қийматининг тўғри аниқланишини ўрганиш жараёнида кириш қилинган товарларнинг тўғри ва ўз вақтида хужжатлаштирилганлигини ҳам аудиторлик текширувидан ўтказди. Улгуржи савдо корхоналарида товарлар киришининг хужжатлаштириши уларнинг келиб тушиш манбаларига ҳамда уларни ташиб елтириш транспортининг турига боғлиқ.

Улгуржи савдо корхоналарига товарлар чет эл мамлакатларидан, республикамизнинг бошқа шаҳар ва туманларидан, шунингдек маҳаллий таъминотчилардан турли транспорт воситаларида (темир йўл, сув ва ҳаво йўллари транспорти, ихтисослашган автотранспорт корхоналарининг транспорт воситалари ва савдо корхонасининг хусусий автотранспорти) ташиб келтирилиши мумкин.

Аудитор чет мамлакатлардан истеъмол товарларининг кирим қилиниши, расмийлаштирилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 августдаги «Лицензияларни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги 295-сон қарори ва ушбу қарорга мувофиқ ишлаб чиқилган «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарларини олиб келиш ва сотиш тартиби тўғрисида Низом»¹⁴ талаблари асосида амалга оширилганлигини ўрганади. Ушбу қарор ва Низомга мувофиқ чет элдан импорт қилинган барча истеъмол товарлари республикамиз ҳудудида эркин муомалага фақат божхона расмийлаштирувидан кейин чиқарилади.

Бошқа шаҳарларда жойлашган таъминотчилардан товарлар асосан темир йўл ва йўл автотранспорти орқали, бир шаҳарда жойлашган таъминотчилардан улар асосан йўл автотранспорти билан ташиб келтирилади.

Аудитор бошқа шаҳарларда жойлашган таъминотчилардан товарларнинг сотиб олиш жараёнини ўрганишда, улар томонидан тақдим қилинган қуйидаги ҳужжатларни аудиторлик таҳлилидан ўтказди:

- юклаш ҳужжатлари – булар темир йўл накладнойи, товар-транспорт накладнойи;

- товарларни сифат жиҳатларини тасдиқловчи ҳужжатлар – булар мувофиқлик сертификати, спецификациялар, лаборатория таҳлили далолатномаси, ўлчов таҳлили далолатномаси, ўров ёрликлари;

- ҳисоб-китоб ҳужжатлари – булар белгиланган шаклларда тузилган счёто-фактуралар ва тўлов талабномаси.

Аудитор улгуржи савдо корхоналарида товарлар кирими учун расмийлаштирилган ҳар бир ҳужжатни тўлиқ аудиторлик таҳлилидан ўтказиши, яъни уларнинг амалда бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 31 августда рўйхатдан ўтказилган, № 1169.

талабларига мослиги ҳамда ушбу хўжалик жараёнини амалга ошириш ҳуқиқи бўлган маъсул шахсларнинг имзоларининг мавжудлигини текшириши керак.

Товарларни бевосита таъминотчилардан ёки темир йўл транспорти станциясидан қабул қилиш ва олиб келиш учун улгуржи савдо корхоналари ўзларининг вакилларини сафарбар этадилар ва уларнинг номларига ишончномалар берадилар. Аудитор ишончномаларнинг сўндирилиш ҳолатини ўрганиши лозим. Аудитор ишончнома берилган вакил бойликларни олганидан сўнг корхона бухгалтериясига топшириқ бажарилганлиги тўғрисидаги ва олинган товар-моддий бойликларни омборхонага ёки тегишли моддий жавобгар шахсга топширганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этганлигини ёки ишлатилмаган ишончномалар амал қилиш муддати тугаган кундан кейинги кун уни берган корхонага қайтарилганлигини ўрганади.

7.3. Улгуржи савдо корхоналарида товарларнинг сотилиши ва бошқа чикимларининг аудити

Аудитнинг муҳим вазифаларидан бири улгуржи савдо корхоналарида товарларнинг харидорларга сотиш баҳоларининг тўғри аниқланганлигини ҳамда уларнинг бирламчи ҳисоб ҳужжатларда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида расмийлаштирилганлигини ўрганиш ҳисобланади.

Улгуржи савдо корхоналарида товарларнинг сотиш баҳоси (Сб) ўз ичига, асосан, қуйидаги иккита элементни олади:

1. Товарларни сотиб олиш қиймати, яъни таннархи (Т) – ушбу элемент, юқорида айтиб ўтганимиздек, ўз ичига товарларни шартномавий баҳолардаги сотиб олиш қиймати ҳамда уларни сотиб олишга доир қўшимча харажатларни олади.

2. Савдо устамаси (Су).

Демак, аудитор улгуржи савдо корхоналарида товарларнинг сотиш баҳосини тўғри аниқланганлигини қуйидаги математик формула асосида аниқлайди:

$$Сб = Т + Су$$

Аудитор улгуржи савдо корхоналарида товарларнинг сотиш баҳоларини белгилашда қуйидаги тартибларга амал қилинганлигини ўрганиши керак:

1. Савдо устамаларининг чегаралари давлат томонидан белгиланмаган товарлар бўйича сотиш баҳолари келишув шартномаларига мувофиқ

белгиланади. Бундай товарлар бўйича уларнинг сотиш баҳолари томонлар ўртасида тузилган шартномаларда катъий суммада ёки база деб олинган сотиб олиш қиймати устига келишилган савдо устамалари фоизини кўрсатиш йўли билан белгиланганлигини;

2.Савдо устамалари меъёрларининг чегаралари давлат томонидан белгиланган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарларининг алоҳида турлари бўйича сотиш баҳолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 –октябрдаги “Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари билан савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги 433- сон қарори ва ушбу қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси ва Давлат Солиқ Қўмитасининг қўшма қарори билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2001 йил 13 ноябрда 1083- сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарларининг алоҳида турларига савдо ташкилотлари томонидан чекланган савдо устамаларини қўллаш тартиби тўғрисида Низом» га асосан база деб олинган сотиб олиш қийматидан улгуржи ва чакана савдо иштирокчиларининг сонидан катъий назар 25 фоиздан кўп бўлмаган миқдорни эътиборга олган келишув шартномаларига мувофиқ белгиланганлигини.

3.Савдо устамалари меъёрларининг чегаралари давлат томонидан белгиланган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари бўйича сотиш баҳолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги “Дори – дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида” ги 1- сон қарори, 2000 йил йил 5 августдаги “Ички бозорни дори –дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 307- сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2000 йил 29 сентябрда 974- сон рақам билан рўйхатга олинган “Дори –дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотишда савдо устамаларини қўллаш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ уларнинг келтириш манбаларига кўра база деб олинган сотиб олиш қийматидан улгуржи ва чакана савдо иштирокчиларининг сонидан катъий назар келишув шартномаларида қуйидагича белгиланганлигини.

Улгуржи савдо корхоналари товарларни ўзларининг дистрибуторларига (чакана савдо корхоналари, яқка тартибдаги тадбиркорларга), шунингдек бошқа

товарларни ўз хўжалик мақсадларида фойдаланувчи ташкилот ва муассасаларга тузилган шартномалар асосида келишув баҳоларида йирик ва майда партиялар билан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар асосида сотадилар. Ушбу ҳолатда аудитор харидорлар билан тузилган шартномаларни ўрганиш билан бирга, шартномалар асосида сотилган товарлар учун расмийлаштирилган ҳар бир счёт-фактура реквизитлари тўлиқ тўлдирилганлиги, маъусул шахсларнинг имзоларининг мавжудлиги аникланади ва ҳар бир счёт-фактура арифметик текширилади.

Товарларни воситачилик ёки консигнация йўли билан комисионер ёки консигнаторга сотишга беришда ҳам счёт-фактура билан расмийлаштирилади. Бу ҳолда ҳам аудитор счёт-фактураларнинг Солиқ кодеси талаблари асосида тўғри расмийлаштирилганлигини, уларда кўрсатилган суммаларнинг тўғрилигини ҳамда предмет қисмида «Воситачиликга бериш» ёки «Консигнацияга бериш» деган ёзувлар мавжудлигини текширади.

Улгуржи савдо корхоналари ўзларининг товарларини бошқа корхона ва ташкилотларга дивидент сифатида таъсисчиларга берилиши, товарларни таъсис бадали сифатида киритилишлари, бепул беришлари, хўжалик мақсадларида ишлатилганлиги ва бошқа сабабларга кўра ҳисобдан чиқаришлари ҳам мумкин.

Товарларнинг дивидент сифатида таъсисчиларга берилиши, товарларни таъсис бадали сифатида киритилишлари натижасида ҳисобдан чиқарилишини аудитдан ўтказиш жараёнида аудитор таъсис ҳужжатларини, таъсис бадали сифатида киритиш бўйича корхона бошқаруви (рахбари, мулк эгаси) қарорининг мавжудлигини, дивидент сифатида берилган, таъсис бадали сифатида киритилган товар(лар) учун ёзилган счёт фактураларнинг расмийлаштирилиши амлда бўлган меъёрий ҳужжатларга мослигини текширишдан ўтказиши керак.

Товарлар қайтариб бермаслик шарти билан бепул берилиши аудитини ўтказиш жараёнида аудитор товарларни хария сифатида бепул берилиши учу асос бўлувчи савдо фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти қарори, тамонлар ўртасида тузилган шартноманинг мавжудлиги ҳамда берилган товарлар учун тузилган счёт фактураларнинг расмийлаштирилиши текширилади.

Товарларнинг бузилиши натижасида ҳисобдан чиқарилишида аудитор тамонидан товарларни бўзилиши натижасида ҳисобдан чиқариш тўғрисида далолатноманинг тўғри тузилганлиги, яъни, далолатнома санаси, товарнинг номи, бузилиш сабаблари, комиссия ҳулосаси, ва комиссия аъзоларининг

имзолари мавжудлиги ҳамда корхона рахбари томонидан тасдиқланганлигини текшириши лозим.

7.4. Улгуржи савдо корхоналарида товар-моддий бойликлар инвентаризацияси ва уни натижаларининг ҳисоби

19-сон БХМС¹⁵ га мувофиқ улгуржи савдо корхоналарида товар ва таралар қўйидаги ҳолларда инвентаризация қилиниши лозим:

- қайта баҳоланганда;
- моддий жавобгар шахслар алмашганда;
- ўғрилиқ, ўзлаштириш ва бузилишлар аниқланганда;
- табиий офатлар, ёнғин ва бошқа фавкулотдаги ҳолатларда;
- ҳўжалиқ юритувчи субъектни тугатилиши, бошқа корхоналар таркибига

қўшилиши ва қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

Товар ва таралар инвентаризациясининг ҳисобот йилида ўтказилиши лозим бўлган мажбурий сони, уларни ўтказиш саналари, донмий ҳаракатдаги инвентаризация комиссияси ва бир маротабалик ишчи инвентаризация комиссияларининг таркиби улгуржи савдо корхонаси раҳбарининг буйруғи, фармойиши ёки қарори билан белгиланади. Корхона бухгалтериясида «Инвентаризацияни ўтказиш тўғрисида буйруқларни бажарилишини назорат қилиш китоби» юритилади.

Товар ва таралар инвентаризациясини ўтказиш савдо корхонаси раҳбари буйруғига асосан моддий жавобгар шахслардан инвентаризацияни бошлаш санасига ҳисобот тузиб бериш, шунингдек ушбу ҳисоботга барча кирим ва чиқим ҳужжатларини киритилганлиги, инвентаризацияни бошлашга тўсиқлик қиладиган ҳеч қандай объектив сабабларни йўқлиги тўғрисида тилхат олишдан бошланади. Инвентаризация комиссияси раиси охириги ҳисоботга илова қилинган барча кирим ва чиқим ҳужжатларига «Инвентаризациягача ҳисоботга киритилган» ёзуви ва санани қўяди ҳамда уларни имзолайди. Охириги ҳисобот асосида корхона бухгалтерияси инвентаризация бошланиш санасига товар ва таралар бўйича ҳисоб маълумотларини аниқлаб беради.

Омборлардаги товар ва тараларни инвентаризация қилишдан олдин инвентаризация комиссияси қўйидаги ишларни амалга оширади:

¹⁵ БХМС № 19 «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш». Ўз.Р.Адлия Вазирлиги томонидан 1999 йил 2 ноябрда рўйхатга олинган, № 833

- товарлар ва таралар жойлашган бинолардаги қўшимча кириш ва чиқиш эшикларини пломбалайди;

- барча тортиш ва ўлчаш асбобларининг созлигини текширади;

- товар ва тараларни санаш, ўлчаш осон бўлиш учун уларни номи, нави, размери ва бошқа белгилари бўйича алоҳида гуруҳларга ва жойларга ажратади;

- таъминотчиларнинг тара ва бошқа ўров материалларида келтирилган ва очилмаган (бузилмаган) ҳолда турган товарлар алоҳида жойларга тахланади.

- ўзга юридик шахсларнинг маъсул сақлашда бўлган товар-моддий бойликларнинг рўйхати олинади ва улар текшириш учун алоҳида жойга тахланади;

Бир нечта омборларда сақланаётган товар-моддий бойликлар маълум кетма-кетликда инвентаризация қилинади. Бир хонадан иккинчисига ўтилганда текширишдан ўтказилган хона қулфланиши ва инвентаризация тугагунча пломбаланиши лозим.

Товар ва тараларнинг инвентаризацияси ўлчаш, тортиш, санаш орқали амалга оширилади. Аниқланган натижалар белгиланган шаклдаги «Инвентаризация рўйхати»ги комиссия аъзоларидан бири томонидан ёзиб борилади. Товарларни ўлчаш, тортиш, санаш фақат омбор мудирини ёки моддий жавобгар шахслар бригадаси аъзоси иштирокида амалга оширилиши лозим. Инвентаризация рўйхатида ҳар бир товар бўйича унинг номенклатура рақами, ғиштиқули, нави, баҳоси, сони кўрсатилади, рўйхатнинг ҳар бир бетининг охирида унга ёзилган товар-моддий бойликлар тартиб рақамининг бош ва охириги сони кўрсатилади, шунингдек комиссия аъзолари ўз имзоларини қўядилар.

Инвентаризация ўтказилаётган вақтда келиб тушган товар-моддий бойликлар моддий жавобгар шахс томонидан инвентаризация комиссияси иштирокида қабул қилинади ва улар бўйича алоҳида «Инвентаризация ўтказиш вақтида келиб тушган товар-моддий бойликлар» номли инвентаризация рўйхати тузилади .

Инвентаризация ўтказиш вақтида раҳбарнинг ёзма рухсати билан омбордан чиқарилган товарлар бўйича комиссия томонидан алоҳида «Инвентаризация ўтказиш вақтида омбордан чиқарилган товар-моддий бойликлар» номли инвентаризация рўйхати тузилади.

Омборларда маъсул сақланаётган ўзга юридик шахсларнинг товар-моддий бойликлари бўйича алоҳида «Маъсул сақлашдаги товар-моддий бойликлар» номли инвентаризация рўйхати тузилади. Моддий жавобгар шахсларнинг бўйнида бўлган, лекинда бошқа жойларга маъсул сақлашга берилган товарлар бўйича ҳам алоҳида рўйхат тузилади. Ушбу рўйхатга маълумотлар чиқим хужжати асосида киритилади. Комиссия товарлар маъсул сақланаётган жойдаги корхонадан ушбу товарлар бўйича алоҳида инвентаризация рўйхатини талаб қилиб олади ва ундаги маълумотларни ўзлари тузган инвентаризация рўйхати маълумотлари билан таққослайди.

Инвентаризация варакалари икки нусхада тузилади, моддий жавобгар шахслар алмашилаётганда ёки ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари, аудиторлик ташкилотлари иштирокидаги ҳолларда эса уч нусхада тузилади.

Инвентаризация комиссияси томонидан тўлиқ расмийлаштирилган ва бухгалтерияга тақдим этилган инвентаризация рўйхати маълумотлари бухгалтерияда ҳисоб маълумотлари билан таққосланади ва инвентаризация натижалари аниқланади. Бунинг учун махсус «Таққослама қайднома» тузилади, унга ҳар бир четланиш аниқланган товар ва тара бўйича қуйидаги маълумотлар ёзилади: товарнинг номи, нави, артикули, ўлчов бирлиги, баҳоси, ҳақиқий сони ва суммаси, ҳисобдаги сони ва суммаси, қамомат ёки ортиқчанинг сони ва суммаси. Ушбу қайднома комиссия раиси, бош ҳисобчи, омбор мудирини томонидан имзоланади ва корхона раҳбарига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Ўтказилган инвентаризация натижалари бўйича товар ва тараларнинг омбор ҳисоби регистрларига (карточкалар, китоб, қайдномалар) тузатиш ёзувлари қилиниши, шунингдек улар моддий жавобгар шахсларнинг инвентаризациядан кейин тузилган биринчи товар ҳисоботларида мос равишда қирим ва чиқим қисмларда алоҳида қаторда акс эттирилиши лозим.

УШ-БОБ. Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида аудитнинг хусусиятлари

8.1. Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида товарлар аудитининг мақсади, вазифлари, аудит ўтказиш кетма-кетлиги ва аудит ўтказиш манбалари.

Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг асосий функцияси бўлиб турли ишлаб чиқариш корхоналари томонидан яратилган ва турли воситачилар орқали етказиб берилган товарларни охириги истеъмолчиларга етказиш, уларнинг истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш ҳисобланади. Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг савдо айланмаси давлат хазнасини реал пул маблағлари билан тўлдиришнинг, пул муомаласини тартибга солишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Қанчалик товарлар нақд пулга кўп сотилса, шунчалик банкларга кириш бўладиган пул маблағлари кўп бўлади. Бу ўз навбатида банклардан нақд пулларни олиш, иш ҳақи, нафақа ва бошқа тўловларни ўз вақтида амалга оширишга имкон яратади. Шунинг учун ҳам чакана товар айланмаси ҳалқ хўжалигини ривожланишининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг улгуржи савдодан турли жihatларидан фарқ қилади, уларнинг асосийларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Биринчидан, улгуржи савдодан ўлароқ чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари товарларни майда туркумларда (доналаб, метрлаб, килолаб) сотишни билдиради;

Иккинчидан, ўлароқ чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари товарларни асосан нақд пулга сотишни ифодалайди. Бу ўз навбатида чакана савдо корхоналари олдиға нафақат товарлар бўйича, балким пул маблағлари бўйича ҳам маъсулиятни юклайди;

Учинчидан, чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари савдо шаҳобчаларининг катта-кичиклигига қараб, товарларни асосан кичик партияларда сакланиши, сотилишиға мос равишда моддий жавобгарликни яққа тартибдаги шаклини ташқил этишни тақазо этади.

Тўртинчидан, чакана савдо маълум қонун-қоидаларға, тартибларға асосан олиб бориладиган махсус фаолият ҳисобланади. Ушбу тартиб-қоидалар Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407- сон қарори билан

тасдиқланган «Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом»да келтирилган. Низомда белгиланган тартибга кўра чакана савдо билан юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар, улар фақат давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларида чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномасини олган тақдирда шуғулланишлари мумкин.

Товарларнинг сотиб олиниши, уларнинг ҳужжатлаштирилиши ҳамда баҳоланиши савдо фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг муҳм босқичи ҳисобланади. Чунки,

Биринчидан, товарлар киримининг тўғри расмийлаштирилиши хўжалик юритувчи субъектларни маъмурий жарималардан асрайди.

Иккинчидан, товарларнинг тўғри баҳоланиши, уларни сотишдан олинган даромаднинг тўғри аниқланишида асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Булар ўз навбатида чакана савдо қорхоналарида аудитни ташкил этиш ва ўтказишнинг хусусиятларини белгилайди.

Чакана савдо ва умумий овқатланиш қорхоналари молиявий-хўжалик фаолиятининг муҳм босқичи ҳисобланган товар операциялари аудитининг мақсади чакана савдо қорхоналарида товарларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган молиявий-хўжалик операцияларининг Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилганлигини ҳамда молиявий ҳисобот шаклларидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш мақсадида исботу-даллиллар тўплаш ва ҳолисона хулоса бериш. Ушбу мақсад аудитор олдида куйидаги вазифаларни белгилайди:

- кирим қилинган товарларнинг дастлабки ҳужжатларда тўғри расмийлаштирилганлиги текшириш;

- кирим қилинган товарлар бўйича омбор ҳисобининг мавжудлиги ва унинг тўғри юритилишини текшириш;

- кирим қилинган товарларнинг баҳоланиши тўғри амалга оширилганлигини текшириш;

- кирим қилинган товарларнинг мавжудлигини таъминлаш мақсадида ўтказилган инвентаризацияларнинг ҳамда улар натижаларининг тўғри расмийлаштирилганлиги текшириш;

- кирим килинган товарларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлигини текшириш;

- харидорлар билан товарларни сотиб олиш ва сотиш шартномасининг мавжудлигини ўрганиш;

- товарларининг сотилишининг тўғри расмийлаштирилишини текшириш;

- товарларининг турли сабабларга кўра ҳисобдан чиқарилишининг тўғри расмийлаштирилишини текшириш;

- товарларининг сотилиши ва бошқа чиқимининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилганлигини текшириш;

- товарларининг сотилиши ва бошқа сабабларга кўра ҳисобдан чиқарилиши натижасида молиявий натижанинг тўғри аниқланганлигини текшириш.

Аудитор товарлар ҳаракати аудитини ўтказишда қуйидаги меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширади:

- Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонуни. 2016 йил 13 апрелда қабул қилинган.

- Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси

- БХМС № 1 «Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот». Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августда рўйхатга олинган, № 474

- БХМС № 2 “Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар”. Ўзбекистон Республикаси. Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 28 августда рўйхатга олинган, № 483

- БХМС № 4 “Товар-моддий захиралар”. Ўзбекистон Республикаси. Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 28 августда рўйхатга олинган, № 486.

- БХМС №19 “Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш”. Ўз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 1999 йил 2 ноябрда рўйхатга олинган, № 833.

- БХМС №21 “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома”. Ўз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 2000 йил 1 июнда рўйхатга олинган, № 930.

- Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакиллантириш тўғрисида Низом. Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган (кейинги ўзгаришлар билан)

Товарлар(иш, хизмат)лар кирими аудит ўтказишда аудитор қўйдаги ахборот манбаларидан фойдаланилади:

- молиявий ҳисобот шакллари,
 - ҳисоб сиёсатининг товарларни ҳисобга олишга таалукли қисми,
 - счет- фактуралар ва кириш юк хатлари (накладнойлар),
 - таъминотчилар билан тузилган шартномалар,
 - товар-транспорт накладнойлари,
 - банк ҳужжатлари,
 - солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар
- бошланғич ҳисоб ҳужжатлари

8.2.Чакана савдо корхоналарида товарлар киримининг аудити

Чакана савдо корхоналарининг асосий функцияси бўлиб турли ишлаб чиқариш корхоналари томонидан яратилган ва турли воситачилар орқали етказиб берилган товарларни охириги истеъмолчиларга етказиш, уларнинг истеъмол товарларига бўлган талабини кондириш ҳисобланади.

Чакана савдо корхоналарда товарлар ҳаракатининг аудитини кириш қилинган товарларнинг сотиб олиш қийматининг тўғри аниқланганлигини ҳамда кириш қилинган товарларнинг бошланғич ҳисоб ҳужжатларида тўғри расмийлаштирилганлигини ўрганишдан бошлайди.

Чакана савдо корхоналарда товарлар киримининг ҳужжатлаштирилиши бевосита қўйдаги омилларга боғлиқ:

Биринчидан, товарларнинг кириш манбасига; Чакана савдо корхоналарига товарлар бевосита ишлаб чиқариш корхоналаридан, улгуржи савдо корхоналаридан, тайёрлов-улгуржи савдо корхоналаридан, хусусий тадбиркорлардан ва бошқа манбалардан келиб тушади).

Иккинчидан, товарларни уларнинг қабул қилиб олиш жойига, қим томонидан келтирилганлигига, қандай кўринишда келтирилганлигига, транспорт турига ва бошқа шу қабл омилларга.

Аудитор товарларнинг кириш қилинишининг аудитини ўтказишда даставвал товарларларнинг ҳисоб счётлари қолдиғи, бош китоб, молиявий ҳисобот маълумотлари бири-бири билан таққосланади.

Сўнгра корхонага товарларларнинг кириш манбаларини аниқлайди. Товарларлар корхона омборига:

- товарларни таъминотчилардан сотиб олиш натижасида (олди-сотди шартномаси бўйича);

- таъсисчиларнинг таъсис бадали сифатида устав капиталига киритиши натижасида;

- бошқа юридик ва жисмоний шахслардан қайтариб бермаслик шarti билан текинга келиб тушиши натижасида;

- инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча асосий воситаларни кирим қилиш натижасида кирим қилиниши мумкин.

Шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда аудитор кирим қилинган товарларларнинг тўғри хужжатлаштирилганлиги ва баҳоланганлигини аниқлаши лозим.

Товарларни таъминотчилардан сотиб олинганда. Товарлар чакана савдо корхоналарига марказлаштирилган ҳолда улгуржи савдо корхоналари томонидан етказиб берилганда товарлар омбор мудирини ёки савдо дўкон мудирини томонидан сон ва сифат жиҳатдан қабул қилинади. Бу ҳолатда аудитор товарларни қабул қилинганлигини олинганлигини тасдиқловчи хужжатлар (счёт-фактуралар, уларни кузатувчи транспорт хужжатлари (ТТН, темир йўл накладнойлари, юк квитанцияси, инвойс, тортиш- таҳлил далолатномалари, товар ёрликлари ва бошқалар), сифат сертификатлари ва бошқа шу каби хужжатлар) бўлиқ аудиторлик таҳлилидан ўтказилади. Аудитор, товарларни кузатиш хужжатларининг (счёт-фактура, ТТН) белгиланган тартибда расмийлаштирилганлиги ва ушбу хужжатларда ушбу хўжалик операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг имзоларининг мавжудлигини ўрганади.

Агарда, қабул қилиш вақтида сон ва сифат жиҳатдан четланишлар аниқланса аудитор аниқланган четланишлар учун учун тузилган “Қабул қилишда сон ва сифат жиҳатдан аниқланган четланишлар тўғрисида далолатнома” нинг расмийлаштирилиш ҳолатини ўрганади.

Чет эл валютасида сотиб олинган товарларнинг қийматини аниқлашда аудитор юк божхона декларацияси бўлдирилган санага эътибор қаратиши керак. Чунки чет эл валютасида сотиб олинган товарларнинг қиймати юк божхона декларацияси бўлдирилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан эълон қилинган курс бўйича чет эл валютасидаги суммани сўмга қайта ҳисоблаш йўли орқали аниқланади.

Таъсисчилардан таъсис бадали сифатида товарларлар қабул қилинганда. Таъсисчилардан қирим қилинган товарларлар қелишув нарҳида қирим қилинади. Аудитор томонидан ушбу жараёни аудитдан ўтказишда таъсис ҳужжатлари, таъсисчиларнинг қелишув шатномаси, счёт-фактуралар тўлиқ текширилади. Счет-фактура реквизитлари ва маъсул шахслар имзоларининг мавжудлиги ўрганилади.

Бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлардан қайтариб бермаслик шрти (бепул) билан олинган товарларлар эксперт йўли билан аниқланган қийматда ҳисобланади. Бунда аудитор нарҳнинг реаллигини бозордан ёки шу қабн товарларлар ишлаб чиқувчи қорҳоналардан олинган маълумотномни ўрганиш ёки эксперт ҳулосаси билан танишиши орқали аниқлайди.

Инвентаризация натижасида қирим қилинган товарларларни текширишда инвентаризация далолатномаси тўлиқ таҳлилдан ўтказилади

Аудитор товарларлар қиримини аудитдан ўтказар экан бевосита қирим қилинган товарларларнинг омбор ҳисобининг ташқил қилишини ҳам текшириши қерак. Турли манбалардан қирим қилинган товарларлар учун омбор ҳисобини юритиш учун маҳсус қарточкалар очилганлигини ва бу қарточкаларга товарларлар ҳаракати ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилиши ҳамда омбор қарточкаларида маъсул шахслар яъни омбор мудирн ва бухгалтер имзоларининг мавжудлиги текширилади.

Товарларни қабул қилиш ва олиб қелиш учун қакана савдо қорҳоналари ўзларининг вақилларини сафарбар этадилар ва уларнинг номларига ишонқномалар берадилар. Аудитор ишонқномаларнинг сўндирилиш ҳаолатини ўрганиши лозим. Аудитор ишонқнома берилган вақил бойлиқларни олганидан сўнг қорҳона бухгалтериясига топширик бажарилганлиги тўғрисидаги ва олинган товар-моддий бойлиқларни омборҳонага ёки тегишли моддий жавобгар шахсга топширганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этганлигини ёки ишлатилмаган ишонқномалар амал қилиш муддати тугаган қундан кейинги қун уни берган қорҳонага қайтарилганлигини ўрганади.

Аудитор қакана савдо қорҳоналарида товарлар қиримининг ҳужжатлаштирилиши билан бирга уларнинг қирим баҳосининг тўғри қўлланилганлигини текширади.

Аудитор, қакана савдо қорҳонасининг марказий омборига қелтирилган товарларга савдо бўлими ҳодимлари томонидан белгиланган савдо устамаларининг тўғри белгиланганлигини ўрганади.

Аудитор товарларлар киримининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилишини текшириш учун БХМС № 21 асосан товарларларни ҳисобга олиб бориш учун мўлжалланган 2810 «Омбордаги товарларлар» счёти бўйича амалга оширилган счётлар коореспонденцияси тўлиқ таҳлилдан ўтказилади. Товарларларни ҳисобга олиб бориш учун мўлжалланган бу счёт актив бўлиб, дебитида товарларларининг ишлаб чиқаришдан ёки бошқа манбалардан амалга оширилган кирими, кредитида эса товарларларининг сотилиши ва турли чиқими акс эттирилади. Аудитор томонидан товарларлар киримининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилишини аниклаш учун текширилиши лозим бўлган счётлар коореспонденциясидан мисоллар қуйидаги жадвалда келтирилган.

**Товарларлар киримининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс
эттирилишидан мисоллар**

№	Ҳўжалик операциянинг мазмуни	Дебет счёт	Кредит счёт	Асос бўлувчи хужжат
1	Сотиб олинган товарларларнинг таннарих бўйича қийматига;	2900	6010	Шартнома Счет-фактура
2	Таъсисчилардан таъсис бадали сифатида олинган товарларларнинг қийматига	2900	4610	Низом, Шартнома Счет-фактура
3	Бошқа шахслардан қайтарилмайдиган бепул олинган товарларларнинг қийматига	2900	9380	Шартнома Счет-фактура, далолатнома
4	инвентаризацияда аниқланган ортиқчалар суммасига ва бошқалар.	2900	9390	Инвентаризация далолатномаси

**8.3.Чакана савдо корхоналарида товарларнинг сотилиши ва турли
чиқимининг аудити**

Товарларнинг бевосита савдо дўконлари орқали сотиш баҳоларининг тўғрилигини текширишда ушбу баҳоларни белгиловчи корхона раҳбарнинг фармойиши мавжудлиги ўрганилади.

Чакана савдо корхоналарига кирим қилинган товарлар нақд пулга, кредитга, майда улгуржи тарзда сотилиши мумкин, шунингдек турли сабабларга кўра ҳисобдан чиқарилиши мумкин. Аудиторнинг муҳим вазифаларидан бири сотилган ва турли сабабларга кўра ҳисобдан чиқарилган

товарларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини ҳамда бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини текшириши керак.

Товарларнинг кредитга сотилишини ҳужжатлаштирилишини текшириш. Кредитга сотилган товарларнинг тўғри ҳужжатлаштирилганлигини аудитор қуйидаги ҳужжатларни ўрганиш орқали аниқлайди:

харидор чакана савдо корхонаси раҳбари номига ёзган аризасининг мавжудлигини;

иш жойи ва охириги уч ойдаги иш ҳақи тўғрисида маълумотнома тақдим этилганлигини;

маълум бир мулкнинг кредитга олувчи томонидан гаровга қўйилганлигини;

кредитга сотилаётган товарнинг энг камида 60% сотиш қийматини кассага кирим қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг (чек ёки квитанция) мавжудлигини;

улгуржи савдо корхонаси ва харидор ўртасида белгиланган шаклдаги «Топширикнома- мажбурият» тузилганлигини.

Товарларни майда улгуржи тарзда сотишни ҳужжатлаштирилишини текшириш. Аудитор улгуржи савдо корхоналарида товарларни майда улгуржи тарзда сотишлиши Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407- сон қарори билан тасдиқланган «Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом» (киритилган ўзгартиришлар билан) талаблари асосида амалга оширилганлигини ўрганиши лозим. Аудитор улгуржи савдо корхоналарида товарларни майда улгуржи тарзда сотишлиши жараёнида қуйидагиларга эътибор қаратиши керак:

Чакана савдо корхонаси томонидан товарларни нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича сотиш ҳажми ўтган ой мабойнидаги ойлик товар айланмаси умумий ҳажмининг 10 фоизи ортиқ амалга оширилмаганлигига;

Чакана савдо корхонаси томонидан товарларнинг нақд пулсиз сотилишининг ҳажмини ҳисоблаб чиқиш ҳар бир ой бўйича алоҳида амалга оширилганлигига;

Товарларни олдинги ойлар ҳисобига сотилишига йўл қўйилмаганлигига;

Чакана савдо корхоналари томонидан товарлар майда улгуржи тарзда товар айланмаси умумий ҳажмининг 10 фоизидан фақат ижтимоий соҳа ташкилотлари ва муассасалари давлат бюджети муассасаларига тузилган шартномалар асосида сотилганлигига.

Чакана савдо корхоналари томонидан товарлар майда улгуржи тарзда сотишда расмийлаштириши счёт-фактура орқали амалга оширилади. Аудитор ҳар бир счёт-фактурани Солиқ кодекси талаблари асосида расмишлантирилганлигини ўрганади ҳамда счёт-фактурада кўрсатилган суммагининг тўғрилигини математик усуллари қўллаш орқали текширади.

Товарларнинг бепул берилишини ва таъсис бадали сифатида киритилишнинг ҳужжатлаштирилишини текшириш. Чакана савдо корхоналари ўз товарларини хайрия сифатида ёки қайтарилмайдиган молиявий ёрдам сифатида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга беришлари ҳамда янги таъсис этилган корхоналарга таъсис бадали сифатида ҳам киритиш мумкин. Бундай операциялар мавжуд бўлган ҳолда аудитор ушбу операцияларни амалга ошириш фармони берувчи корхона раҳбарининг буйруғининг мавжудлиги билан танишади. Ушбу операциянинг ҳақиқатда амалга оширилганлигига асос бўлувчи ҳужжатлар, яъни, томонлар ўртасида тузилган шартномалар, счёт-фактуралар ва бошқа ҳужжатлар тўлиқ аудиторлик таҳлилидан ўтказилади.

Товарларнинг ўз мақсадларида ишлатилишини ҳужжатлаштиришини текшириш. Чакана савдо корхоналари ўзларининг товарларини турли хўжалик мақсадларида ишлатишлари ҳам мумкин. Масалан, савдо дўкондаги товарлар корхона идорасига хўжалик инвентари сифатида берилиши мумкин. Бундай операцияларга амалга оширилганда аудитор ушбу хўжалик операциясини ҳақиқатда амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни яъни, чакана савдо корхонаси раҳбариятининг қарори ва ўз мақсадларида ишлатилганлиги тўғрисидаги далолатномаларни ва бошқа ҳужжатларни тўлиқ аудиторлик таҳлилидан ўтказиши.

Товарларнинг сотилиши ва бошқа чиқими аудити ўтказиш жараёнида аудитор нафақат уларнинг ҳажмини балким сотилган ва турли сабабларга кўра ҳисобдан чиқарилган товарларга тўғри келадиган таннарининг ҳам тўғри аниқланганлигини ҳам текшириши керак. Бунинг учун аудитор хўжалик юритувчи субъект бухгалтерияси томонидан тузилган махсус ҳисоб-китоб яъни сотилган товарларга тўғри келадиган савдо устамаси ва сотилган оварлар таннарини аниқлаш ҳисоб-китобини текширади.

Аудитор томонидан товарларнинг сотилиши ва бошқа чиқимининг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс этирилиши текшириш учун 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромад», 9120 «Сотилган товарлар таннари»,

2900 «Товарларни ҳисобга олувчи счётлар» дебет ва кредит оборотлари тўлиқ таҳлилдан ўтказилиши лозим.

Аудитор томонидан товарларнинг сотилиши ва бошқа чиқимнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттирилиши текшириш учун тўлиқ таҳлилдан ўтказилиши лозим бўлган счётлар коореспонденциясидан мисоллар қуйида келтирилган:

№	Ҳўжалик операциянинг мазмуни	Дебет счёт	Кредит счёт	Асос бўлувчи ҳужжат
1	Товарларнинг сотилиши	4010, 5010	9020	Счёт-фактура, ККО
2	Сотилган товарларнинг таннари ҳисобдан чиқарилди	9120	2910- 2920	Расчёт
3	Сотилган товарларга тўғри келадиган савдо устамаси ҳисобдан чиқарилди	2980	9120	Расчёт
4	Сотилган товарларга тўғри келадиган транспорт харажати ҳисобдан чиқарилди	9120	1510	Расчёт
5	Ўскиришда яроқсиз ҳолга келган прокат буюмлари ҳисобдан чиқарилди	9430	2940	Ҳисобдан чиқариш далолатномаси
6	Товарлар қайта ишлашга берилди	2010	2910 - 2990	Кирим ва чиқим накладнойлари, талаб нома, далолатнома
7	Товар ва идишлар арзонлаштирилди	3190	2910- 2990	Арзонлаштириш далолатномаси, таққослама қайднома
8	Инвентаризацияда аниқланган камомад (айбдор шахс аниқланмаганда)	5910	2910- 2990	Таққослама, қайд нома, текширув ва суд органларининг қарори
9	Инвентаризация натижасида аниқланган камомад моддий жавобгар шахсдан ўндирилди	4730	2910- 2990	Инвентаризация далолатномаси, таққослама, қайднома
10	Ўз эҳтиёжлари учун мўлжалланган товарлар материаллар таркибига ўтказилди	1010	2910	Кирим ва чиқим накладной, талабнома

8.4. Умумий овқатланиш корхоналарида товар операциялари аудитини ташкил қилиш хусусиятлари

Умумий овқатланиш корхоналарини ташкил этиш ва умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш ва улар томонидан савдо фаолиятини амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 16 ноябрдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган «Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом», шунингдек 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарор билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш қондалари» билан тартибга солинган.

Умумий овқатланиш корхоналарида товарлар ҳаракати аудитининг хусусиятлари ушбу ҳўжалик юритувчи субъектларда товарлар ҳаракати билан боғлиқ операцияларининг ҳужжатлаштирилиши белгилайди. Умумий овқатланиш корхоналарида товарлар ҳаракатининг ҳужжатлаштирилиши ва моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботларини тузиш ушбу корхоналарнинг ички тузилмаларига, улар бўйича белгиланган моддий жавобгарликка ва бошқа омилларга боғлиқ. Махсус омборлар, музлаткич хоналари, ошхоналари, савдо заллари ва буфетлари бўлган йирик умумий овқатланиш корхоналарида товар операцияларини ҳужжатлаштириш ва моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботларини тузиш ушбу бўлинмалар бўйича алоҳида-алоҳида амалга оширилади. Кичик умумий овқатланиш корхоналарида товар операциялари корхона бўйича умумий ҳолда амалга оширилади, жумладан барча ички алмашув операциялари битта моддий жавобгар шахс томонидан турли ҳужжатларсиз олиб борилади, масалан товарларни омбордан ошхонага ёки буфетга берилиши ва шу каби бошқа операциялар.

Барча ҳўжалик юритувчи субъектлар каби умумий овқатланиш корхоналари омборларига ҳам товарлар турли манбалардан қирим бўлади. Аудитор таъминотчилардан товарлар сотиб олганда сўёт-фактураларни тўлиқ аудиторлик текширувидан ўтказди ҳамда қузатув ва сифат ҳужжатлари мавжудлигини ўрганади.

Умумий овқатланиш корхоналари омборларига товарлар ҳисобдор шахсларда маҳсулотларни бозордан сотиб олиш учун олдиндан бўнақ кассада

бериладин кирим қилинган тақдирда ҳисобдор шахс ҳисоботи ўрганилади. Олинган бўнақ ва сотиб олинган маҳсулотлар бўйича ҳисобдор шахс ҳисоботини ўрганиш жараёнида аудитор бўнақ ҳисоботида бозордан харид қилинган маҳсулотлар харид далолатномасининг мавжудлиги, унинг тўғри расмийлаштирилганлигини, бозор маъмуриятининг нархлар тўғрисидаги маълумотномалари илова қилинганлигини ўрганади.

Умумий овқатланиш корхоналари омборидан товарлар умумий овқатланиш шохобчаларига уларнинг раҳбарлари (мудири, бош ошпази) талабномасига кўра керакли миқдорда берилади. Умумий овқатланиш корхоналари омборидан товарлар умумий овқатланиш шохобчаларига берилган товарлар учун ички ҳужжат юк хати расмийлаштирилалди. Аудитор юк хатининг тўғри расмийлаштирилганлигини (корхона раҳбари, бош бухгалтери, олувчи ва товарни берувчининг имзоларининг мавжудлиги) ҳамда унда кўрсатилган сумманинг тўғрилигини математик усуллардан фойдаланган ҳолда текширади.

8.5.Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида товар-моддий бойликлар инвентаризациясининг хусусиятлари

Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридаги товар ва идишларнинг инвентаризациясини ташкил қилиш ва ўтказиш 19-сон БҲМС «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш» га асосан амалга оширилади. Ўзининг характери, расмийлаштирилиши, натижаларни аниқлаш тартибига кўра чакана савдо корхоналаридаги товар-моддий бойликларнинг инвентаризацияси улгуржи савдо корхоналаридаги тартибга асосан ўхшайди, лекин қуйидаги жиҳатлари билан уларни фарқлаш мумкин.

Биринчидан, чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида товар-моддий бойликлар инвентаризацияси савдо дўкон кассасидаги пул маблағларини санашдан бошланади. Нақд пул маблағларининг саноғи алоҳида далолатнома билан расмийлаштирилади.

Иккинчидан, пул маблағларидан кейин савдо дўкондаги товарлар санокдан ўтказилади, шундан сўнг ёрдамчи бинолардаги ва майдончалардаги товарлар қайта рўйхатга олинади.

Учинчидан, инвентаризация минимал муддатларда ўтказилади, чунки уни чўзилиб кетиши товар айланмасига салбий таъсир ўтказади.

Тўртинчидан, инвентаризация ўтказиш вақтида товарларни бевосита савдо дўкондан сотилишига йўл қўйилмайди.

Бешинчидан, товарларнинг қайта саноғи уларнинг алоҳида хусусиятлари, сақланаётган идишларининг турлари ва бошқа жиҳатлари эътиборга олиниб амалга оширилади, масалан бочкадаги пахта ёғи бочканинг ҳажми ва сигимига қараб аниқланади, бир хилдаги товарлар сотиш баҳоларига қараб гуруҳланади.

Олтинчидан, товарлар камомоди аниқланганда табиий камайиш ҳисоб-китоби, идиш вазнини ошиши далолатномалари тузилади.

Еттинчидан, инвентаризация натижасида моддий жавобгар шахс томонидан савдо пулларини тўғри ва ўз вақтида кассага топширилганлиги аниқланади.

Саккизинчидан, товарларни қайта баҳолашга доир инвентаризациялар сони чегераланмайди.

Чакана савдо корхоналарида товарларнинг қайта саноғи инвентаризация рўйхати, инвентаризация натижалари эса таққаслома қайднома билан расмийлаштирилади.

Чакана савдо корхоналарида товарларнинг инвентаризацияда аниқланган камомадлари, сақлаш ва сотиш жараёнида юз берган бузилишлари, синишлари, чиқиндилари, ёғоч идишларга сингиши натижасидаги йўқотишлари тузилган далолатномалар асосида ҳисобдан чиқарилади.

IV Бўлим. Транспорт ташкилотларида аудитнинг хусусиятлари

IX Боб Транспорт воситалари ҳолати ва ҳаракати ҳамда иш фаолияти асосий кўрсаткичларининг аудити

9.1. Автотранспорт корхоналарида аудитнинг аудит объекти сифатидаги хусусиятлари ва аудитнинг мақсад ва вазифалари

Автотранспорт корхоналарида бошқа корхоналар сингари аудитнинг объектлари бўлиб асосий ва асосий бўлмаган фаолият турлари, уларни ташкил қилувчи жараён ва операциялар, фаолият турларининг олиб борилишини таъминловчи активлар, активларни ташкил топиш манбалари, шунингдек эришилган молиявий натижалар ҳисобланади. Аудитнинг ушбу объектлари автотранспорт корхоналарида, бир томондан, ўзига хос хусусиятларга, иккинчи томондан эса, барча корхоналардаги каби умумий жиҳатларга эга.

Автотранспорт корхоналари асосий фаолиятини бевосита автотранспорт воситалари билан боғлиқлиги аудитдан энг авваламбор ушбу воситаларнинг мавжуд ҳолати ва ҳаракати, улар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар, олинган даромад ва қилинган харажатлар, автотранспорт хизматидан эришилган молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш, жамлаш каби функцияларни бажаришни тақозо этади. Бундан ташқари аудиторлар автотранспорт воситалари иш фаолиятини соний ва сифат жиҳатдан ифодаловчи кўрсаткичларни доимий назорат ва таҳлил қилиш, назорат ва таҳлил натижаларини тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида миқдорларга етказиб бериш каби функцияларни ҳам бажаришлари лозим.

Автотранспорт корхоналари томонидан бажариладиган иш (кўрсатиладиган хизмат)лар нақд ҳамда нақдсиз пулга амалга оширилади. Автотранспорт корхоналари томонидан нақд пулга кўрсатилган хизматлар аҳолига кўрсатилган пуллик хизматларнинг муҳим турларидан бири ҳисобланади. Ушбу пуллик хизматларнинг ҳажми автотранспорт корхоналарининг кассасига топширилган пул миқдори билан, шунингдек сотилган йўл чипталари, талонлар ҳамда ҳайдовчилар томонидан йўлда ёки сотиб олиш учун сарфланган йўл пули миқдоридан иборат бўлади. Нақдсиз пулга автотранспорт хизматлари тузилган шартномалар асосида кўрсатилади. Ушбу хизматлар ҳажми буюртмачиларга тақдим этилган ва улар томонидан

тўлов учун қабул қилинган счёт-фактуралар асосида аниқланади. Ушбу хусусиятлар автохўжаликларда бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар ҳажмини ҳисоб-китоб ва тўлов турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисобга олиш зарурати борлигидан дарак беради. Бу ҳолат ўз навбатида аудитнинг хусусиятини белгилайди.

Автотранспорт воситалари ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларни қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)га тортишда ҳам ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Жумладан, биргина автотранспорт ёрдамида йўловчи ташишда шаҳар ичи маршрутларидан тушган тушумлар ҚҚСга тортилмайди. Шаҳарлараро ва шаҳар ҳудудидан 10 километрдан ортиқ масофдаги манзилларга йўловчи ташишдан тушган тушумлар ҚҚСга тортилади. Юк ташишдан тушумлар уларнинг шаҳаричи ёки шаҳарлараро катновидан қатъий назар ҚҚС тўловчи автотранспорт корхоналарида ҚҚСга тортилади. Автотранспорт томонидан бажариладиган иш (кўрсатиладиган хизмат)ларни ҚҚСга тортишдаги ушбу хусусиятлар аудитнинг олдига автотранспорт корхоналарида ҚҚС аудитининг мураккабдигидан далолат беради.

Автотранспорт корхоналари фаолиятида транспорт воситаларининг муҳим аҳамиятга моликлиги ҳайдовчилар ҳамда бошқа техник ходимлар меҳнати ва улар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил қилишда ўзига хос ёндашишни талаб қилади. Чунончи, автотранспорт воситаларини эксплуатация қилиш ҳамда улар бутлигини ва ишга лойиқлигини таъминлаш зарурати, автотранспортнинг турлари, маркалари, уларнинг юк ташиш имкониятлари, бошқариш даражасининг мураккаблиги, махсус разрядларни талаб қилишлиги ёки қилмаслиги, ишлаш режимлари ва шу каби бошқа омиллар автохўжаликларда меҳнатни ташкил қилишнинг, мос равишда моддий жавобгарликнинг яқка ҳамда бригада шаклларида кенг фойдаланишни, шунингдек меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай ва вактбай турларини кенг қўллашни тақозо этади. Ушбу хусусиятлар автохўжаликларда меҳнат ва меҳнатга ҳақ тўлаш аудитини ташкил қилишда махсус ёндашишни зарурат қилиб қўяди.

Автотранспорт воситаларининг иш фаолияти уларни ҳаракатга келтирувчи ёнгил, ёғлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ва шу каби бошқа моддий бойликларнинг тегишли миқдорда мавжудлигига, уларнинг бутлиги, сифати ва бошқа жиҳатларига боғлиқ. Шу боис ҳам ушбу активлар ҳисобини тўғри ташкил қилиш ишяб автохўжаликлар фаолияти иқтисодий самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутди.

Юқоридаги хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда автотранспорт корхоналарида аудитнинг асосий вазифаларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- автотранспорт воситалари ҳолати ҳамда ҳаракатини тегншли ҳужжатлар билан расмийлаштириш, улар асосида транспорт воситаларининг аналитик ва синтетик ҳисобининг тўғри юритилишини текшириш;

- автотранспорт воситаларининг иш фаолиятини, бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан олинган даромадларни ҳисобот даврлари бўйича ҳисобга олиш, уларни тасдиқловчи ҳужжатларни ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш;

- автотранспорт воситаларини эксплуатация қилишга доир ҳаражатларнинг тизимли ҳисобини юритиш, ҳисоб маълумотлари асосида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларнинг ҳақиқий таннархининг тўғри аниқланганлигини текшириш;

- автотранспорт воситалари фаолиятини узликсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш заҳиралари (ёқилги, ёғлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ва бошқалар) ҳолати ҳамда ҳаракатига доир бошланғич ҳужжатлар, моддий ҳисоботлар, шунингдек ҳисоб регистрларини ўз вақтида ва тўғри тузилиганлигини текшириш;

- автотранспорт ёрдамида нақдсиз пулга бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар бўйича ҳисоб-китобларни барча буюртмачилар бўйича ўз вақтида ва тўғри олиб борилганлигини текшириш;

- кўрсатилган автотранспорт хизматларидан олинган нақд пул тушумларини корхона кассасига қирим қилинишини, нақд пул ҳисобидан ҳайдовчилар томонидан автомобил ёғилғиларининг харид қилинишини, пул маблағларининг банк муассассига топширишини тўғри ва ўз вақтида ҳужжатлаштирилганлигини текшириш;

- автотранспорт ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан эришилган молиявий натижалар кўрсаткичларини тўғри шакллантириш, уларни бухгалтерия счётлари ва ҳисобот шаклларида тўғри акс эттирилганлигини текшириш;

- меҳнат ҳақи, солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни тўғри ҳамда ўз вақтида амалга оширилиганлигини текшириш

9.2. Транспорт воситалари ҳолати ва ҳаракатининг аудити

Аудитор автотранспорт воситаларнинг ҳолатини ўрганишда ҳолати ва ҳаракатининг синтетик ҳисоби юритиш учун бош китобда очиладиган 0160 «Транспорт воситалари» счёти ҳамда АТВлар ҳолати ва ҳаракатининг аналитик ҳисобини юритиш учун уларнинг ҳар бирига очилган ҳисоб карточкалари ёки «Асосий воситалар ҳисоби китоби» маълумотларини ўрганади.

Ҳисоб карточкалари автотранспорт корхонасида ҳар бир АТВга давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг очилади. Аудитор ушбу карточкалар орқали АТВнинг барча техник маълумотлари (унинг сотиб олинishi (бепул олинishi)ни тасдиқловчи ҳужжатнинг тартиб рақами, санаси, шунингдек бошланғич қиймати, тикланган қиймати, жамланиб боровчи эскириш суммаси, қолдиқ қиймати) ҳисобот даврлари бўйича эга бўлади. Ҳисоб карточкаси АТВнинг корхонада фойдали хизмат муддатида тўлиқ сақланади. Корхона балансидан чиқарилган санага АТВга очилган ҳисоб карточкаси ёпилади.

Автотранспорт корхоналарида АТВлар асосан сотиб олиш, бепул олиш, таъсисчилар бадали сифатида киритиш эвазига қўпаяди.

Аудитор АТВларни сотиб олинishининг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини текшириш учун АТВ сотиб олиш билан боғлиқ амалга оширилган барча харажатларни (сотиб олиш, келтириш ва шу каби) тасдиқловчи бошланғич ҳужжатларни аудиторлик таҳлилидан ўтказиши.

Аудитор томонидан АТВ сотиб олиш билан боғлиқ хўжалик жараёнларини аудиторлик таҳлилидан ўтказиши лозим бўлган мисол қуйидаги жадвалда келтирилган (9.1-жадвал).

9.1-жадвал

АТВларнинг сотиб олинishини натижасида уларнинг баҳоланиши ва бухгалтерия ҳисоби счётларда акс эттирилиши

№	Операциянинг мазмуни	Сумма	Дебет счёт	Кредит счёт	Асос бўлувчи ҳужжат
1	АТВ нинг сотиб олиш баҳосидаги қийматига (ҚҚС билан бирга)	15000000	0820	6010	Счёт-фактура, инвойс, (БЮД)
2	АТВ бўйича божхона тўловлари суммасига	9000000	0820	6990	БЮД
3	Сотиб олишдаги воситачилик ҳақи суммасига	150000	0820	6990	Счёт-фактура
4	Сотиб олиш бўйича сафар харажатлари суммасига	750000	0820	6970	Бўнак ҳисоботи
5	Транспорт харажатлари	200000	0820	6990	Счёт -фактура

	суммасига				
6	Давлат автоназоратига тўловлар суммасига	15525	0820	6990	Счѐт-фактура
7	Йўл фондига сотиб олиш кийматидан 6 фоизлик тўлов суммасига	900000	0820	6520	Счѐт, тўлов топширик- номаси
8	АТВни бошланғич киймати бўйича киримиغا	28015525	0160	0820	Ҳисоб-китоб

АТВларни бошқа юридик ва жисмоний шахслардан бепул олинганда аудитор тузилган шартнома шартлари ва счѐт-фактураларни тўлиқ аудиторлик текширувиднн ўтказадит. Дастлаб ҳар бир счѐт фактура реквизитларининг тўлиқ расмишлаштирилганлиги, маъсул шахслар имзоларининг мавжудлиги аникланади. Сўнгра, счѐт фактура арифметик текширилади.

Автотранспорт корхоналарида, жумладан, масъулияти чекланган жамиятларда, хусусий корхоналарда АТВлар таъсисчилар томонидан уларнинг бадаллари эвази ҳисобидан ҳам шакллантирилиши мумкин. У ҳолда аудитор таъсис шартномасини, баҳолар келишуви баённомасини, счѐт-фактураларни тўлиқ ўрганади.

АТВларнинг бошланғич киймати, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, улар кийматини қайта баҳолаш, шунингдек автомобилларни модернизация қилиш эвазига кўпайиши мумкин. Автотранспорт корхоналари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари ҳар йилнинг 1 январь ҳолатига ўзларининг барча асосий воситалари, шу жумладан АТВларни қайта баҳолашлари лозим. Қайта баҳолаш белгиланган тартибга мувофиқ индекс ёки тўғридан-тўғри баҳолаш усулларида бири бўйича амалга оширилади.

Аудитор АТВ бошланғич киймати қайта баҳолаш, шунингдек автомобилларни модернизация қилиш эвазига кўпайишини текширишда корхона раҳбари томонидан тузилган махсус комиссия томонидан ёки шартнома асосида мулкни баҳолаш ҳукуки бўлган махсус корхона томонидан, атузилган «Қайта баҳолаш далолатномаси»ни ўрганади.

АТВлар бошланғич кийматини модернизация қилиш эвазига кўпайишда аудитор махсус комиссия томонидан тузилади ва раҳбар томонидан тасдиқланади «Модернизация қилиш далолатномаси»ни тўлиқ аудиторликтаҳлилидан ўтказди. Аудитор АТВлар модернизациясига кетган 0890 «Бошқа капитал қуйилмалар» счѐтининг дебитида тўпланган барча сарф харажатларни уларни тасдиқловчи ҳужжатлар орқали ўрганади.

Автотранспорт корхоналари ихтиёридаги АТВлар турли сабабларга кўра, жумладан тугатиш, сотиш, бепул бериш, таъсис бадали сифатида киритиш ҳолларида ҳисобдан чиқарилади. Шунингдек, АТВларнинг бошланғич қиймати уларни қайта баҳолаш эвазига ҳам камайтирилиши мумкин.

АТВлар фойдали хизмат муддатини ўтаганда, яроксиз ҳолга келганда тугатилади. Тугатиш ишлари махсус комиссия томонидан амалга оширилади. Автотранспорт воситаларнинг тугатилиши натижасида ҳисобдан чиқарилишини аудитдан ўтказиш жараёнида аудитор даставвал корхона раҳбари томонидан автотранспорт воситаларни тугатиш комиссиясининг тузилганлиги ва комиссияга тегишли мутахассисларнинг жалб этилганлиги аниқланади. Сўнгра автотранспорт воситаларни тугатиш комиссияси томонидан автотранспорт воситаларнинг тугатилиш сабаблари ўрганилганлиги ва бу тўғрида далолатноманинг мавжудлиги текширилади.

Аудитор томонидан автотранспорт воситаларнинг тугатилиш учун тузилган «Транспорт воситаларини тугатиш тўғрисида __сон далолатнома»нинг тўғри тузилганлиги, яъни, далолатнома санаси, автотранспорт воситасининг номи, коди, тури, фойдаланишга топширилган сана, бошланғич қиймати, жамланган эскириш суммаси, тугатиш сабаби, комиссия хулосаси, автотранспорт воситасини тугатиш натижасида кирим килинган яроқли узеллар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо материаллар кўрсатилганлиги ва комиссия аъзоларининг имзолари мавжудлиги ҳамда корхона раҳбари оамонидан тасдиқланганлигини текшириши лозим.

Аудитор томонидан транспорт воситаларининг балансдан ҳисобдан чиқариш жараёни ўрганилаётган пайтда корхона бухгалтериясида «Транспорт воситаларини тугатиш тўғрисида __сон далолатнома»си билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати ҳафсизлиги хизмати идораларидан ҳисобдан чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг ҳам мавжудлиги текширилиши лозим.

Аудитор тугатиш комиссия томонидан тузилган «Тугатиш далолатномаси»ни тўлиқ текширади. Аудитор томонидан АТВларни тугатиш натижаларини тўғри рамиёлаштирилиши ва бухгалтерия ҳисоби счетларида акс эттирилишини текшириш бўйича мисоллар 9.2жадвалда келтирилган.

9.2-жадвал

АТВларнинг тугатилишини счётларда акс эттириш

№	Операциянинг	Сумма	Дебет	Кредит	Асос бўлувчи
---	--------------	-------	-------	--------	--------------

	мазмуни		счет	счет	хужжат
1	АТВнинг бошланғич кийматини ҳисобдан чиқарилишига	5000000	9210	0160	Тугатиш далолатномаси
2	АТВ бўйича ҳисобланган жами эскириш суммасини ҳисобдан чиқарилишига	5000000	0260	9210	Тугатиш далолатномаси
3	Тугатишдан олинган эҳтиёт қисмлар ва металлломнинг баҳоланган кийматига	100000	1040, 1090	9210	Тугатиш далолатномаси
4	Тугатиш харажатларига	25000	9210	6710, 6520, 6990	Тугатиш далолатномаси
5	АТВ бўйича қайта баҳолашдан вужудга келган резерв капиталини камайтирилишига	500000	8510	9210	Тугатиш далолатномаси
6	Тугатишдан олинган молиявий натижага: -олинган фойда суммасига -кўрилган зарар суммасига	575000 -	9210 9430	9310 9210	Тугатиш далолатномаси

АТВларнинг сотилиши турли сабабларга кўра юз беради, масалан автотранспорт корхонаси банкротга учраганда, эски автомобилларга зарурат бўлмаганда, янги автомобилларнинг сотиб олинишини маблағ билан таъминлаш мақсадида ва бошқа ҳолларда. Аудитор автотранспорт корхоналари томонидан АТВларни сотиш бўйича харидорлар билан тузилган шартномани ва шартнома асосида расмийлаштирилган счё-фактура(лар)ни тўлиқ аудиторлик текширувидан ўтказди. Бу ҳолатда дастлаб автотранспорт воситасини сотиш бўйича расмийлаштирилган счё-фактура(лар) реквизитларининг тўлиқ расмишлаштирилганлиги, маъсул шахслар имзоларининг мавжудлиги аниқланади. Сўнгра, счё-фактура(лар) арифметик текширилади.

Мисол : Корхонага тегишли хизмат автомабили сотилди:

Сотиш киймати – 4800000 сўм, бошланғич қиймати – 12000000 сўм, жамланган амортизация суммаси – 7000000 сўм, АТВ бўйича қайта баҳолашдан вужудга келган резерв капиталини -2000000 сўм.

Корхона умум солиқ тўловчи.

**Ушбу хўжалик операцияси корхона бухгалтериясида қуйидагича
ёритилган:**

Хўжалик операцияси мазмуни	Д-Т	К-Т	Сумма
Асосий воситанинг бошланғич қийматига	9210	0150	12000000
Жамланган амортизация суммасига	0250	9210	7000000
Автомобилни сотиш қийматига	4010	9210	4800000
АТВ бўйича қайта баҳолашдан вужудга келган резерв капиталини камайтирилишига	8510	9210	2000000
ҚҚС	9210	6410	360000
Автомобилни сотишдан фойда	9210	9310	1440000

Текшириш натижасида аудитор томонидан корхонада тегишли хизмат автомобилнинг бўйича амалга оширилган операцияларнинг ҳамда хизмат автомобилни сотиш бўйича молиявий натижанинг нотўғри аниқланганлигини ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилиши меъёрий хужжатларга мос эмаслиги аниқланди.

Бунинг учун аудитор томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

ҚҚС объекти ва суммаси аниқланди. Текшириш жараёнида ҚҚС объекти нотўғри аниқланганлиги ва бунинг оқибатида ҚҚС суммаси нотўғри ҳисобланганлиги аниқланди. Корхона бухгалтерияси тамонидан ҚҚС автомобилнинг сотиш қийматидан ҳисобланган. Амалда бўлган меъёрий хужжатларга асосан асосий воситаларни сотишда ҚҚС сотиш қийматидан эмас, балким сотиш ва қолдиқ қиймати ўртасидаги ижобий фарқдан ҳисобланади. Бизнинг мисолда ҚҚС солиқ солиш объекти 0 тенг, чунки хизмат автомобилни сотиш ва унинг баланс қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ салбий суммани ташкил этди. $4800000 - (12000000 - 7000000) = -2000000$ сўм.

АТВ бўйича қайта баҳолашдан вужудга келган резерв капитали ҚҚС объекти ҳисобланмайди.

Хизмат автомобилни сотиш бўйича молиявий натижа аниқланди. Молиявий натижа = Асосий воситанинг сотиш қиймати - (Асосий воситанинг бошланғич қиймати - жамланган эскириш суммаси), яъни $4800000 + 2000000 - (12000000 - 7000000) = 1800000$ сўм.

Демак бизнинг мисолда аудитор тамонидан корхона хизмат автомобилни сотишдан 1800000 сўм фойда кўрганлиги аниқлади ва ушбу хўжалик

операциясини қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан тўғирлаш бўйича таъсис берди.

Хўжалик операцияси мазмуни	Д-Т	К-Т	Сумма
Ўзгаришсиз қолади			
Асосий воситанинг бошланғич қийматига	9210	0150	12000000
Жамланган амортизация суммасига	0250	9210	7000000
Автомобилни сотиш қийматига	4010	9210	4800000
АТВ бўйича қайта баҳолашдан вужудга келган резерв капиталини камайтирилишига	8510	9210	2000000
Автомобилни сотишдан фойда	9210	9310	1440000
Тўғирлаш бўйича бухгалтерия ёзуви			
ҚҚС	4410	8720	360000
Автомобилни сотишдан олинган зарар	8720	9430	1000000

Автотранспорт воситаларнинг бепул берилиши, таъсис бадали сифатида киритилишлари натижасида ҳисобдан чиқарилишини аудитдан ўтказиш жараёнида аудитор тузилган шартномаларни, автотранспорт воситаларни бепул бериш, таъсис бадали сифатида киритиш бўйича корхона бошқаруви (рахбари, мулк эгаси) қарорининг мавжудлигини, бепул берилган, таъсис бадали сифатида киритилган асосий восита(лар) учун ёзилган счёт фактураларни текширувдан ўтказиши керак.

Автотранспорт корхоналари ўз АТВларини бошқа юридик шахсларга таъсис бадали сифатида киритилишини аудиторлик текширувдан ўтказишда аудитор қуйидагиларга эътибор қаратиши керак:

биринчидан, таъсис бадали сифатида берилган АТВлар уларнинг бошланғич қийматида, шунингдек улар бўйича жамланган эскириш суммаси корхонанинг балансидан юқорида келтирилган ёзувлар асосида чиқарилади.

иккинчидан, таъсис бадали сифатида киритилган АТВлар автотранспорт корхоналарида молиявий инвестициялар сифатида тан олинади ва мос равишда 0600 «Узоқ муддатли инвестициялар» счётида акс эттирилади.

учинчидан, АТВларни таъсис бадали сифатида киритиш, уларнинг келишув қийматидан қатъий назар, ҚҚСга тортилмайди.

тўртинчидан, АТВларни таъсис бадали сифатида киритишдан олинган фойда ёки қўрилган зарар мос равишда 9310 «Асосий воситалар чиқимидан фойда» ва 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётида акс эттирилади.

Автотранспорт воситаларнинг сотилиши ва бошқа сабабларга кўра чикими аудитини ўтказиш жараёнида аниқланган барча камчилклар, четланишлар

бўйича корхона раҳбарига (бюртмачига) маълум қилади ва ушбу камчиликлар, четланишларни бартараф этиш бўйича тавсиялар беради.

9.3. Транспорт воситалари иш фаолияти кўрсаткичларининг аудити

Аудитор автотранспорт корхоналарида автотранспорт воситалари иш фаолияти иш кўрсаткичларининг ҳолатини ўрганиши учун ҳар бир автотранспорт воситаси иш фаолияти алоҳида юритиш учун очилган махсус «Автотранспорт иш фаолияти ҳисоби карточкаси»ни ўрганади. Бу карточкаларда АТВлар иш фаолиятини ифодаловчи соний ва сифат кўрсаткичлар даврлар бўйича акс эттирилган ҳамда жамланиб борилган бўлади. Автотранспорт воситалари иш фаолияти кўрсаткичлари қуйидагилар ҳисобланади:

АТВлар иш фаолияти ҳажмини ифодаловчи соний кўрсаткичлар бўлиб ташилган юк ҳажми ва юк айланмаси (юк обороти) ҳисобланади. Чунончи, ташилган юк ҳажми тоннада, юк айланмаси (юк обороти) тонна-километрда, йўловчи ташиш ҳажми эса киши сонига, йўловчи айланмаси (йўловчи обороти) киши-километрда ҳисобга олинади.

Тонна-километр (т/км) – бу транспорт томонидан 1 тонна юкни 1 км масофага ташиш бўйича бажарилган ишни ҳисобга олиш учун қабул қилинган шартли бирлик. Транспорт томонидан бажарилган жами ишнинг тонна-километр (т/км)даги ҳажми ташилган юк миқдорини (тонна) жами юк билан босиб ўтилган масофа (км)га кўпайтириш орқали топилади.

Киши-километр (к/км) – бу транспорт томонидан 1 кишини 1 км масофага ташиш бўйича бажарилган ишни ҳисобга олиш учун қабул қилинган шартли бирлик. Транспорт томонидан бажарилган жами ишнинг киши-километр (к/км)даги ҳажми ташилган йўловчилар сонини (киши) жами йўловчилар билан босиб ўтилган масофа (км)га кўпайтириш орқали топилади.

Автотранспорт воситалари иш фаолияти турли сифат кўрсаткичлари билан тавсифланади. Уларнинг асосийлари бўлиб, чунончи, қуйидагилар ҳисобланади:

- 1 тонна-километр (т/км) юк айланмасининг таннархи. Бу кўрсаткич юк ташиш автомобил транспортини эксплуатацияси учун сарфланган жами харажатларни жами бажарилган иш ҳажми, яъни юк айланмаси (т/км) миқдорига бўлиш орқали топилади.

• 1 киши-километр (к/км) йўловчи айланмасининг таннархи. Бу кўрсаткич йўловчи ташувчи автомобил транспортини эксплуатацияси учун сарфланган жами харажатларни жами бажарилган иш ҳажмига, яъни йўловчи айланмаси (к/км) миқдорига бўлиш орқали топилади.

• автомобилларнинг техник тайёргарлик коэффициенти. Бу кўрсаткич маълум даврда жами техник соз ҳамда юк ташиш (йўловчи ташиш) учун яроқли бўлган автомобиллар сонини уларнинг шу даврда жами рўйхатдаги сонига бўлиш орқали топилади.

• автомобилларни ишга чиқиш коэффициенти. Бу кўрсаткич маълум даврда жами ишга чиққан автомобиллар сонини шу даврда ҳўжаликда мавжуд бўлган жами автомобиллар сонига бўлиш орқали топилади.

• ишдаги автомобил-кунлар сони. Бу кўрсаткич маълум даврдаги жами автомобил-кунлар сонини шу даврдаги автомобилларни ишга чиқиш коэффициентиға кўпайтириш орқали топилади.

• ишда бўлмаган автомобил-кунлар сони. Бу кўрсаткич маълум даврда ҳўжаликдаги жами автомобил-кунлар сонидан жами ишдаги автомобил-кунлар сонини айириш орқали топилади. Автоҳўжаликларда ишда бўлмаган автомобил-кунлар сони объектив ва субъектив сабабларға кўра юз беради. Чунончи, дам олиш ҳамда байрам кунларига, шунингдек режадаги техник кўрик ва таъмирлаш ишларига тўғри келадиган автомобил-кунлари сони объектив сабаблар ҳисобланади. Йўлга чиқиб, турли тасоддий холатларға кўра иш вақтини тўлик ўтамасдан ҳўжаликка қайтган, шунингдек ҳайдовчининг берилган топшириқни бажармаганлиги ва шу каби бошқа холатларға кўра ишда бўлмаган автомобилларға тўғри келувчи автомобил-кунлари сони субъектив сабаблар ҳисобланади. Бундайин сабабларға кўра вужудға келган автомобил-кунлар сони тузилган махсус далолатномалар асосида ҳисобға олинади.

• наряддаги автомобил-соатлар сони. Бу кўрсаткич маълум даврда ҳўжаликдаги жами автомобил-кунлар сонини автомобилларнинг нарядда бўлган ўртача суткалик соатлари сонига кўпайтириш орқали топилади.

• Автомобиллар иш вақтидан фойдаланиш коэффициенти. Бу кўрсаткич автомобилларнинг ҳаракатдаги вақтини нарядда бўлган вақтиға бўлиш орқали топилади.

- босиб ўтилган масофанинг фойдалилик коэффициенти. Бу кўрсаткич автомобилларнинг маълум даврда юк билан босиб ўтган масофасини жами юк билан ва юксиз босиб ўтган масофасига бўлиш орқали топилади.

- юк кўтариш имкониятидан фойдаланиш коэффициенти. Бу кўрсаткич автомобиллар томонидан маълум даврда ҳақиқатда ташилган юк ҳажмини уларнинг шу даврга тўғри келадиган жами юк ташиш имкониятига бўлиш орқали топилади.

АТВлар иш фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисобини юритишга асос бўлувчи бошланғич ҳужжатлардан бири бўлиб йўл варақалари ҳисобланади. Аудитор ушбу ҳужжатнинг турлари, шакллари, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, тўлғатиш ва ишловдан ўтказиш тартиблари Ўзбекистон Республикаси автомобил ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2004 йил 3 июндаги 83-буйруғи билан тасдиқланган «Ташувчиларнинг юк автомобиллари учун йўл варақалари, товар-транспорт накладнойларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, тўлғатиш ва ишловдан ўтказиш бўйича йўриқнома» билан белгиланган тартибларга мослигини текширади.

Йўл варақаси АТВ иш фаолиятини аниқлаш ва ҳисобга олиш учун мўлжалланган белгиланган намунадаги ҳуқуқий ҳужжатдир. Йўриқномада турли мақсадлар ва йўналишлар учун йўл варақаларининг қуйидаги намунавий шакллари тасдиқланган:

№ 4-с (ишбай) шакл - АТВларда юк ташишда улар ҳайдовчиларига меҳнат ҳақи ишбай шаклда шартнома асосида белгиланган тарифларда ҳисоб-китоб қилинганда қўлланилади.

№ 4-п (вақтбай) шакл – АТВларда юк ташишда улар ҳайдовчиларига меҳнат ҳақи вақтбай шаклда шартнома асосида белгиланган тарифларда ҳисоб-китоб қилинганда қўлланилади.

№ 4-м (шаҳарлараро) шакл – АТВларда юк ташиш шаҳарлараро йўналишда амалга оширилганда қўлланилади. Ушбу шаклнинг юза қисмида босмаҳона усулида кизил рангли катакча ичида «Шаҳарлараро ташиш» ёзуви бўлади.

№ 1 (ҳалқаро) шакл – АТВларда юк ташиш халқаро йўналишларда амалга оширилганда қўлланилади.

Йўл варақалари АТВ ҳайдовчиларига автотранспорт корхонасининг махсус бўлими (диспетчерлик бўлими) ёки ушбу функция юклатилган ходим томонидан ҳар бир иш кунига (сменага) берилади. Шаҳарлараро ва халқаро

Йўналишларда юк ташиш учун йўл варақалари бир иш кунидан ортиқ муддатга берилиши мумкин. Хайдовчилар кейинги иш куни (смена)га йўл варақаларини олишлари учун олдинги иш куни (смена)га берилган йўл варақаларини топширишлари шарт. Улар йўл варақаларини олганликлари тўғрисида диспетчерлик бўлимида юритиладиган «Берилган йўл варақаларини қайд этиш китоби»га имзо чекадилар. Берилган йўл варақалари автотранспорт корхонасининг бурчак штампи ва муҳрига эга бўлиши лозим.

Автотранспорт корхоналарига, уларнинг ташкилий-хукукий шаклидан қатъий назар, йўловчи ва юк ташиш автомобилларини белгиланган шалдаги йўл варақаларисиз йўлга чиқариш қатъиян ман этилади.

Йўл варақаларининг тасдиқланган ҳар бир шаклини тўлғазиш тартиби йўриқномада келтирилган.

4-с (ишбай) шаклдаги йўл варақалари юза ва орқа қисмлардан, ушбу қисмлар эса алоҳида бўлимлардан иборат бўлиб, уларда АТВ иш фаолиятига доир маълумотлар кўрсатилади. Чунончи, йўл варақасининг юза қисмида унинг тартиб рақами, берилган санаси, иш режими, хайдовчи фамилияси, исми-шарифи, тоифаси, АТВнинг маркаси, давлат белгиси рақами, типи, тиркама ёки ярим тиркаманинг маркаси, давлат белгиси рақами, хайдовчи билан йўлга чиқаётган шахслар (экспедитор, юк ташувчи ва туширувчи, стажер)нинг фамилияси, исми-шарифи алоҳида белгиланган қаторларда кўрсатилади.

4-п (вактбай) шаклдаги йўл варақалари бошқа шаклдаги йўл варақаларидан фарқли ўлароқ махсус кесиб олинadиган талон қисмига эга. Бу талонда кўрсатилган кўрсаткичлар буюртмачи томонидан тўлдирилади, имзоланади ва штамп билан тасдиқланади. Талон транспорт корхонаси томонидан буюртмачига бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар учун счёто-фактура тақдим этишга асос бўлади.

№ 1 (ҳалқаро) ҳамда 4-м (шаҳарлараро) шакллардаги йўл варақаларининг асосий қисмларини тўлғазиш тартиби 4-с (ишбай) ва 4-п (вактбай) шакллардаги йўл варақаларини тўлғазиш тартибига ўхшайди. Фақат № 1(ҳалқаро) шаклдаги йўл варақаларида қўшимча тарзда босиб ўтилган йўл узунлиги (км), ташилган юк (тонна), юк айланмаси ҳажми (т/км), автомобилнинг бўш турган вақтлари (соат, дақиқа) каби кўрсаткичлар мос равишда Ўзбекистон территорияси ҳамда чет эл мамлакатлари территориялари бўйича кўрсатилади. Шунингдек, ушбу йўл варақасининг «Ёқилғи» бўлимида мос равишда республикаимиз территориясида ҳамда чет эл мамлакатлари территориясида олинган

ёқилғининг миқдори ва сарфининг ҳисоб-китоби алоҳида-алоҳида кўрсатилади. Бу бўлимнинг алоҳида устуларида автомобилнинг чиқиб кетиш ва қайтиб келиш санасига бўлган ёқилғининг қолдиғи, унинг норма бўйича сарфи ва ҳақиқий сарфи, қилинган тежам ва ортиқча сарфлар кўрсатилади. № 1 (ҳалқаро) шаклдаги йўл варакасида «Иш ҳақи ҳисоб-китоби» бўлими бўлиб, унинг алоҳида устунларида иш турлари ва уларга ҳисобланган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

АТВлар иш фаолияти ҳисобини юритишга асос бўлувчи яна бир бошланғич ҳужжат бўлиб товар-транспорт накладнойи (ТТН) ҳисобланади. Аудитор ушбу ҳужжатни тўлиқ ўрганади.

Фойдаланишга тавсия этилган адабиётлар

1. Masharipov O., Ilhomov Sh. Amaliy audit. O'quv qo'llanma.-T.: "IQTISOD-MOLIYA", 2013. - 272 b.
2. Tulaxodjayeva M.M., Ilhomov SH.I. Audit. O'quv qo'llanma. - T.: «Iqtisodiyot», 2012. – 184 b.
3. Тулаходжаева М.М., Илхомов Ш.И., Ахмаджонов К.Б. ва бошқалар Аудит. Дарслик. I жилд. Ўз.Р. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат иктисодиёт университети. -Тошкент: NORMA, 2008.-320 б.
4. Тулаходжаева М.М., Илхомов Ш.И., Ахмаджонов К.Б. ва бошқалар Аудит. Дарслик. II жилд. Ўз.Р. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат иктисодиёт университети. -Тошкент: NORMA, 2008.-320 б.
5. Шоалимов А.Х., Илхомов Ш.И., Ходжаева М.Х. Бошқа тармоқларда иктисодий таҳлил ва аудит – Т.: ТДИУ, «Иктисодиёт», 2011. – 192 б.
6. Do'smurotov R. D., Fayziyev Sh. N. va bosh. Audit. O'quv qo'llanma, I-qism. – Т.: Iqtisod-moliya. 2008. – 178 b.
7. Do'smurotov R. D., Fayziyev Sh. N. va bosh. Audit. O'quv qo'llanma, II-qism. – Т.: Iqtisod-moliya. 2008. – 256 b.
8. Аудит: учебник / под ред. Булыги Р.П. –М.: «ЮНИТИ – ДАНА», - 2009 г. – 431 стр.
9. Подольский В. Аудит. Учебник. – М.: Изд. Юрайт, 2010 г. – 605 стр.
- 10.Подольский В.И., Савина Н.В. Аудит в строительстве: учеб. для студ. высш. учеб. заведений / под ред. В.И.Подольского.-М.: Издательский центр «Академия», 2008.-256с.
- 11.Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
- 12.Уразов К.Б., Воҳидов С.В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. – Т. «Адиб», 2011.

**Уразов Комил Бахрамович,
Худайбердиев Нemat Умарович,**

БОШҚА ТАРМОҚЛАРДА АУДИТНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўқув қўлланма

2017 йил боснига рухсат этилди.
Қогоз бичими А 4. Оффсет қоғози. Босма табоғи 8,25
Адади 100 нусха. Буюртма № 99

СамИСП босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Самарканд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй

